

ҲУСАНОВ БАҲОДИР

# Гўзаллик фалсафаси

Монография



ҲУСАНОВ БАҲОДИР

# ГЎЗАЛЛИК ФАЛСАФАСИ

*Монография*



ТОШКЕНТ  
«ZEBO PRINT»  
- 2022

УДК: 811.111(075)

КБК: 81.2уа721

Ҳ 56

**Хусанов Баҳодир**

**Гўзаллик фалсафаси [Матн]:** Монография. -Тошкент: «ZEBO PRINT», 2022. - 152 б.

**Илмий муҳаррир:**

**Нурматова Мукаррам Ахмедовна** – Фалсафа фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

**Абдуллаева Насиба Бўроновна** – Фалсафа фанлари доктори, доцент. Ўзбекистон Миллий университети

**Ғайбуллаев Отабек Муҳаммадиевич** – Фалсафа фанлари доктори, доцент. Самарқанд давлат чет тиллар институти

ISBN 978-9943-8120-9-3



**МУНДАРИЖА**

<b>СЎЗ БОШИ</b> .....	<b>4</b>
<b>МУҚАДДИМА</b> .....	<b>9</b>

**Биринчи бўлим**

**ЭСТЕТИК ТАФАККУР ТАРИХИДА ГЎЗАЛЛИККА  
МУНОСАБАТ**

Қадимги дунё эстетик тафаккурида гўзаллик талқини .....	14
Янги ва Энг Янги давр эстетикасида гўзалликка муносабатнинг умумметодологик жиҳатлари.....	35

**Иккинчи бўлим**

**ГЎЗАЛЛИК - ФАЛСАФАНИНГ ТАДҚИҚОТ  
ОБЪЕКТИ СИФАТИДА**

Гўзаллик – нафосат фалсафасининг асосий категорияси.....	46
Гўзалликнинг асосий элементлари ва хусусиятлари.....	54

**Учинчи бўлим**

**ИНСОН ГЎЗАЛЛИГИ**

Инсон гўзаллигининг умумий мезонлари .....	62
Ахлоқ гўзаллиги .....	75

**Тўртинчи бўлим**

**ГЎЗАЛЛИК ВА ИЖТИМОЙ ҲАЁТ**

Гўзаллик ва маънавий кадрятлар.....	100
Гўзаллик индустрияси.....	123

<b>ХОТИМА</b> .....	<b>146</b>
---------------------	------------

## СЎЗ БОШИ

Гўзаллик эстетика категориялари орасида алоҳида ўрин тутати. Шу боис, эстетика фанининг предмети ҳақида “Эстетика – гўзаллик ҳақидаги фан” деган фикр билдирилади. Бунинг қатор сабаблари бор. Аввало, эстетиканинг деярли барча муаммолари гўзаллик тушунчаси доирасида тадқиқ, таҳлил ва тасвир қилинади. Яъни, воқеликка эстетик муносабат тўғрисида гапирсак ҳам гўзалликсиз “ишимиз битмайди”; эстетик онг структураси ҳақида гапирсак ҳам гўзалликни назарда тутамиз. ...

Эстетик ҳиссиёт, биринчи навбатда, гўзаллик ҳиссиётидан дарак беради, эстетик идеалда одамларнинг гўзаллик ҳақидаги тасавури, эстетик дидда эса одамларнинг чиройли ва ҳунук нарсаларни ажрата олиш қобилияти кўринади. Эркин жамият ва комил инсон ҳақидаги тасавурларимиз ҳам бизни гўзаллик тушунчаси, гўзаллик олами сари етаклайди. Шу боис, эстетика бўйича бирон муammo ёки тадқиқот йўқки, унда гап гўзалликдан бошланиб, гўзаллик билан яқунланмаган бўлса.

Француз файласуфи, ёзувчи Дени Дидро гўзалликнинг пайдо бўлишидек мураккаб масала юзасидан мулоҳаза билдиришдан аввал бу мавзу бўйича бош қотирган кўплаб муаллифлар қатори шуни қайд этишим керакки, қайдайдир машъум тасодифият туфайли одамлар ўзлари яхши тушуниб етмайдиган нарсалар ҳақида кўп гапирадилар, ана шундай масалалардан бири гўзалликдир, - деган эди. Бутун дунё гўзаллик ҳақида ўйлайди: табиатдаги гўзалликдан қувонамиз; уни санъат асарларидан талаб қиламиз; гоҳо унинг хусусиятини тан оламиз, ёхуд инкор этамиз. Бироқ, нозик дидли одамлардан гўзаллик ҳақида, унинг аниқ тасвири ва таърифи сўралса “Гўзаллик абсолют характерга эгами ёки нисбийми? Бундайроқ гўзалликлар учун қоида ва ўртак бўлувчи абадий, доимий гўзаллик мавжудми? Ёки гўзаллик ҳам модага ўхшаган нарсами?”, дейилса, биз шу заҳоти турли-туман мулоҳазаларга гувоҳ бўламиз. Пировардида, айрим одамлар ўзларининг бу масала юзасидан беҳабарлигини айтишса, бошқалар шубҳалар гирдобига тушиб қолади. Дафъатан аксарият одамлар гўзалликнинг мавжудлигига иқрор бўлишади, кўпчилик уни ҳис

етишади, лекин жуда ҳам санокли шахслар унинг нималигини билишади.

Одамзод пайдо бўлибдики, гўзаллик муаммоси устида бош қотиради. Оддий одамлардан тортиб, файласуфларгача гўзаллик манбаи, гўзаллик қадри ва гўзалликнинг аҳамияти хусусида фикр юритадилар. Файласуфлар гўзаллик тўғрисида турли-туман назарий қарашларни илгари сурдилар, санъаткорлар ўз салоҳиятлари доирасида гўзалликни куйладилар. Қолаверса, оддий халқ ўз теварак-атрофини инсонийлаштиргани сари инсон ва ҳаёт учун зарур ва фойдали нарсаларнинг барчасини, ҳеч қандай назарий қарашларсиз, оддий сўз билан - “гўзаллик” деб атаб келдилар. Халқ тасавурида тинч-осойишта ҳаёт, бахтиёр турмуш ва соғлик-саломатлик гўзаллик саналади.

Кўпинча оддий халқнинг самимий лутфи, фикри, тасавури, амалий тажрибаси ва инсоний яшаш мантигидан келиб чиқадиган фалсафий мушоҳадаларнинг қанчалик содда, айтиш мумкин чокда ҳаққоний эканлигини сезмай қоламиз. “Ҳаёт нима?”, “Яшашдан мақсад нима?” - деган саволлар билан овора бўламиз, бироқ саводсиз ёхуд меҳнаткаш халқ унга оддий, жўн, шу билан бирга, жуда ҳаётий қилиб “пок ва эркин яшамок керак, инсон бўлиб ўлмоқ керак” деб жавоб беради.

Қадимги мисрликлардан бошлаб “Гўзаллик - бу ҳаётдир” деган мулоҳаза ҳукмрон эди. Юнонлар, айниқса, пифагорчилар гўзалликнинг асосини гармониядан қидирдилар: “контакт - бу товушлар уйғунлигини ифодаловчи оркестр” - деган тасаввурга эга эдилар. ... Гўзаллик ҳақида шунчалик кўп назариялар, қарашлар ва таълимотлар мавжуд эдики, уларнинг ҳар бирида гўзаллик каби ниҳоятда мураккаб ва умумий тушунчанинг қайсидир алоҳида бир томони, белгиси ва аҳамияти қайд этилади. “Инсон учун фойдали ва керакли бўлган нарсалар гўзалдир”. Бу қараш Сукротдан тортиб XX аср эстетикасидаги жуда кўп оқимларда давом эттирилди. Унинг ижобий ва салбий томонлари чуқур ўрганилди. Ҳаётий кузатишлар, инсон тажрибалари шуни кўрсатдики, барча гўзал нарсалар инсонга фойдали бўлмаганидек, барча фойдали нарсалар ҳам гўзал бўлмаслиги мумкин экан.

Илоҳиёт фалсафасида гўзаллик Худо томонидан яратилади, нарса ва ҳодисалар гўзаллигини Худо белгилайди, деган фикр ҳам қарор топди. Чунончи, Афлотун фикрига кўра гўзаллик шундай бир нарсаки, уни инсон аллақандай эстетик-руҳий кайфият чоғидагина идрок эта олади. Унинг тасавурида гўзаллик нарса ва предметларга хос бўлмай, инсоннинг воқеликка маънавий-эстетик муносабати натижасида туғиладиган гоя, тушунчадир. Нарса ва ҳодисалардаги уйғунлик, гармония, пропорция ва мутаносиблик гўзалликни ташкил этади (Арасту, Дидро). Инсон ана шу нарса ва ҳодисаларни гўзал ёки ҳунуқлигини белгилашда меъёр вазифасини ўтайди. Инсоний меъёр - гўзалликнинг асосидир.

Кишининг нарса ва ҳодисалардан беғараз завқ олиши гўзаллик туйғуларини ифодалайди (И.Кант). Нимаики инсонга завқ-шавқ берса у гўзалдир. Гўзаллик-бу ҳаётдир. Инсон ҳаёти, эҳтиёжи ва мақсадига мос тушувчи нарсалар гўзалдир (Н.Г.Чернишевский). XIX ва XX аср жаҳон эстетикасида турли фалсафий йўналишлар билан боғлиқ Г. Липпо, Ш. Лало, Э. Мейман, Б. Кроче, Н. Гартман, Ф. Брентано ва ҳоказо олимлар томонидан илгари сурилган гояга биноан гўзаллик инсон руҳияти, қалби ва маънавияти билан боғлиқ категориядир. Гўзаллик манбаи- шахс қалбидадир. Рус эстетик олими Ю.Борьев томонидан илгари сурилган ижтимоий йўналишга биноан гўзаллик табиий хусусиятларга эга объектив ҳодиса бўлиб, инсон эҳтиёжига асосан ижтимоий ишлаб чиқариш тажрибасига жалб этилган ва инсоният учун ижобий аҳамиятга молик эркин маънавий жараён ифодасидир.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, эстетиканинг бирон бир категорияси файласуфларни гўзаллик каби кўп эътибор, эътироф ва таърифланмаган. Демак, гўзаллик - тарихий тушунча. У инсоният тарихида инсоннинг табиатни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида, меҳнат туфайли шаклланган ва ривожланган.. Инсоннинг онги, тасавури, ижтимоий тажрибаси, ривожланиши, камол топиши ва такомиллашишига қараб гўзаллик тўғрисидаги тушунчаси ҳам кенгайиб, чуқурлашиб борган. Унинг дастлабки пайтларда “гўзаллик” сифатида пайдо бўлиши ва қарор топиши, шубҳасиз, она табиат ва тадрижий (эволюцион) таракқиёт қонунийатларини инсон томонидан эгаллаб боришига боғлиқ бўлган.

Инсонда бирданига ва тайёр ҳолда гўзаллик ва хунуклик деган тасаввур пайдо бўлмайди. Табиат ва жамият гўзаллигининг айрим намуналари инсон онгидаги гўзалликнинг мантиқий такрори ва барқарорлиги учун асос бўлган.

Гўзаллик гарчи конкрет нарса ва предметлар қиёфасида, кўринишида намоён бўлса, зикр этилса-да, у тушунча сифатида объектив характерга эга. Гўзаллик – инсонга алоқадор ҳолда нарса ва предметларнинг ижтимоий моҳиятини белгиловчи маънавий ҳодиса сифатида объектив мавжуддир. Фақат бу объективлик субъектнинг ижтимоий, шахсий ва индивидуал фаолиятида ўз ифодасини топади.

“Гўзаллик фалсафаси”га доир ушбу тадқиқотлар муаллифи фалсафа фанлари номзоди, доцент Баходир Хусанов эстетика илмининг мақоми, келажаги ва ҳозирги куни ҳақида қайғурган инсон десам муболаға бўлмайди. У ёшларнинг эстетик дунёқарашини бойитиш, эстетик тафаккурни юксалтириш, қолаверса эстетика соҳасида мутахассислар тайёрлашда, санъат асарларига ва маданий жараёнларга бефарқ бўлмаган ҳолда гўзаллик ҳақида янги қараш, мулоҳаза ва ёндашувни тақдим этган. Тўрт фаслдан иборат бўлган ушбу монографияни ўзига хос мураккаб тадқиқотлар туркумига киритиш мумкин. Чунки кейинги йилларда мамлакатимизда эстетика соҳасида олиб борилган кўплаб тадқиқотларда бу ихтисосликни юзаки, содда бир ёқлама изланишлар кесимида кўриб чиқиш анъанаси урф бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу тадқиқот шу маънода тасвирий санъат, монументаль санъат, архитектура ва адабиёт ка эстетиканинг унут ва ёд бўлаётган объектларига ўз назарини қаратади. Таҳлилий изланишлар, муносабат, қиёс, замонавий ёндашувлар монографияда кенг ёритилади. Гўзаллик индустрияси муаммоси билан боғлиқ кенг аналитик инфомацион маълумотларнинг ҳозиржавоб ва долзарб муаммолари кенг таҳлил кесим кўриб чиқилади.

Ушбу жиҳатларни инобатга олиб, муаллиф мавзуга, анъанавий услубдан воз кечган ҳолда, методологик жиҳатдан ҳам хронологик, ҳам муаммовий, замонавий услуб ва тамойиллар кесимида назар ташлаган. Натижада гўзалликнинг яхлит тизимли мазмун ва моҳияти фалсафий мушоҳада кўламига сингиб кетган. Нати-



жада бу монография муаллифнинг гўзалликни идрок этиш ва тасаввур этиш қанчалик хилма-хил ва қийин бўлса, у ҳақда фикр юритиш ва унга таъриф бериш ҳам шунчалик мушкул эканлиги ҳақида маълумот беради.

Аниқ тасаввур ва илмий мушоҳадага ундовчи ушбу монография китобхонларнинг эстетик билимлари доирасини кенгайтиради, деган умиддамиз.

*Гули Маҳмудова.*  
*Фалсафа фанлари доктори, профессор.*

*Илмий тадқиқотимиз натижаси бўлган ушбу монографияни ўзбек миллий эстетикаси ривожига муносиб ҳисса қўшган устозларим - фалсафа фанлари доктори, профессор Тилаб Маҳмудов ҳамда фалсафа фанлари доктори, профессор Эркин Умаровнинг порлоқ хотирасига бағишлайман.*

## МУҚАДДИМА

Фалсафа ва унинг фан сифатидаги умумназарий масалалари доимо тафаккур аҳлининг эътиборини жалб этиб келган. Инсон оламни ҳис-туйғулари, ақл идроки ва ирода-ихтиёри ёрдамида ўзлаштирар экан, фалсафага эҳтиёж сезиб яшаш табиийдир. Зеро, табиат, жамият ва инсоннинг ривожланиш муаммолари билан боғлиқ жараёнларда тафаккурга мурожаат қилиш - фалсафага мурожаат қилиш, ҳақиқатни англаш – фалсафани англаш демакдир. Бир сўз билан айтганда, фалсафада бош мақсад – ҳақиқат ва уни юзага келтиришдир. Фалсафа эса ҳақиқатга тафаккур орқали боради.

Ўзининг қадимий тарихига эга бўлган эстетика шу маънода фалсафий фан ҳисобланадики, у ҳам табиат, жамият ва инсон муаммоларига фалсафанинг бош мақсади бўлган ҳақиқат тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ёндошади. Бироқ, эстетика илми ҳақиқатга гўзаллик орқали эришади. Шунинг учун ҳам эстетика ҳақида гапирилган жойда, албатта гўзаллик тушунчаси иштирок этади. Зеро, инсонга оддий қилиб “эстетикаси зўр инсон” деб баҳо бериш билан ўша инсоннинг гўзалликка муносабатини ҳам баҳолаган бўламиз.

Гўзаллик масаласига келсак, у эстетиканинг муҳим мезоний тушунчаси (категорияси) сифатида барча эстетик тушунчалар учун асос вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам одатда “Эстетика фани нимани ўрганади?”, “Эстетика фанининг мақсади нима?”, “Эстетика қандай фан?” деган қатор саволларга “Эстетика - гўзалликни ўрганувчи фан!”, “Эстетиканинг мақсади - гўзалликни яратиш!”, “Эстетика - гўзаллик ҳақидаги фандир!” - деган жавоб берилади. Кўриниб турибдики, эстетика билан боғлиқ ҳар қандай саволнинг жавоби гўзаллик масаласига бориб тақалади.

Гўзаллик ўз-ўзидан вужудга келадиган ҳодиса эмас, балки шакли, мазмуни ва хусусиятига кўра икки кўринишда намоён бўлади. *Биринчи кўриниши* гўзаллик онтологияси билан боғлиқ. Гўзаллик тафаккур ва табиат маҳсули. Кулол лойдан, наққош ёғочдан, мисгар мисдан, заргар тиллодан шундай буюм ярададики, унинг жозибаси инсонни ҳайратга солади. Ёки табиатдаги пурвиқор тоғлар, юксак чўққилар, денгиз-у уммонларнинг гўзаллигини инсон такрорлашга ожиз.

*Иккинчи кўриниши* гўзаллик гносеологияси билан боғлиқ. Яъни гўзаллик билишнинг маҳсули. Воқеликдаги ҳар қандай нарса-ҳодисанинг гўзаллиги унинг ишончилиқ, кизиқарлиқ, ҳаққонийлик мезонлари билан ўлчанади. Инсон гўзалликни чинакам ҳис этганда, унинг моҳиятини билгандагина завқланади, хузур қилади. Зеро, гўзалликни билиш, идрок этиш инсоннинг бадиий-эстетик тафаккурини ўстиради.

Гўзаллик тушунчасининг мазмун-моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, унинг тарихий тараққиёт ҳамда ижтимоий муносабатлар жараёнида моддий ва маънавий заруриятга айланган тушунча эканлигини кузатишимиз мумкин. Булар:

*Биринчидан* - ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига гўзалликни тадбиқ этиш, унинг қонуниятларини маънавий жараёнларга қўллаш орқали улуғвор қадриятлар тизими яратилса, жамиятнинг иқтисодий соҳаларига гўзалликни татбиқ қилиш орқали моддий эҳтиёжлар манбаи юзага келади.

*Иккинчидан* – глобаллашув жараёнларига назар ташлайдиган бўлсак, гўзалликни амалий-прагматик жиҳатдан юксак аҳамиятга эга эканлиги янада ойдинлашади. Чунки, ҳозирги кунда тинчликни барқарорлаштириш, экологик хавфнинг олдини олиш, давлатлараро ва этник низоларга чек қўйиш, оммавий қиргин қуролларини ишлаб чиқаришни йўқ қилиш, терроризм, геноцид, гиёҳвандлик ва турли кўринишдаги касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик каби умумбашарий муаммоларга айланиб бормоқда. Эндиликда техногенцивилизацияни ҳам гўзаллик қонунлари асосида ташкил этишга катта эҳтиёж сезилмоқда.

*Учинчидан* - гўзаллик норматив-баҳолаш хусусиятига эга. Чунки, гўзалликни ҳис этиш, уни баҳолаш орқали инсон ўзида уй-

гунликни намоён қилади. Уйгунлик инсонни фаолликка ундайди, лоқайдлик, дангасалик каби иллатлардан ҳалос этади. Агар фаолиятнинг бошқа турлари (сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий) шахснинг алоҳида кучларини ривожлантиришга кўмаклашса, гўзаллик уларни яхлит шакллантиради.

Гўзаллик эстетик тафаккур тарихида тушунча сифатида, қонуният сифатида, назария сифатида, дунёқараш сифатида ўрганилган. Шу боис файласуфлар, адабиётшунослар ва санъатшунос олимлар ўз соҳаларининг умумназарий масалаларини ёритишда гўзалликка мурожаат қилганлар. Хусусан, гўзалликнинг назарий ва амалий таҳлили, маънавий ва ахлоқий моҳияти, ижтимоий ва сиёсий аҳамиятини очиб беришга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар мавжуд. Мазкур тадқиқотларни умумий маънода асосан иккига ажратиш мумкин. 1. Гўзалликни илмий-назарий асосларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар. 2. Гўзалликни илмий-техник тараққиёт билан боғлиқ ҳолда амалий-прогнатик асосларини яратишга йўналтирилган тадқиқотлар.

Бундан ташқари, гўзалликни ўрганишга доир тадқиқотларни қуйидагича туркумлаштириш ҳам мумкин.

I. Эстетика тафаккур тарихида гўзаллик ҳақидаги қарашларни умумий таҳлиliga бағишланган илмий изланишлар. Бу борада М.Ф.Овсянников, А.Ф.Лосев, Л.С.Коган, В.А.Шестаков сингари рус олимларининг асарларини келтириш мумкин. Жумладан, М.Ф.Овсянниковнинг илмий изланишларида эстетик тафаккур тарихида гўзаллик муаммоси умумий тарзда ўрганилган бўлса, В.А. Шестаковнинг тадқиқотлари асосан антик давр юнон эстетикасидан янги давр олмон мумтоз эстетикасигача бўлган даврда гўзалликка муносабат масалаларини ўз ичига олади.

II. Табиат, жамият, инсон муносабатларида гўзалликнинг намоён бўлиш хусусиятларига доир тадқиқотлар. Бу борада В.П.Крутоус, В.Ф.Мартинов, Г.Гадамер, Т.Адорно, Л.Уитмер, Г.Стробсон, Э.Пирс, И.Кон сингари ғарб файласуфларининг тадқиқотларини қайд этиш мумкин. Мазкур тадқиқотларда гўзалликни абстрактликдан конкретлик томон юксалиб бориши, эстетиканинг бошқа категориялари билан гўзалликнинг ўзаро алоқадорлиги, гўзалликни рационал ва ҳиссий англаш масалаларига эътибор қаратилган.

III. Санъат, адабиёт ва маданият фалсафасида гўзалликнинг таҳлили масалаларига бағишланган тадқиқотлар. Мазкур тадқиқотларнинг умумназарий аҳамияти шундаки, санъатда бадиий қиёфа яратиш, ижодкор масъулияти ва санъатнинг миллий хусусиятларини гўзаллик билан боғлиқ тарзда ривожланишининг ўзига хос ифодаларини кўриш мумкин. Бу борада миллий эстетикамизда Т.Маҳмудов, Э.Умаров, М.Абдуллаев, Н. Ғойибов, М. Ҳамидова, Ҳ. Каримов, У.Қорабоев, чет эл санъатшунослари Муҳаммад Тоқи Жаъфарий, Даниел Анри Конвай, Генрих Вольфлин, Рихард Гамон, Роберт Скрантон ва рус нафосатшунослари А.Я.Зись, В.В. Вансловларнинг бу борадаги илмий изланишларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

IV. Гўзалликни моддий маданият, ишлаб чиқариш муносабатлари, технологик тараққиёт билан боғлаб ўрганиш масаласи ўзбекистонлик олимлардан А.В.Цай, Л.Н.Безмоздин, М.Туманов, П.З. Зоҳидов, З.Пўлатов ҳамда А.Цейзинг, О.Кюльпе, В.Унгер сингари хорижлик нафосатшуносларнинг тадқиқотларида моддий маданият ва замонавий эстетика, моддий-эстетик маданиятнинг генезиси, техника ва санъатнинг ўзаро алоқадорлиги, меҳнат эстетикаси моддий эстетик маданиятнинг моҳияти сифатида, моддий-эстетик маданиятни умуминсоний қадриятлар билан алоқадорлигининг миллий ўзига хослиги масалалари гўзаллик билан қиёслаб таҳлил этилган.

V. Миллий ва умуминсоний қадриятлар, маънавий жараёнлар билан боғлиқ гўзалликнинг аксиологик-фалсафий жиҳатлари Э.Юсупов, Абдулла Шер, Ҳ.Шайхова, Қ.Ҳоназаров, Қ.Назаров, гўзалликни адабий-бадиий асарлар, поэзия санъатида намоён бўлишига оид У.Норматов, О.Шарафиддинов, А.Рустамов, М.Кўшчонов, А.Ҳайитметов, И.Ғофуров каби файласуф, адабиётшунос олимларимизнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Бироқ, мустақилликка эришганимиздан сўнг гўзаллик тушунчасини маънавий қадриятлар ва янгича қарашлар асосида илмий тадқиқ этишга, уни замонавий жамият ҳаётига кўрсатадиган таъсирини холисона баҳолашга эҳтиёж тугилди.

Шу боис монографиямизда гўзалликни ижтимоий тараққиётга таъсирини назарий-методологик жиҳатдан асослаш, унинг

шахс ва жамият муносабатларида намоён бўлиши, глобаллашув жараёнларида гўзалликнинг бевосита ва билвосита заруриятга айланувчи маънавий ҳодиса эканлигини баён этиш, маънавий ҳаёт билан моддий ҳаётни уйғунлаштиришда гўзалликнинг асос бўлиб хизмат қилишини бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари орқали кўрсатиб беришни бош мақсад қилиб олганмиз.

Мазкур тадқиқотимиз гўзаллик тушунчасининг мазмун-моҳиятига доир мавжуд қарашлар ва ёндошувларга ойдинлик киритади, деган умиддамиз. Шунинг учун китобхонларнинг бу борадаги ҳолисона баҳоси, амалий таклифлари ва тавсиялари бизни бағоят ҳурсанд қилган бўлур эди.

## БИРИНЧИ БЎЛИМ ЭСТЕТИК ТАФАККУР ТАРИХИДА ГЎЗАЛЛИККА МУНОСАБАТ

### Қадимги дунё эстетик тафаккурида гўзаллик талқини

Гўзаллик тушунчаси азалий муаммо сифатида мутафаккирларнинг диққат эътиборида бўлиб келди. Донишмандлар гўзалликнинг моҳиятига ўзига хос тарзда ёндошганлар. Шунинг учун йиллар давомида эстетик тафаккур тарихида гўзаллик ҳақидаги гоялар, қарашлар, назариялар ва таълимотларнинг бутун бир тизими шаклланди.

Фалсафа, эстетика, этика, политология сингари ижтимоий фанларнинг илмий асослари кўпроқ антик давр қарашлари билан муқоёса қилинади. Бунинг боиси антик даврларда ушбу фанларга дахлдор муаммолар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилди ва муайян тизимга солинди.

Маълумки, антик давр эстетикасида космологизм таълимоти устувор мавқени эгаллайди. Унга кўра, коинотдаги уйғунлик, мутаносиблик, ҳамоҳанглик ўзининг улуғворлиги билан кишини хайратга солувчи энг юксак гўзаллик тимсоли сифатида эътироф этилади.

Одатда, антик даврлар эстетик тафаккури юнон донишманди Плотиннинг қарашлари орқали хотима қилинади. Плотин эстетикасини *Бирлик*, *Ақл*, *Қалб*дан иборат уч асосий муаммо ташкил этади. Бу айни пайтда плотинча диалектик учлик ҳамдир. Мазкур учликнинг моҳияти унинг «Гўзаллик ҳақида» ва ва «Ҳаёлий гўзаллик тўғрисида» номли рисолаларида ўз аксини топган. Асарда файласуф гўзалликни «ботиний Эйдос» (*to endon eidos*) сифатида талқин этади. Унинг фикрича, Қалб билан Ақлнинг уйғунлиги гўзаллик иерархия (юқорилаб борувчи босқич)сини вужудга келтиради. Яъни, тана Қалб билан гўзал, Қалб Ақл билан мустаҳкам, Ақл эса Ибтидоий тавҳидий Эзгулик билан гўзалдир.

Шунингдек, Плотин гўзаллик учун муҳим унсур ҳисобланган яхлитликни атрофлича тадқиқ этади. Жумладан, у инсон вужудининг яхлитлиги унинг қисмларига ҳеч қандай дахл қилмаслигини

уқтиради. Мазкур фикрга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, шунинглаш мумкинки, биргина қисмининг ўзи борлиқни гўзаллик тарзида мужассам эттира олмайди, қисмлар фақат яхлит бўлгандагина гўзалликни намоён қилиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Плотин воқелиқдаги гўзаллик ўз-ўзидан эмас, балки номоддийликдан, илк гўзаллик деб аташ мумкин бўлган Эйдосдан вужудга келади, дейди. Эйдос иштирок этгандагина борлиқ гўзал бўлади. Эйдос мавжуд бўлмаган нарса шаклга ҳам эга эмас; шакл ва мазмун ҳамоҳанг бўлмаган нарсалар хунукликдир. Аксинча, қаерда Эйдос борлиқдан юқори турса, ўша ерда гўзаллик мавжуд. Шу боис гўзалликнинг манбаи бўлмиш «Якка-ю ягона» (*Худо назарда тутилмоқда - Ҳ.Б.*) ҳамма нарсадан гўзал. «Якка-ю ягона» бир қатор хусусиятларни мужассам этган. Бу хусусиятлар орасида Ақл илк ва энг гўзалидир. Сўнгра Ақлни қамраб олган ва уни теранлаштирувчи Қалб гўзал. Қалб амрига тобе бўлган ва қалбга муқояса тарзида яшовчи Вужуд эса ундан кейинги гўзаллик сифатида талқин этилади. Вужуд ва Қалб гўзаллиги аклий гўзаллик учун тайёргарлик бўлиб, Плотин наздида иродали-закий оқил Эйдос ёки ақл орқали рўёбга чиққан ҳаётгина гўзалликни акс эттиради.<sup>1</sup>

Гўзалликка Плотиннинг мазкур фикрлари маълум маънода Ўрта асрлар насронийлик дини илоҳиётчи олимлари қарашларининг шаклланишига таъсир этган бўлса ажаб эмас. Буни Илоҳий Огустин - Аврелий Августин (354-430) эстетикасида кузатиш мумкин.

Огустин эстетикаси моҳиятан илоҳийлик асосига қурилган ва илоҳий ғоя билан йўғрилган. Мутафаккирнинг фалсафий-эстетик анъанасидаги ўзига хослик шундаки, у фалсафани гўзаллик даражасига кўтаради. Фалсафа донишмандликка бўлган муҳаббат, донишмандлик билан гўзаллик «бир ота-онадан туғилган опа-сингиллар» каbidир. Ҳақиқий гўзаллик фалсафага хосдир”-деган фикр орқали аллома фалсафани Худога бўлган муҳаббат даражасига олиб чиқади.

<sup>1</sup> Қаранг: Лосев А.Ф. История античной эстетики (Поздний эллинизм).- Москва: Наука. -1986.-243 с.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўрта асрлар насроний файласуфларининг ҳеч бири Илоҳий Огустиндек гўзалликни кенгкамровли ўрганган эмас. У ўзининг «Тартиб тўғрисида» (О порядке) деб номланган фалсафий-эстетик рисоласида гўзалликнинг тушунча, мазмун ва шакл сифатидаги моҳиятини аниқ мисоллар ёрдамида далиллашга ҳаракат қилади. Мутафаккир тартиб, тартиблилик гўзаллик учун муҳим элемент эканлигини таъкидлаб, ботартиблик нарсалар гўзаллигининг сабаби, бетартиблик эса хунукликка олиб келади, деган фикрни ўртага ташлайди. Аллома инсонлар оддий ҳайвонот ва наботот оламини ташкил этувчи бутун бир универсумдаги гўзалликни чинакам ҳис этмай туриб уларни хунук деб биладилар, уларга нисбатан бефарқ муносабатда бўладилар, дея таъкидлайди. Мазкур фикр ижтимоий-фалсафий мазмунига кўра устувор аҳамият касб этади. Бироқ, файласуф бу фикрларни бошқа бир мақсадни кўзлаб илгари суради. У гўзалликка ҳиссий идрокнинг универсал белгиси сифатида муносабат билдириб, шакл ва мазмуннинг уйғунлигисиз ҳамда ботартибликсиз гўзалликнинг намоён бўлиши қийин кечадиган ҳодиса эканлигини тушунтирмоқчи бўлади. Бундан ташқари, у гўзалликда *тенглик* (aequalitatis), *уйғунлик* (cienventio), *яхлитлик*, (salva), *бирлик* (unitas), *мутаносиблик* (dradatio), *мослик* (dimensio) сингари элементларнинг бўлишини шарт, деб ҳисоблайди.

Илоҳий Огустин табиат ҳодисалари ва инсонлар ҳаётини кузатиш, бадий асар яратиш қонуниятларини ўрганиш, таҳлил қилиш натижасида гўзаллик ҳақида моҳиятан диний-маънавиятчиликка асосланган фикрларни баён этади. Унинг фикрича, оламдаги жамики нарсаларни яхлитлик энг аввало, тартиблилик қонунига бўйсинувчи универсум ташкил этади. Универсум тартиблаштирилган бутунлик бўлиб, унда ҳар бир қисм муайян бошқа қисмларга бўйсинади. Бундан ташқари, олам ранг-баранг бўлса-да, улар бир қадар умумийликка эга; гўзаллик уларнинг барчасига хос. Шаклланиш жараёнининг энг муҳим қонунлари сифатида кескинлик (контраст) ёки зиддият (оппозиция) қонуни иштирок этади.

В.В. Бичков Илоҳий Августиннинг гўзаллик учун тартиблилик қонуниятлари муҳимлиги ҳақида «Эстетика оламида мазкур қо-


нун муҳим кашфиётдир, деб таърифлайди. У гўзаллик ва санъат ўртасидаги умумийликни топишга изн берди, бадий қиёфани шакллантириш қонунларини англаш учун кенг йўл очди»<sup>1</sup>. Умуман олганда, хоҳ табиатда, хоҳ санъатда бўлсин Августин таъкидига кўра, жамики гўзалликларнинг марказида борлиқнинг Олий Соҳиби - Худо туради.

Таъкидлаш ўринлики, Августиннинг гўзаллик ҳақидаги фикрларига ўз даврининг ягона, тугалланган фикри сифатида ёндашиш унчалик тўғри эмас. Бу билан ўша давр гўзаллик муаммосининг ривожига доир фикрларни бир томонлама баҳолаган бўламиз. Чунончи, Илохий Огустиндан фарқли ўлароқ, гўзалликни илохийликдан ташқарида ҳам мавжуд деб билган Марк Аврелий (121-йилда туғилган) «Ўзим билан яккама-якка» («Наедине с собой») номли машҳур асарида гўзаллик масаласига махсус тўхталиб, шундай дейди; «Нима бўлганда ҳам гўзаллик шу туришича гўзалдир; мактов унга ярашмайди. Шунинг учун у мактовдан ёмон ҳам, яхши ҳам бўлиб қолмайди. Мени бу ерда назарда тутаётганим, одатдаги нуқтаи назарга кўра, моддий нарсалар ва санъат асарлари сифатида талқин этилувчи гўзалликдир»<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, гўзаллик ҳеч бир мактовга мухтож эмас. Зеро, у ўзида ҳар қандай мактовдан юксак турадиган чинакам ижобий хусусиятларни намоён эттиради.

Инсон дунёга келганидан бошлаб табиат ва жамият деб аталган ташқи муҳит билан муносабатга киришади. Дастлаб бундай муносабат онгланмаган, интуитив, биологик кўринишда пайдо бўлади, кейинчалик эса у англаб етилган, юксак ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида рўй беради. Бу муносабат одатда, икки хил таърифланади: *биринчиси* – инсоннинг саломатлиги, ўз-ўзини асраши ва турмуш тарзини фаровонлаштиришга қаратилган ва моддий эҳтиёж мақсад қилинган тамойиллар асосидаги зоҳирий манфаатдорлик. *Иккинчиси* – ботиний-руҳий манфаатдорликни, мақсадга мувофиқликни таъминлайдиган ҳиссий-маънавий муно-

<sup>1</sup> Бычков В.В. Эстетика Аврелия Августина.-Москва: Искусство. 1984.-С. 78-79.

<sup>2</sup> Аврелий. Марк. Наедине с собой.-Ростов на-Дону.: Ростовское книжное издательство. 1991.-60 с.



сабатлар. Мана шу иккинчи муносабат инсоннинг инсонлигини белгилайдиган ҳодисалар ҳисобланади.

Инсонларнинг гўзаллик ҳақидаги қарашлари ўз ўзидан пайдо бўлмайди. Аксинча, бундай қарашлар инсоннинг воқеликка эстетик муносабати ҳамда эстетик мушоҳадаси натижасида шаклланади. Инсон воқеликни кузатиши, ўрганиши ва таҳлил қилиши баробарида гўзалликка баҳо беради, меҳр қўяди, яратади ва асрайди. Шунингдек, гўзалликка бўлган муносабат ва у ҳақдаги қарашлар инсоннинг эстетик эҳтиёжи маҳсулидир. Инсон ўзининг эстетик эҳтиёжини моддий ва маънавий неъматларни эстетик жиҳатдан ҳис қилиш асосида қондиради. Ушбу жараён бевосита инсоннинг гўзалликка бўлган ёндошувини тақазо этади. Чунончи, аксарият ҳоллатларда одамлар гўзалликни манфаатли ёндошув асосида идрок этадилар: бунда гўзаллик объект(лар)ини ўзлаштириш асосий мақсадга айланади. Бундай ёндошув “Нимаки фойдали бўлса, ўша нарса гўзалдир” деган тамойилга асосланади ва гўзаллик фойдалилик мезони билан ўлчанади. Бу борада Қадимги Шарқ халқларининг гўзалликка нисбатан ёндошувларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

«Ex orienteux – Нур Шарқдан». Мазкур афоризмда Шарқ халқларининг маданияти пойдеворини яратишдаги улкан ҳиссасини Ғарб халқлари томонидан тан олингани ифодаланган»<sup>1</sup> Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ёзув, ёзма ёдгорликлар, тош ўймакорлигининг бадий-эстетик тамойиллари, уларга сайқал бериш техникаси, санъатнинг тасвирий, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, театр ва ҳоказо турлари айнан Шарқ мамлакатларида шаклланди. Жумладан, инсоният тархидан ҳозиргача бизга маълум бўлган илк қудратли давлат қадимги Сомир (Шумер)да тасвирий санъат асосан, муҳрлар, идиш-товоклардаги расмлар ва рельефлардаги тасвирлардан иборат бўлган. Уларга разм солган ҳар бир киши асотир (мифология) ёки халқ оғзаки ижодига доир сюжетнинг ифодасини кўради; нозик дид билан ишланган юпқа сопол идишлар безакли ҳошиялар билан қопланган, уларда ҳай-

<sup>1</sup> Иктибос: Сулаймонова Фозила. Шарқ ва Ғарб.-Тошкент:Ўзб. РФА «Фан» нашриёти. 1991.-5 б.

вонлар, кушлар ва одамлар тасвирланган.

Айниқса, Қадимги Миср маданиятининг жаҳон эстетик та- раққиётига қўшган ҳиссасини алоҳида эътироф этиш керак. Шу ўринда, қадимги мисрликларнинг гўзалликка манфаатли муноса- бат билан ёндошганликларида ўзига хос фалсафий мақсад бор. Улар гўзалликни ҳаётда деб билганлар ва уни фойдалилик мезо- ни билан ўлчаганлар. Бу борада Нил дарёси ҳақидаги қарашлар ва унга нисбатан халқнинг муносабатини мисол қилиш мумкин. Зеро, Нил Қадимги Миср фаровонлигининг манбаи бўлганлиги боис гўзаллик тимсоли - «Илоҳий дарё» сифатида талқин этила- ди. Унга аталган алқовларнинг бирида Нил барча гўзалликлар- нинг «бунёдкори» деб таърифланади.<sup>1</sup> Ҳозирда ҳам мисрликлар орасида: «Ё Нил ё ҳеч нима», - деган ибора мавжуд.

Қадимги дунё санъатида манфаатли ва манфаатсиз гўзалликка асосланган санъат турларини кузатиш мумкин. Маъбудлар учун бунёд этилган ибодатхоналар, ўлимидан сўнг маъбудга айлан- ган фиръавнларнинг ҳайкаллари манфаатли гўзалликнинг айрим кўринишларини акс эттиради. Чунки бу ибодатхоналар, эҳромлар ва фиръавнларнинг ҳайкаллари халқнинг улардан меҳр-шафқат, мўл-ҳосил, ризқ-рўз сўрашдек манфаатли гўзаллик воситасига бўлиб хизмат қилган. Халқ амалий санъати буюмлари эса кун- далик ҳаётни гўзаллаштириш учун хизмат қилган. Айни пайтда айрим санъат турлари манфаатсиз гўзалликнинг намунаси си- фатида киши диққатини тортади. Аёлларнинг гўзал безаклари, тақинчоқлари, диний-бадий киссалар, эртақлар шулар жумла- сидандир.

Шарқ халқларининг қадимги адабий, маънавий, маданий ва фалсафий нодир ёдгорликларидан бири “Авесто” диний эътиқод китоб бўлиши билан бир вақтда сўз санъати ёдгорлиги ҳамдир. Чунончи, адабиётшунос олимлар Маҳкам Маҳмудов ва Ҳами- дулла Болтабоевларнинг адабий-эстетик тафаккур тарихига доир тадқиқотларда “Авесто”даги поэтик тафаккурда самовий Тангри Ахура Маздани шарафлаш билан бирга У яратган ва ер юзида инсонлар, ҳайвонлар ва ўсимликларни, экинзорлар ва богларни

<sup>1</sup> Қаранг: Культура Древнего Египта.-Москва: Нуака. 1976. 217 б.

яшнатувчи сувга , дарё, сой, анҳорларга ҳам мадҳия айтилиб, улар муқаддас саналади: "Ардви – сув, анҳор, дарёларга "тоза", "азиз" деган эпитет-сифатлар берилади. Ардви деганда, умуман, сув деган мантикий тушунча ўрнига, поэтиклаштирилган, жонлантирилган, "Хувқор тоғларида Варухоша денгизигача ҳайкириб, тўлиб, мавжланиб, минглаб ирмоқлар кўшилиб, минглаб кўллар қуйилиб, бепоён уммонга – океанга айланувчи сойлар ва дарёлар" тушунилади. "Авесто"да Ардви жонли шахс каби фикрлайди."<sup>1</sup>

Авестода эзгулик, улуғворлик, покизалик билан бир қаторда гўзаллик ҳақида ижтимоий ғоялар илгари сурилган. Гўзаллик Авестода табиат, жамият ва инсонга беғараз ёндошув - атрофмуҳит покизалиги учун қайғуриш, заминни асраш, виждон ва эътиқод мусаффолиги сифатида ифодаланади. Шу билан бирга гўзалликка манфаатли ёндашувнинг ҳам ўзига хос талқинини кўриш мумкин. Жумладан, «Хуварно қасидаси» 19-яшт-Замяда яштда айтилади:

*«Хуварноси Аҳура Мазданинг,  
Ким яратди борлиқ-оламни  
Кўп эзгули, кўп олийжаноб,  
Кўп гўзалдир, гўзалдир жуда,  
Тимсоли-да унинг ранг-баранг,  
Кўп фойдали манфаатлидир,  
Мунаввардир, голят ёруғдир.»<sup>2</sup>*

Авестодаги бу ғоя гўзалликка манфаатли ёндашув ўзининг беғаразлиги ва покиза туйғуларга йўғрилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Қадимги Бобилон (Вавилония)да вужудга келган «Энума элиш» («Осмонда қачонки»), «Хўжайиннинг қул билан суҳбати» сингари дostonларда, «Ригведа» каби қадимги ҳинд

<sup>1</sup> Болтабоев Ҳ. Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2013. –Б. 310-311.

<sup>2</sup> Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик.–Т.: «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2001.-215 б.

алковлари, шаркияларида, «Шицзин» («Кўшиқлар китоби»)дек Қадимги Хитой шеъриятида гўзаллик асотир (миф)лар орқали акс этади. Мазкур бадиий-эстетик манбаларда гўзалликка манфатсиз ёндошувнинг устворлигини кўришимиз мумкин.

Қадимги дунё ва антик давр эстетикасининг ибтидосида гўзаллик космологик таълимот нуқтаи назаридан ўрганилган бўлса, унинг мумтозчилик даврига келиб, гўзаллик антропологик моҳиятига кўпроқ эътибор қаратилди, тадқиқ этилди, яъни гўзаллик ҳақидаги қарашлар, назариялар ва таълимотлар «осмондан ерга туширилди».

Шарқ халқларининг гўзаллик ҳақидаги қарашлари Антик давр юнон ва румо мутафаккирлари томонидан гўзаллик тушунчасининг назарий асосларини ишлаб чиқиш учун замин яратди. Ўрта асрлар Мусулмон Шарқи файласуфлари антик даврлар эстетикасини янада такомиллаштирди ва амалий жиҳатдан ривожлантирди. Шунга қарамай, “оврўпапарастлик” йўналишига мансуб файласуфлар орасида “Мусулмон Шарқи мутафаккирлари дунё маданияти учун бирор бир янгилик қилган эмас, улар Арастунинг шархчилари холос” деган нотўғри тасаввур мавжуд. Аслида эса улар (*Ўрта асрлар Мусулмон Шарқи мутафаккирлари - Ҳ.Б.*) Қадимги Юнон фалсафасини янгича талқиндаги илмий, назарий фикрлар билан бойитиб, бутунлай янги бўлган шарқона фалсафани яратдилар. Бу борада Ибн Синонинг «Ҳикмат-ул мушриқийн» («Шарқликлар ҳикмати») номли асарида баён этилган куйидаги фикрлар юқорида айтилганларни исботлайди. «Биз (*Ўрта асрлар мусулмон Шарқи мутафаккирлари назарда тутилмоқда - Ҳ.Б.*)-дейди аллома, - уни (Арастуни) Қадимгилар (перепатетчилар) ичида энг буюк олим деб ҳисоблаймиз, чунки у ўз дўстлари, устозлари қилмаган кашфиётларни яратди, фанларни тасниф этди, расмона тизимга солди, кўплаб муаммоларни ижобий ҳал этиб, улардан ўз халқини хабардор қилди. Унинг издошлари эса ақл-заковат билан иш кўриб, устозлари хатосини тузатишлари лозим эди. Лекин бу юмушни бажаришга уларнинг иқтидорлари етмади, улар Арастунинг кучли таъсиридан чиқа олмай умр бўйи унинг таълимотидаги тўғри томонларни тушуниш учун уринишга ва нотўғри қонунларни кўр-кўрона қўллаб-қувватлашга сарф

этдилар... биз эса улар хоҳлаган аммо бажара олмаган ишларни килдик, унинг таълимотидаги айрим томонларни тўлдирдик».<sup>1</sup>

Мазкур фикрни ўз навбатида, Мусулмон Шарқи мутафаккирларининг гўзаллик ҳақидаги қарашларига нисбатан ҳам билдириш мумкин.

Маълумки, Ўрта асрлар Мусулмон Шарқи мутафаккирлари гўзаллик муаммосига доир ўзига хос янги қарашлар, ёндошувлар ва назарияларни яратдилар. Бу борада Форобий, Ибн Сино, Беруний, Қошғарий, ас-Саолибий, Югнакий, Замахшарий, Хайём, Ғаззолий сингари алломаларнинг гўзаллик ҳақидаги қарашларида аввалги давр мутафаккирларнинг гўзаллик ҳақидаги қарашларида учрамайдиган ўзига хос янгича ёндошувни кузатиш мумкин. Айниқса, Абу Наср ал-Форобий юнон донишмандлари Афлотун ва Арастунинг гўзаллик ҳақидаги назарияларини чуқур ўрганган ва таҳлил этади. Жумладан, қонунлар моҳиятини шарҳлаб, Афлотуннинг гўзаллик ва хунуклик ҳақидаги қарашларини атрофлича тушунтириб ўтади ва «Гўзаллик - бу турли мусиқалар, яхши хулқ-атворга тўғри келадиган, масалан, сахийлик ва жасурлик каби яхши, ижобий ҳислатлар, одамлар эришишга ҳавас қиладиган нарсалардир»<sup>2</sup>, - деган хулоса чиқаради.

Форобийнинг гўзалликка ёндошуви зиддиятларга бой. Бир қарашда Форобий гўзалликни идрок этиш ақл ҳамда тафаккур орқали рўй беради, «...тафаккур натижасида яратиладиган кашфиётлар унинг сифатига қараб фойдали бўлади»<sup>3</sup>-деган фикри билан манфаатли гўзаллик тарафдоридек туюлади. Қизиғи шундаки, гўзаллик инсоннинг нозик туйғулари билан боғлиқ эканлигини эътироф этган Форобий унга етишишни фалсафа туфайли рўй беради, деб ҳисоблайди.

Бошқа бир жойда Форобий ҳам худди Афлотун каби инсон моҳиятидаги икки муҳим тушунча ҳисобланган гўзаллик ва эзгуликни айнанлаштиришга уринади. Чунончи, Форобий Аллоҳ энг мукамал борлик «Унинг гўзаллиги ҳам гўзаллик соҳиби бўл-

<sup>1</sup> Қаранг: Абдулла Шер. Ибрат кўзи. //Соғлом авлод учун. 1996. № 7,8. -25 б.

<sup>2</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Тошкент:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993.-23 б.

<sup>3</sup> Форобий. Рисолалар.-Тошкент:Фан. 1975.-28 б.

ган ҳар қандай чиройдан устун» туришини эътироф этиши билан бирга «Аммо бизга келганда шуни айтиш керакки, бизнинг жамолимиз, зийнатимиз, гўзаллигимиз бизнинг оразимиз (акциденциямиз)да бўлади, биздан ташқарида бўлган нарсаларимизда, зотимизда жавҳар (субстанция)имизда ҳам бўлмайди»<sup>1</sup>, - деган фикрида манфаатсиз гўзалликнинг устуворлиги сезилади. Мазкур фикр Форобий назарда тутган ҳар бир нарса-ҳодисанинг гўзаллиги ўз борлигини тўла намоён қилиши ва мукамалликка етишиши билан боғлиқ, деган эстетик тамойилга асосланади. Шунинг учун Форобий инсондаги гўзалликни иккига - ташқи (зоҳирий) ва ички (ботиний) гўзалликка ажратади. Форобий инсоннинг ботиний гўзаллигини унинг ташқи чиройига нисбатан устун қўяди ва бундай гўзалликни ахлоқда кўради. Ташқи гўзаллик масаласида эса у табиий гўзалликни ҳар қанақа бачкана яسانيшлардан юксак, деб билади.

Ғарб илмий тафаккурида «Авиценна» номи билан машҳур бўлган буюк аждодимиз Абу Али Ибн Сино устози Форобийнинг изидан бориб, гўзалликнинг нисбийлиги ҳақида диққатга сазовор фикрларни илгари суради. У ҳам Форобий сингари шакл гўзаллигини инкор этмайди. Бироқ, мавжуд гўзалликларнинг барчасини Худонинг гўзаллигига нисбатан қуйи босқичда, деб билади. Хусусан, мутафаккирнинг фалсафа, ахлоқ ва нафосатга бағишланган «Ишқ ҳақида рисола» («Рисола фил-ишқ») асарида гўзаллик Оллоҳнинг жамолига муқояса қилинади, Унинг чиройи жамики гўзалликлардан юқори экани эътироф этилади. Бироқ, инсон томонидан бундай гўзалликни англаш тўғридан-тўғри амалга ошмайди, аксинча, Унинг гўзаллигига ақл ва муҳаббат орқали эришилади. Инсон воқеликдаги нарса-ҳодисаларнинг гўзаллигини англашда ақлга мурожаат этади. Аммо, биргина ақлнинг кучи билан ундаги жамики гўзалликларни тўлалигича идрок этиш мумкин эмас. Гўзалликка муҳаббат қўйишнинг асосида ҳам ақл, ҳам ҳиссиёт ётади. Чунки, кўриб турганларимизнинг моҳиятидаги яширин хусусиятларни билиш учун ақл ва ҳиссиётга мурожаат қиламиз.

<sup>1</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. -Тошкент:А.Қодирий номдаги халқ мероси нашриёти. 1993.-139 б.



Мутафаккир гўзалликни идрок этиш жараёнидаги ана шу хусусиятларни назардан соқит қилмаган. У хиссиёт, муҳаббат, ақл тушунчаларини бир-бирига боғлиқликда ўрганади. Зотан, ишқ нарсаларнинг яшаш сабаби. Ишқ жамики мавжудотга - инсонга, ҳайвонот-у набототга берилган олий неъмат. Бироқ, инсондан бошқа бирор бир мавжудотга олий рух сари интилиш ва у билан яқинлашиш имконияти насиб этмаган. Ана шу имконият асосида инсон гўзалликка муҳаббат қўяди, уни кўз қорачиғидай асрайди ва яратади. Аллома гўзалликнинг муҳаббат билан ҳамоханглигини шу қоидага асосланган ҳолда таҳлил қилган.

Шуни таъкидлаш ўринлики, Ўрта асрлар мусулмон Шарқи файласуфларининг эстетик таълимотларида гўзалликка манфаатсиз ёндашув устувор мавқега эга. Улар гўзаллик фақат манфаат ва лаззат бахш этувчи ҳодиса бўлибгина қолмай, балки муҳаббатнинг чинакам объекти эканлиги ҳақидаги қарашларни илгари сурадилар. Бундай муносабат Ибн Синонинг фикрларида ҳам ўз аксини топган. Айниқса, рисоланинг «Чиройли қиёфани хушчехра ва навқирон сифатга ажратувчилар муҳаббати ҳақида» деб номланган бўлимида «Агар инсон гўзал қиёфани ўзининг ҳайвоний нафсини қондириш учунгина севса, бундай муҳаббат қораланишга ва ҳатто маҳкум этилишга лойиқдир»<sup>1</sup>, -дея уқтиради.

Айтиш керакки, гўзалликка манфаатсиз, беғараз ёндошувда гўзаллик объектини ўзлаштиришдан кўра унинг моҳиятини ҳис этиш бош мақсад ҳисобланади. Бундай ёндошувда “Гўзаллик ўз холича гўзал, у манфаатдан холи” тамойили устувор. Гўзалликка бундай ёндошув ундан бирор бир таъмани кўзламаган ҳолда, самимий муносабатни шакллантириши билан аҳамиятлидир.

Аслида, манфаатсиз муносабат деган тушунча гўзалликнинг моҳиятига нисбатан бироз ғализроқдай туюлади. Шу маънода “Гўзаллик инсонга ёқимли бўлгани, ундан ҳузурлангани, завқлангани, бир сўз билан айтганда манфаат келтиргани учун ҳам гўзал-ку! Нега у манфаатсиз бўлиши керак!”-деган саволларнинг тугилиши табиий. Тўғри, гўзалликни истар экан инсон, аввало

<sup>1</sup> Қаранг: Серебряков С.Б. Трактат Ибн Сины (Авиценна) о Любви. -Тбилиси. Мицниереба. 1976.-58 с.

уни ўзлаштиришга, ундан манфаат олишга интилади. Манфаат эса моҳиятан ғараз ва беғаразликка асосланади. Бироқ, айнан манфаатсиз ва беғараз ёндошув гўзалликнинг барқарорлиги ва давомийлигини таъминлайди.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида “манфаат” тушунчаси билан боғлиқ сўзлар моддий, маънавий, жисмоний ва бошқа жиҳатдан кўриладиган фойда, наф, бирор ишдан манфаати бор, манфаати бўлган, фойдали каби сўзлар орқали изоҳланган. “Беғараз” тушунчаси: 1. Ўз манфаатини кўзламасдан, холис иш тутадиган, ёмонликни истамайдиган ғаразсиз. 2. Ёмон ниятни кўзда тутмаган, сидқидиллик билан қилинган; холисона деган маъноларни англатади. Беғаразлик эса – ғараз қилмаслик, ўз манфаатини кўзламаслик, холисоналик. Беғаразлик, мардлик каби хусусиятлар характернинг ижобий белгиларидир.<sup>1</sup>

Гўзалликдан бирор-бир нарсани таъма қилмаган ҳолда унга нисбатан манфаатсиз муносабатда бўлишнинг аҳамияти га доир қарашлар мусулмон оламида «Хужжат ул-Ислом» деган шарафли ном билан машҳур бўлган Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий томонидан ҳам илгари сурилган. Уни гўзалликка манфаатсиз ёндашувнинг ўзига хос эстетик назариясини ишлаб чиққан дейиш мумкин. Бу билан у нафосат фалсафасида Форобий, Ибн Сино аъёнларини давом эттириб, Ўрта асрлар мусулмон оламида тараққий этган нафосат илмини янги босқичга кўтарди. Ўзининг «Иҳёи улум ад-дин» («Диний билимларнинг жонлантирилиши») номли рисоласида фалсафа, ахлоқ ва нафосат илмига доир барча асосий тушунчаларни Қуръони Карим ва Ҳадис Шарифга таяниб исботлашга уринади. Чунончи, аллома гўзаллик тушунчасига алоҳида тўхталар экан, манфаатсиз гўзаллик, гўзалликнинг нисбийлиги, олтинчи сезги орқали ҳис қилинадиган гўзаллик ҳақида ўзининг муҳим назарий фикрларини ўртага ташлайди.

Шунингдек Аврелий Августин, Ибн Сино каби Ғаззолий ҳам гўзалликни муҳаббат тушунчаси билан ҳамоҳангликда ўрганadi.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдлик /А.Мадвалиев таҳрири остида. –Тошкент: “Ўзбек миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 2006. 1-жилд. 248-б.

Муҳаббат, унинг фикрига кўра билишнинг маҳсули; инсон ўзи билишга қодир бўлган нарсасигагина муҳаббат кўя олиши мумкин. Муҳаббат фақат жонли билишнинг маҳсули. Шунинг учун ҳам тошлар сева олмайди, деб ҳисоблайди, аллома. Инсонда азалдан ёқимли нарсаларга нисбатан мойиллик мавжуд бўлганлиги ва ёқимли нарсалар доимий равишда инсонни ўзига жалб этганлиги учун ҳам улар муҳаббатнинг объектидир.

Ғаззолий муҳаббатнинг бешта кўринишига алоҳида тўхталиб, уларни чуқур таҳлил қилади. Ғўзалликка манфаатсиз ёндошувни эса муҳаббатнинг учинчи кўриниши орқали баён этади. «Учинчи хил муҳаббат, - дейди файласуф, - бирор нарсани шу туришича севиш, унинг ўзидан олинадиган завқдан бошқа завқ олмаган ҳолда севишдир. Бу ўзининг қоимлиги билан пойидор бўлган улкан ҳақиқий муҳаббатдир. Бу масалан, ғўзаллик ва жозибаторликка бўлган муҳаббатдир. Негаки, ҳар қандай ғўзаллик, ғўзалликни англай олган муҳаббат объектидир. Уни ғўзал бўлганлиги учун ҳам севишади. Чунки ғўзалликни тушуниб етиш пировардида лаззатланиш билан ниҳояланади. Зеро, ҳеч бир нарса ўз-ўзича муҳаббатнинг объекти бўла олмайди.»<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, муҳаббат ва ғўзаллик билишнинг объекти бўлиб, инсон ғўзалликни билиб, англаб, ҳис қилган тақдирда унга муҳаббат кўяди. Бироқ, Ғаззолий ғўзалликдан лаззатланишни фақат бу билангина белгиламайди, балки у ўша кўрилган, англаган, ҳис қилинган нарсанинг ғўзаллигига беғараз муносабатда бўлишни, бирор-бир фойдани кўзламаган ҳолда, уни севиш лозимлигини уқтиради. Шунинг учун аллома майсалар, кўкатлар, ҳушбўй гиёҳларни истеъмол қилганлигимиз, шарқирав оқаётган сув чанқогимизни қондиргани учунгина севмаслигимизни, аксинча, уларни шу туришича, улардан таралаётган табиий ғўзалликдан баҳра олганимиз сабабли севишимизни таъкидлайди. Айни пайтда бу ҳолат ғўзаллик ва ёқимлиликка бўлган муҳаббат ҳамки бундан, ғўзаллик ғўзалликни англаб етган одам учунгина муҳаббат объекти бўла олади деган хулоса чиқариш қийин эмас.

<sup>1</sup> Газали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере.-Москва: Наука. 1980.-231 б.

Тўртинчи хил муҳаббатни эса файласуф, ўзи таъкидлаганидек; «Ботиний ақл кўриниб тургувчи ақлдан кучлироқдир, қалб эса билишга нисбатан устундир. Ақл билан англандиган гўзаллик кўз билан кўриладиган гўзалликдан устувороқдир»,<sup>1</sup>-деган қараш билан изоҳлашга ҳаракат қилади. Ҳаззолий гўзалликнинг моҳияти ва уни ташкил этувчи унсурлари борасида мулоҳаза юритар экан, гўзаллик фақат муайян тушунчалар орқали белгиланмаслигини, у кўзга кўринувчи нарса-ҳодисалар билангина чегараланмаслигини, агар нарса ва ҳодисалар баркамолликнинг барча жиҳатларини ўзида мужассам этган бўлса, уни гўзалликнинг олий даражаси дейиш мумкинлигини таъкидлайди. Борди-ю, унда баркамолликнинг айрим қисмларигина мавжуд бўлса, бундай баркамоллик меъёрдаги яхшиликдан иборат эканлигини уқтиради.<sup>2</sup> Бу билан файласуф гўзалликни фақатгина бешта сезги (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, сезиш) орқали билиб бўлмаслигига, бу ҳолатда инсонда олтинчи сезгига эҳтиёж пайдо бўлишига ва айнан ана шу сезги гўзалликнинг моҳиятини тўлақонли англашда муҳим аҳамият касб этишига эътиборни қаратади. Шу сабабли файласуф муҳаббатнинг тўртинчи тури ҳақида фикр юритган чоғида нисбий гўзаллик борасида алоҳида тўхталади ва фақат ўз камолотининг қирраларига тўлиқ эга бўлган нарсаларнигина олий даражадаги гўзаллик, деб билади. Ва бундай комилликни Аллоҳга хос, бошқа гўзалликлар эса ана шу Олий гўзалликнинг бир жиҳатларигина ҳолос, деб айтади.

Имом Ҳаззолий илгари сурган гўзалликнинг нисбийлиги ва манфаатсиз муносабат назарияси кейинчалик Оврўпа нафосатшунослигида кўзга кўринган мутафаккирлар қарашларининг шаклланишига туртки берди. Файласуф Абдулла Шер бу борада «Чунончи, Иммануил Кант нафосат туйғусини манфаатсиз, беғараз, фақат предметга соф муҳаббат билан муносабатда бўлиш туйғули юзага келган туйғу деб атайди. Гўзалликнинг нисбий-

<sup>1</sup> Газали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере.-Москва: Наука. 1980. Б. 229-231.

<sup>2</sup> Қаранг: шу асар.- 235 б.

лиги борасида ҳам Кант Ғаззолий тутган йўлдан боради»<sup>1</sup>, -деган фикрни таъкидлайди.

Маълумки, гўзаллик муайян унсурларнинг ўзаро муносабати асосида вужудга келади. Ана шуларни эътиборга олган ҳолда Ғаззолий гўзаллик ҳам ўз-ўзича эмас, балки мутаносиблик, ҳамоҳанглик, мослик, уйғунлик каби элементлар асосида намоён бўлишини айтади. Инсондаги гўзаллик унсурларини отдаги гўзаллик унсурлари билан қиёслаб, Ғаззолий, уларнинг ҳар бири ўз вужудларида гўзал бўлишини уқтиради. Жумладан, «Чиройли от ўз мукамаллигига эга бўлиши учун аввало, ўзида ташқи кўриниш, чопқирлик, тез ва енгил югура олиш сингари хусусиятларни муҷассам этмоғи зарур... яъни, ҳар бир нарса-ҳодисанинг гўзаллиги унинг ўз туридаги мукамалликка мослиги билан белгиланади. Бироқ чиройли отнинг сифатларини одамга кўчириб бўлмайди. ...»<sup>2</sup> Дарҳақиқат, отдаги чиройли қашқа инсонга кўчирилса, у ҳар қанча чиройли бўлмасин инсонни бадбашарага айлантиради. Ёки аксинча, чиройли одамдаги гўзаллик элементлари отга ўтса, от хунук маҳлукқа айланади.

Олмон мумтозчилик фалсафасининг асосчиси Иммануил Кант ҳам Ғаззолий изидан бориб, ўзининг «Муҳокама қобилятини танқид» номли асарида гўзалликнинг юкоридаги унсурларига мурожаат қилади. Қизиғи шундаки, у ҳам инсон гўзаллигидаги унсурларни отнинг унсурлари билан қиёслайди.<sup>3</sup> Бундан ташқари, Кантнинг фикрига кўра, нафосатли ҳиссиёт манфаатсиз, беғараз, нарса-ҳодисага бевосита мафтунликка бориб тақалади. Мафтунликнинг, муҳаббатнинг объекти эса шаклдан бошқа нарса эмас. Ҳуллас, гўзаллик манфаатсиз мафтунликнинг, муҳаббатнинг объекти. Бундай гўзалликнинг биринчи белгиси шундаки, у тушунчалар ёрдамисиз, яъни, ақл категориясиз бизга умумий мафтунликнинг нарса-ҳодисаси сифатида намоён бўлади. Нафосатли муҳокама ҳеч қачон мантиқий асосланиши мумкин эмас.

<sup>1</sup> Абдулла Шер. Тасаввуф, Ғаззолий ва гўзаллик фалсафаси. //Соғлом авлод учун. 2002. №2. (70). 21 б.

<sup>2</sup> Газали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере.-Москва: Наука. 1980.-239 с.

<sup>3</sup> Каранг: Immanuel Kant. Kritik der urteilstkraft. -Hamburg. Meiner. Felix Meiner Verlag Gmb H. 1993- BIS 393. -76.

Гўзалликнинг учинчи белгиси шундаки, у мақсадга мувофиқлик шаклига эгаллиги, яъни қандайдир аниқ мақсад ҳақида тасаввур ҳосил қилмасдан туриб, нарса-ҳодисадаги мақсадга мувофиқлик шакли, зеро, у мақсад ҳақида тасаввурга эга бўлмасдан туриб идрок этилади. Тўртинчи белги шундаки, гўзаллик бизга тушунчасиз, зарурий мафтунликнинг объекти, нарса-ҳодисаси сифатида ёқимлидир.

Бу ўринда нафақат Ғаззолий назарияси, балки Форобий қарашларининг ҳам Кантга таъсирини яққол кўриш мумкин. Чунончи, Форобий санъатнинг тақлидийлик хусусиятига эга эканлигини таъкидлайди. Тақлидийлик идрок этувчида ҳиссиёт ва тасаввур уйғотади. Санъаткор ўз ҳаёлот кучи, ижодий қудрати билан умумий ғояларни яқка қиёфаларда инъикос эттиради. Шу боис санъат асари оддий мантиқ илми қонун-қоидаларига бўйсинмайдиган ўзига хос мантиққа, бадий мантиққа эга бўлишини таъкидлайди.<sup>1</sup>

Нафосатли муҳокама ҳеч қачон мантиқий асосланиши мумкин эмас, деган нуқтаи назардан келиб чиқиб Кант гўзаллик ҳақида куйидаги хулосага келади. Яъни, гўзаллик барчага ҳеч бир манфаатсиз, беғараз, ўзининг соф моҳияти (шакли-мазмуни) билан ёқиши зарур бўлган нарса-ҳодисадир.

Маълумки, гўзаллик дастлаб шакл орқали кўзга ташланади. Сўнгра у мазмун билан бойитилади. Шу боис, гўзаллик ҳақида фикрлаганимизда шакл ва мазмуннинг уйғунлигини эътиборга олиш зарур ҳисобланади. Ана шундай талабга амал қилган Кант гўзалликнинг шакл ва мазмун масаласига нозиклик билан мурожаат қилади.

Кант, даставвал гўзалликнинг шаклий белгиларини кўрсата бориб, шу асосда тадрижий равишда унинг мазмунига эътиборни қаратади. Жумладан, «Муҳокама қобилиятини танқид» номли асарида гўзалликни англашнинг куйидаги тўртта жиҳатини кўрсатиб ўтади:

<sup>1</sup> Қараи: Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри.-Тошкент: Абдулла. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993. 25-6.

биринчи жиҳати - гўзаллик манфаатлардан холи тарзда идрок этилган ҳолда ёқимлидир;

иккинчи жиҳати - гўзалликдан муҳокама қилмай туриб завқланадиган ҳодиса;

учинчи жиҳати - гўзаллик мақсадга йўналтирилмаган мақсадга мувофиқлик;

тўтинчи жиҳати - гўзаллик барча учун зарурий.

Кантнинг гўзаллик ҳақидаги мазкур мулоҳазаси гўзалликнинг ботиний (ички) моҳиятини англашда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, файласуф асарнинг «Гўзаллик таҳлили» номли бўлимида гўзалликни дид муҳокамасининг танқиди билан боғлиқ ҳолда ўрганади ва “гўзаллик дид муҳокамасига тегишли”, деган қатъий хулосага келади. Шунинг учун ҳам файласуф дидни предметлардан қониқиш ҳосил қилиш ёхуд улардан қониқмаслик борасида мулоҳаза қилишга қодир бўлган тушунча сифатида идрок этади. Шунга кўра, файласуф барча манфаатлардан холи тарзда идрок этилувчи нарсаларни гўзал деб билади.<sup>1</sup>

Кант томонидан гўзалликка нисбатан қўйилган бундай талаб маънавий аҳамияти билан диққатга сазовор. Сабаби предмет (воқеа-ҳодиса, нарса-буюм)нинг «соф» гўзаллигини ҳис қилиш ва англаш учун унга манфаатсиз муносабатда бўлмаслик, ундан бирор-бир таъмини кўзламаслик керак. Акс ҳолда гўзалликка манфаат аралашса, у шу пайтдан бошлаб ўзининг маънавий мазмун-моҳиятини йўқотишни бошлайди.

Кўриниб турибдики, гўзалликка нисбатан ўрта асрлар ислом фалсафасининг мутафаккири Имом Ғаззолий билан XIII-аср олмон мумтозчилик нафосатшунослигининг намоёндаси Иммануил Кантнинг фикрлари гўзалликка манфаатсиз, беғараз ёндашув борасида деярли бир хил маъно касб этган. Ҳар икки файласуфнинг гўзаллик фалсафасидаги ўхшашлик шу жиҳатдан бир-бирига ўхшайдир. Бу бир жиҳати,

Иккинчи жиҳати - Ғаззолий гўзаллик ҳақидаги ўз қарашларини муҳаббат тушунчаси билан қиёслаб, мослик, уйғунлик унсура-

<sup>1</sup> Қаранг: Immanuel Kant. Kritik der urteilkraft. -Hamburg. Meiner. Felix Meiner Verlag Gmb H. 1993- BIS 393. -77.

ри гўзалликнинг намоён бўлишида муҳим эканлигини кўрсатиб ўтган бўлса, Кант эса гўзалликни дид муҳокамасининг танкиди билан боғлаб, унинг муҳим унсурлари сифатида мослик ҳамда максадга мувофиқликни танлайди. Иккала мутафаккир қарашларидаги биргина фарқ ана шулардан иборат.

Бу илмий масалани атрофлича таҳлил қилиш кейинги тадқиқотлар учун алоҳида мавзу бўлади, деган умиддаман.

Шуни таъкидлаш керакки, Ғаззолий ва Кантнинг гўзалликка манфаатсиз тарзда ёндашувида гўзаллик худди моддийликка алоқаси йўқ ҳодисадек туюлади. Ҳатто, айрим нафосатшунослар бундай ёндашувни гўзалликни *дематериализациялаш* (моддийликдан маҳрум қилиш) деб баҳолайдилар. Аслида эса ундай эмас. Гўзалликка нисбатан манфаатсиз ва бегараз ёндашувнинг замирида инсон ва унинг кадр-қимматини улуғлаш эзгу аъмолларга давват, улуғвор фазилатларни тараннум этиш гоёси илгари сурилади. Бу гоё ўз навбатида, инсоннинг табиат ва унинг неъматларига нисбатан оқилона муносабатда бўлишга ундайди. Зеро, гўзалликка бегараз ёндашувнинг асосида инсонни манфаатпарастлик чангалидан ҳалос этиб, маънавий баркамоллик сари йўналтириш масаласи ётади.

Юқорида мурожаат қилганларимиз Ўрта асрлар мусулмон Шарқи мутафаккирларининг гўзаллик ҳақидаги қарашлари хурфикрлиликка асосланганлиги билан кейинги давр нафосат фалсафаси учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Ўрта асрлар Мусулмон Шарқи эстетикасида гўзалликнинг мазмун-моҳиятига доир илғор қарашлар Тасаввуф таълимотида ҳам ўз аксини топган.

Хўш, тасаввуф таълимоти гўзаллик муаммосини қандай талқин этади? Айтишимиз мумкинки, бу таълимот олам - Парвардигорнинг ижоди, Илоҳнинг кўзгуси деб тушунтиради. Шунга кўра, жамики гўзалликлар манбаи - Аллоҳ, воқеликдаги гўзалликлар Аллоҳ жамолининг акси, маънавий гўзалликларни англаш ва коинот сарвари Руҳи азалийга монанд нарсаларнинг гўзаллигини қабул қилиш йўлидаги пиллапоялардир. Шунинг учун ҳам «жамол», «жалол», «поклик», «мусаффолик», «зийнат» сингари иборалар тасаввуф таълимотида гўзалликка муқояса қилинади.



Тасаввуф эстетикасига доир кўплаб тадқиқотлар муаллифи Акназар Курбонмамадов тасаввуфда гўзалликнинг учта даражасини кўрсатиб ўтади: биринчиси - мутлоқ ўзгармас илоҳий гўзаллик; иккинчиси - инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган ботиний, маънавий гўзаллик; учинчиси - мутлоқ гўзалликнинг акси сифатида намоён бўлувчи нарсалар ва моддий олам гўзаллиги.<sup>1</sup> Бу босқичларнинг мазмуни тасаввуф эстетикаси маънавий гўзалликни улуғлаши баробарида моддий гўзалликка ҳам бефарқ эмаслигини кўрсатади. Тасаввуф моддий ва маънавий йўл билан инсонни тарбиялайди, ҳақиқатга бошлайди, комилликка етаклайди. Зеро, Нақшбандия тариқатидаги «Дил ба ёру даст ба кор» тамойилининг моҳиятида ҳам баркамоллик моддий ва маънавий асоснинг мукамаллигига таянади, деган ғоя мужассам.

Айниқса, тасаввуфдаги «Ваҳдат ул-вужуд» таълимоти воқеликдаги ҳодисаларнинг моҳиятини тафаккур ва ақл ёрдамида билиш, англаш билан ҳақиқатга олиб борувчи йўналиш сифатида коинот тузилиши, олам ва инсон муносабатларига доир илғор фикрларни илгари сурди. Бунинг натижасида буюк бир фалсафий-эстетик тизим вужудга келди, у дин ва фалсафа, калом ва ҳадис илмларини бирлаштирди, дунёвий илмлар билан илоҳий илмларнинг ўзаро боғланган ҳолда ривожланишига олиб келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўрта асрлар мусулмон Шаркининг машшоийунлик мутафаккирлари сингари тасаввуф таълимотида ҳам мантикий тафаккур ва ҳиссий идрокка мурожат этилади, «... бироқ, уларнинг (*сўфийларнинг-Ҳ.Б.*) фикрича ақлий-ҳиссий билиш зоҳирий-дунёвий билимга кифоя қилади, холос. Илоҳиётни англаш учун эса ақл ожиздир. Илоҳиёт илми ақлга сиғмайдиган, ақл ўлчовларидан баланд турадиган илмдир»<sup>2</sup>.

Шунингдек, тасаввуф таълимотининг айрим йўналишларида «Авом шарият, тариқат, маърифат, ҳақиқат, сингари тасаввуф босқичларини босиб ўтмай туриб Худонинг гўзаллигидан баҳраманд бўла олмайдилар»,-деган қараш устувор мавқени эгаллаган

<sup>1</sup> Қаранг: Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма.-Душанбе: Дониш, 1983. -9 с.

<sup>2</sup> Қаранг: Комилов Н. Тасаввуф (Биринчи китоб).-Тошкент: Ёзувчи. 1996.-38 б.

бўлса, иккинчи қараш вакиллари эса «Оллоҳ ҳамма учун севимлидир» деган ғояга асосланади. Лекин, аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳар иккала қараш орқали тасаввуф таълимотининг намоёндалари Худони энг Олий гўзаллик соҳиби сифатида эътироф этади ва айни пайтда реал олам гўзаллигига бефарқ муносабатда бўлмайди. Бундай ёндашув кейинчалик хусусан, XII-XV аср Мовароуннаҳр мутафаккирларининг гўзаллик ҳақидаги қарашларига сезиларли таъсир кўрсатди. Бироқ, бу даврда гўзаллик назарий таҳлил этилмади, балки қарашлар тарзида ўрганилди, холос: у санъат ҳамда бадиий адабиётнинг муҳим воситасига айланди. Бир сўз билан айтганда, гўзаллик насрдан назмга кўчди.

Сўз санъатида гўзалликни намоён эттириш кўпроқ ғазал, шеърдаги шакл ва мазмунинг ҳамоҳанглигига боғлиқ. Бу борада Алишер Навоийнинг эстетик меросига мурожаат этиш ўринлидир.

Навоий ўзининг «Ҳамса» асарида фалсафа, илоҳиёт, ахлоқ, сиёсат ҳамда нафосатшуносликнинг қатор масалаларига мурожаат қилиб, борлиқ ва инсон муносабатларини чуқур таҳлил этади. Хусусан, унинг гўзалликка доир мулоҳазалари «Ҳайрат ул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши»)да муфассал баён этилади. Шоир Шарқ шеърятининг кўзгуси бўлган сўзнинг гўзаллигига алоҳида аҳамият бериб, уни қуйидагича баён этади; «Сўз гавҳарининг қолипи шунчалар юксакки, гавҳардек кимматбаҳо нарса ҳам унга садаф бўла олмайди, тўрт садаф (сув, ҳаво, олов, тупроқ) ичида гавҳарга қуту ҳам шу сўз, етти қават осмон юлдузларининг буржлари ҳам шу сўздир».<sup>1</sup> «Лисон ут-тайр» («Қуш тили») асарида эса Алоҳнинг ҳамма соҳада тенгсиз ва яккаю ягоналиги, борлиқдаги барча гўзалликлар Аллоҳдан эканлигини бош фалсафий-эстетик ғоя қилиб олади. Қолаверса, Навоийнинг барча асарларида илоҳийлик руҳи пировард мақсад қилиб белгиланганки, бу ҳолат «Ҳамса» да ҳам яққол намоён бўлади. Жумладан, Навоий Куръоннинг «Ал-Исро» сурасига мурожаат этган ҳолда, пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ)нинг Меърож тунида кўрганларини «Садди Искандарий», «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи Сайёр»

<sup>1</sup> Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами: 15 томлик. —Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1989. 3 Т.-222 б.

достонлари орқали тасвирлашга ҳаракат қилади.<sup>1</sup>

Умуман, Ўрта асрлар мусулмон Шарқи эстетик тафаккури тараққиётида гўзаллик ҳақидаги таълимотлар, назариялар, қарашларда умумий дунёқарашнинг кенглиги, инсонпарварлик ва рационализмнинг етакчилиги яққол сезилади. Мусулмон Шарқи мутафаккирлари гўзалликни ақл ва тафаккурдан айри ҳолда олиб қарамасликка, моддий гўзалликни маънавий гўзалликдан ажратмасликка, аксинча, уларни уйғун ҳолда ривожлантиришга ҳаракат қилдилар.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, бу давр фалсафий таълимотларида Арастуға мансуб оламнинг абадийлиги, воқеликдаги қонуниятларга инсон тафаккур салоҳияти, мантиқий ёндашиш орқали мушоҳада қилиш имконига эга, деган қарашлар етакчилик қилди. Бироқ, улар Арасту таълимотига кўр-кўрона эмас, балки унинг «Метафизика» асрида илгари сурилган Тавҳид – Худонинг ягоналиги ҳақидаги назарияни янги ғоялар билан бойитдилар. Ва ўзига хос янги фалсафани кашф этдилар. Зотан, ҳар қандай таълимотлар даврлар ўтиши билан такрорланади, эскилари янгича қарашлар билан бойитилади, янгича руҳ билан суғорилади.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқи мутафаккирларининг гўзаллик ҳақидаги қарашларининг аҳамияти қуйидаги жиҳатлар билан белгиланади:

- Марказий Осиё минтақасида бу давр фалсафий-эстетик тафаккурнинг энг юксак чўққига кўтарилган босқич эканлиги етарли илмий асосга эга;

- аждодларимизнинг гўзаллик ва уни англаш (яратиш) ҳақидаги ғоя ва қарашлари инсонларни гўзаллик ҳақида жиддий ўйлашга ва унга оқилона муносабатда бўлишга ундайди, гўзалликдан чинакам баҳраманд бўлиш туйғусининг шаклланишига кўмак бериши;

- Қадимги ва Антик даврлар эстетик тафаккурида кузатилмаган манфаатсиз гўзаллик масаласи кейинги даврлар нафосат фалсафаси ривожини учун назарий асос бўлиб хизмат қилди;

<sup>1</sup> Қаранг: Ҳайитметов А. «Ҳамса»да Ислоҳ нури. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 1995. №17. 26 апрел. -3 б.

- гўзаллик мезонлари инсон фаолиятида амалий-прагматик за-  
риятга айланиши фалсафий таҳлил қилинди.

Ана шу жиҳатлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўрта асрлар мусулмон Шарқи мутафаккирлари гўзалликни шунчаки, эрмак учун тадқиқ этмадилар, аксинча, унинг фалсафий моҳия-тини чуқурроқ англашга, гўзалликнинг инсон, табиат ва жамият муносабатларидаги долзарб муаммо эканлигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Шунинг учун ҳам аждодларимизнинг фалсафа, санъат, ахлоқ, адабиёт, нафосат ва бошқа соҳаларга оид яратган илмий меросларини ўрганиш, уларни холисона тадқиқ этиш, миллий-минтақавий маънавият ҳазинасига қўшган улкан ҳисса-ларини кўрсатиб бериш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисоб-ланади. Зеро, «... ўз тараққиёт ва ислоҳот йўлимиздан тезкорлик билан илгари силжишга қувват берадиган миллий маданиятимиз, Шарқ фалсафасининг ҳаётбахш ва теран булоқларидан баҳраманд бўлиш муҳимдир».<sup>1</sup>

### Янги ва Энг Янги давр эстетикасида гўзалликка муносабатнинг умумметодологик жиҳатлари

Агар антик давр эстетикасининг ибтидосида гўзаллик космо-логик таълимотларга асосланиб ўрганилган бўлса, унинг мумто-зчилик даврига келиб, гўзаллик антропологик тамойиллар асо-сида тадқиқ этилди. Жумладан, насроний нафосатшунослик ҳам гўзаллик муаммосини фақат илоҳийлик билангина чеклаб қўй-май, аксинча, унинг заминий жиҳатларини ўрганишга эътиборни қаратди. Ана шуларнинг натижаси ўларок, кейинчалик Ғарбий Оврўпа маданияти ва тафаккурида юксалиш босқичи - Уйғониш (Ренессанс) даври бошланди.

Одатда “Ренессанс” антик фанлар ва санъатининг уйғониши сифатида тавсифланади. Бироқ, унинг муҳим янгилиги шунда эдики, Уйғониш даврида гўзалликка, айниқса ҳис этилувчи гў-залликка бўлган муносабат фавқулодда даражада ривожланди.

<sup>1</sup> Қаримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. –Тошкент: Ўзбекистон. 1996. -41 б.

Антик ва ўрта асрлардан фарқли ўлароқ бу давр гўзаллик ҳақидаги қарашларни образли қилиб айтганда, - “осмондан ерга туширди”. Зеро, Худо оламни яратди, бироқ бу оламнинг гўзаллиги нимада, унинг инсон жисмоний ва маънавий гўзаллигига таъсири қандай, қолаверса инсондаги гўзаллик нимаси билан аҳамиятли, деган масалалар доирасида Уйғониш даври эстетикасида қатор назариялар юзага келди. Бир сўз билан айтганда, бу даврда гўзалликнинг моҳияти инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилди.

Маълумки, Уйғониш даврининг кўплаб ижодкор-рассомлари математика, биология, анатомия каби фанлардан чуқур билимга эга бўлган. Бу эса одамнинг ижтимоий келиб чиқиши, унинг гавда тузилиши, умумий кўринишидаги уйғунлик билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга кўмак берган. Бу борада А.Ф.Лосев Уйғониш даври эстетикасига хос уч муҳим жиҳатни кўрсатиб ўтади. Биринчиси, ижодкор одам жисми мустақил эстетик мавжудлик сифатида муносабат билдирди. Бунда келиб чиқиш ва тақдир омил муҳим эмас, муҳими ўзида эстетик донишманд борлик (мавжудлик)ни акс эттирган образли қиёфа. Шунга кўра, Леонардо да Винчи чизган расмлар чуқур фалсафий мушоҳада ва маънавий ҳикматга бойлиги билан ажралиб турганлигига ажабланмаса бўлади. Иккинчиси, инсон жисми санъаткор донишмандлиги асосидир. Ҳайкалтарошликнинг Уйғониш даври тафаккурида антик даврлардаги каби космологизм эмас, балки санъаткорона ижод даражасига кўтарилган инсон шахси билан боғлиқ антропоцентризм ғоялари устуворлик қилади. Учинчиси, Ренессанс эстетик тафаккури антик космологизм ва ўрта аср илоҳиётисиз инсон заковатига ишонч билдирди. Ренессанс даврида инсон илк марта одамнинг манзараси, уни реал ва субъектив ҳис этилиши ҳақида фикрлай бошлади. <sup>1</sup>

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Оврўпа бу пайтда айрим адабиётларда айтилганидек, насронийлик ва черков ақидаларини бутунлай улоқтириб ташлаб унга қарши бўлган янги дунёқарашни шакллантирганлиги учунгина «Уйғониш» деган номни олмади. Балки, бизнингча, у илоҳий оламни моддий олам билан уйғун-

<sup>1</sup> Лосев А.Ф. Эстетика Возрождения. –Москва: Мысль. 1982. С. 50-57.

лаштириб, уни инсоннинг амалий фаолияти билан боғлаганлиги, халқни гафлатдан уйғотганлиги, инсоннинг яшашдан мақсади, ҳаётининг мазмуни қандай бўлмоғи кераклигини кўрсатиб бера олганлиги билан «Уйғониш даври» дейиш асослидир.

Оламнинг бош асоси сифатида Худо, Ақл, Қалб италян мутафаккири М. Фуччинонинг гўзаллик ҳақидаги қарашларида марказий ўринни эгаллайди. Аллома Худога - ягоналик, Ақлга - тартиб, Қалбга - ҳаракат хос, деб билади. Бу билан у жамики нарсалар космик иерархия - олам тузилмаларининг уйғунлигига асосланган ҳолда тараккий этиб боришини таъкидлайди. Худо - тартиблиликнинг асоси, Муҳаббат - Илоҳнинг ботиний уйғунлиги ва гўзаллиги бўлиб, бу икки моҳият ўзига хос маънавий доирани ташкил этади. Файласуфнинг фикрига кўра, мазкур маънавий доира куйидаги шаклда намоён бўлади; «Худодан борлиққа ва борлиқдан Худога томон борувчи бу ягона доира уч ном билан аталади. Яъни: яратиш хусусиятини Худодан олганлиги учун - *гўзаллик*, бутун борлиқни қамраб олгани билан - *муҳаббат*, ўзининг Яратувчисига қайтиши ва унда бирлашиши билан - *лаззат* деб номланади».<sup>1</sup> Мазкур фикр борлиқда инсонга ҳушнудлик бахш этувчи жамики нарсалар Худодандир, уларнинг барчаси пировардида Худонинг даргоҳига қайтади, деган хулосани чиқариш мумкин. Бу маънавий доирада инсон ҳам иштирок этади ва борлини гўзллаштиришга ҳиссасини кўшади.

Англия Уйғониш даври эстетикасининг гўзаллик ҳақидаги назарияларига янгиафлотунчилик (неоплатонизм) (XIV аср охири) фалсафасидаги гўзаллик ва эзгуликнинг уйғунлиги ҳақидаги гоялар таъсир кўрсатган дейиш мумкин. Унга кўра, қачонки эзгулик муҳаббатни гўзаллик воситаси орқали ўзига яқинлаштирагина ҳақиқий гўзаллик мақомига эга бўлади. Эзгулик ҳам гўзаллик каби муҳаббатнинг манбаидир. Гўзалликка бу тариқа муносабат ўз навбатида, инглиз ренессансида табиатдаги гўзаллик маънавий гўзалликнинг бир кўриниши эканини исботлашда, инсон ботиний оламига чуқурроқ назар ташлашда, ақл ва ҳиссиёт, вужуд

<sup>1</sup> Иктибос: Горфункель А.Ф. Гуманизм и натурфилософия италянского Возрождения. -М.: Мысль. 1977. -109 с.

ва руҳнинг драматик тўқнашувларини очиб бериш йўлида етакчи йўналиш бўлиб хизмат қилди. Зеро, Англия Уйғонишининг буюк вакили файласуф-драматург Уильям Шекспир ўз асарлари орқали мураккаб шахслар характерини бадиий образлар билан тасвирлашда мана шу йўлни асос қилиб олган десак, муболага қилмаган бўламиз.

Ғарб Уйғониш даври гўзаллик фалсафасининг ўзига хослиги гўзалликни чекланган ғоялардан халос этиб, унинг тадқиқот кўламини кенгайтирганлиги билан белгиланади. Файласуфлар жамият ижтимоий ҳаётидаги мавжуд муаммоларни гўзаллик моҳиятига асосланиб ҳал этишга ҳаракат қилдилар ва бу билан гўзалликнинг амалий ва реал ҳаётга боғлиқ маънавий ҳодиса эканлигини асослаб бердилар. Уларнинг ғоялари кейинчалик Ғарбда кенг тарқалган маърифатпарварлик эстетикаси йўналишининг шаклланишига туртки берди.

Инглиз маърифатпарварлик эстетикасида гўзалликка бўлган муносабатни тадқиқ қилган В.И. Митителло мазкур йўналишга Антик ва Уйғониш даврининг гўзаллик ҳақидаги назариялари мерос бўлиб ўтганлигини таъкидлаб дейдики; «Улар (*инглиз маърифатпарварлари-Ҳ.Б.*) гўзаллик муаммосини тадқиқ қилиш орқали инсонда дидни шакллантириш, эстетик идрокнинг руҳий-таҳлилий жиҳатларини, гўзаллик ҳақидаги диалектик ижобийлик ва мутлақликни англашда чинакам кашфиётчи бўлдилар».<sup>1</sup> Бу фикрни шотланд файласуф-маърифатпарвари Френсис Хатчесоннинг гўзаллик ҳақидаги куйидаги мулоҳазаси тасдиқлайди; «Гўзаллик ҳақидаги тасаввурларнинг ранг-баранглиги, предметларга нисбатан пайдо бўладиган ҳавас инсонларнинг гўзалликни идрок этишларидаги умумий муносабатларига асло зид эмас».<sup>2</sup> Англанадики, ҳар бир инсон гўзалликни ўз эстетик диди ва эстетик идеалига асосланиб идрок этади, мушоҳада қилади. Инсон, Хатчесон фикрига кўра, гўзаллик ва эзуликни идрок этишга қодир бўлган юксак туйғу соҳибидир. Шундай экан, инсоннинг маънавий ола-

<sup>1</sup> Қаранг: Митителло В.И. Проблема прекрасного в эстетике английского Просвещения.: Автореф. дис... канд. филос. наук. -Москва: 1982. -3 с.

<sup>2</sup> Френсис Хатчесон и др. Эстетика.-Москва: Искусство. 1973. -105 с.

мида гўзаллик ва эзгулик уйғун бўлиши лозим.

Испан маърифатпарвар файласуфи Эртебан де Ортега эса «Идеал гўзаллик ҳақида фалсафий изланишлар» номли асариди санъат гўзалликни тўла намоён эттира олмайди, деган фикрни асослашга ҳаракат қилади. Чунки, санъат табиат сингари жамиятдаги мавжуд барча жараёнларни қамраб ололмайди. Агарда санъат табиат каби кенг имкониятга эга бўлганида эди, идеал гўзаллик ҳақидаги барча таълимотлар чипакка чиқарди. Файласуфнинг мазкур фикри одамларни гўзаллик ҳақида схоластик фикрлашга ундамайди. Аксинча, бу билан Ортега гўзалликни санъат орқали шундай акс эттириш лозимки, токи гўзаллик тўлақонли намоён бўлсин, юксак ҳис-туйғуларни уйғотсин, тарбияга ижобий таъсир этсин, ўшандагина санъат ўз вазифасини бажаради, деган қарашни илгари сурди.

Умуман олганда, Оврўпа маърифатпарварлари жамият муаммоларини бартараф этишнинг ғайриахлоқий, ақлга зид келувчи мажбурий усулларини инкор этдилар ва бирдан-бир нажот сифатида тарбияга умид боғладилар. Айниқса, ахлоқий ва эстетик тарбияга жамиятнинг кўзгуси сифатида қараб, уни гўзаллик ва эзгулик тамойилларига асосланган холда ўзлаштириш зарурлигини уқтирдилар.

Мумтозчилик (классицизм) эстетикасида гўзаллик муаммосининг тадқиқи маърифатпарварлик эстетикасига нисбатан муайян тафовутлари билан ажралиб туради. Мумтозчилик эстетикаси таълимотига кўра, гўзаллик воқелик билан умумийлик касб этмайди. Шунинг учун улар гўзалликнинг моҳиятини табиатдан эмас, балки борликни тартибга солувчи маънавий Ибтидодан излашга ҳаракат қилдилар. Бу борада олмон нафосатшуноси Хеорг Вильхельм Фридрих Хегел гўзаллик билан мақсадга мувофиқлик ўртасидаги алоқадорликни кўрсатиб, уларнинг асосини ташқи омиллар ва ички қарама-қаршилиқлар ташкил этишини уқтиради. Шунингдек, Хегел мутаносибликка предметларнинг шаклий гўзаллигидаги муҳим элемент сифатида муносабат билдиради. Бироқ, Хегел мутаносибликни соф геометрик тушунча сифатида эмас, балки эстетик тамойил сифатида гўзалликнинг барқарор мазмунига нисбатан қўллайди.



“Гўзаллик ғоядан иборат ва ғоя тарзида англандоғи лозим”, деб билган Ҳегел табиатдаги гўзалликка нисбатан санъатдаги гўзалликнинг устувор эканлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Унинг фикрига кўра, мутлақ ғоя ўзликни англашнинг юксак шакли бўлган санъатдагина гўзаллик сифатида намоён бўлади. Чунки, санъат нафақат воқеликни бадиий қиёфалар орқали акс эттиради, балки воқеликдан-да юксак бўлган ҳодиса ҳисобланади. Барча ҳодисаларни моддий асосдан тозалашга қодир бўлганлиги учун ҳам санъатда гўзаллик намоён бўлади. Айни пайтда файласуф табиатдаги гўзалликка муносабат билдириб, уни санъатдаги гўзалликка нисбатан куйи босқичда туришини таъкидлайди. Сабаби, санъатнинг яратувчиси бўлган инсонда илоҳий асос - руҳ бор, у яратган санъат асарига ўша руҳ ўтади. Табиатдаги гўзалликдан санъатдаги гўзалликнинг устуворлиги ҳам ана шунда. Бу билан файласуф гўзаллик моҳиятан илоҳийлик касб этувчи ҳодиса эканлигига ишора қилади.

Олмон мумтоз эстетикасида Фридрих Шиллер асосий ва муҳим ўрин эгаллайди. У гўзалликнинг ижтимоийлик хусусиятига катта эътибор қаратади. Шиллер жамиятни инқилобий ларзаларсиз ўзгартиришнинг тарафдори эди. Унингча, инқилоб ахлоқсизликнинг кўриниши: у асрлар мобайнида қарор топган ахлоқий тамойилларни, маънавий қадриятларни ағдар-тўнтар қилиб ташлайди, уларнинг ўрнини ўзи истаган янгича қадриятлар билан тўлдиришга уринади (*ҳозирги пайтда сиёсий инқилоб тўфайли юзага бир неча маънавий инқироларни гувоҳи бўлмоқдамиз - Ҳ.Б.*). Бундан ташқари, инқилоб нафосатга ҳам қарши бўлган сиёсий ҳодиса: у инсон табиатидаги уйғунликни бузади, гўзалликни парчалаб ташлайди. Инқилобнинг инсониятга келтирадиган ана шундай буюк зарарини назарда тутган Шиллер жамиятни қайта қуришдан аввал, инсоннинг ўзини қайта қурмоқ кераклигини ҳамда шахсни баркамол бўлиши учун тарбияни гўзаллик воситаси орқали амалга ошириш зарурлигини уқтиради. Унинг фикрича, гўзаллик - ҳодисага айланган эркинлик, эркинлик томон йўл фақат гўзаллик орқали ўтади. Шунинг учун Шиллер,

<sup>1</sup> Қаранг: Гегель Г. Эстетика. В 4-х т. -Москва: Искусство. 1971. Т.3. 312 с.

«Ҳиссий гўзаллик маънавийликка, маънавийлик эса моддийликка олиб боради. Гўзаллик зўриққан инсонда уйғунликни тиклайди, бўшашган одамда эса фаолликни уйғотади. Гўзаллик инсоннинг оқиллашуви йўлидаги зарурий шартдир. Фаолиятнинг барча турлари инсоннинг алоҳида-алоҳида кучларини ривожлантиради, фақатгина гўзаллик уни бир бутун яхлитлик сифатида шакллантиради»,<sup>1</sup>-деган муҳим ғояни илгари суради. Файласуфнинг мазкур фикри истибоддод зулмидан ҳалос бўлган, эндиликда инсонпарвар жамиятни тадрижий (эволюцион) тарзда барпо этишни мақсад қилган мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-маънавий ҳаётида юксак аҳамият касб этади.

Лейбниц-Вольф фалсафасининг давомчиси Александр Баумгартен воқеликни гўзаллик орқали таҳлил қилган ҳолда, унинг моҳиятини англаш учун соҳага биринчи марта “эстетика” иборасини тавсия этган эди. У гўзалликни реал воқеликнинг инъикоси сифатида эмас, балки воқеликни фалсафий англашнинг ҳиссий шакли сифатида намоён бўлиши тарзида кўриб чиқади. Шу боис файласуф, эстетиканинг предметини табиат гўзаллигини англаш билан чеклайди ва эстетикани қалбнинг уйғониши сифатида кўриб чиқади. Баумгартендан фарқли ўлароқ, Э.Бьёрк “Гўзаллик ва улугворлик ҳақидаги келиб чикувчи ғояларимизнинг фалсафий тадқиқи” номли асарида гўзалликни инсоннинг ҳиссий (эмоционал) муносабати – қониқиш туйғусига ҳамоханг ҳиссиётлар асосида тушуниш асосида ёндошади.

Эстетика тафаккур тарихи баён этилган адабиётларнинг аксариятида Шарқ эстетик тафаккур тарихи жуда қисқа, юзаки баён этилган, эстетик қарашларга нисбатан биртомонлама ёндашувни кузатамиз. Ваҳоланки, илк эстетик қарашлар даставвал Шарқда пайдо бўлганлиги, антик давр мутафаккирлари эса мазкур қарашлар асосида ўзларининг эстетик таълимотларини ишлаб чиққанлигини дунё илмий жамоатчилиги эътироф этмоқда. Бундан ташқари, Янги давр эстетик тафаккури ҳақида гап кетганда тадқиқотчилар эътиборни фақат Европа ва у ерда юзага келган йўналишлар биан кифояланадилар. Шарқ халқлари эстетик та-

<sup>1</sup> Шиллер. Сочинения. В 7 т-х. -Москва: Наука. 1957. Т.6. 342 с.

факкури, хусусан Марказий Осиё мутафаккирларининг нафосат ва гўзаллик ҳақидаги қарашлари эътибордан четда қолиб келди.

Биз миллий эстетикамиздаги мазкур бўшлиқни қисман бўлса-да тўлдириш мақсадида XX асрда ўзбек миллий эстетик тафаккурида муносиб ўрин тутган жадид-маърифатчи алломаларининг эстетик қарашларига, уларнинг гўзалликка бўлган муносабатини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Жадид-маърифатчилик нафосатшунослиги халқимиз маданий-маънавий, ахлоқий-эстетик тафаккурида муҳим ўрин эгаллаган эндиликда кўпчиликка маълум. Миллатпарварлик руҳини ўзида мужассам этган бу ҳаракат маърифатчилик, ватанпарварлик ва истиқлол гоёларини ўзининг ахлоқий-эстетик идеалидаги етакчи йўналиш деб билди.

Жадид мутафаккирлари ўзларининг эстетик қарашларини асосан уч соҳа орқали илгари сурдилар: санъат, маориф, матбуот. Айниқса, санъатнинг театр тури жадид эстетикасида муҳим аҳамиятга эга бўлди; у халқни маърифатга, илмга, озодликка чорловчи асосий соҳа сифатида эътироф этилди. Бунинг жадидшунос олим Ш. Ризаев алоҳида таъкидлаб: «Драматургик асарларда жадид қарашлари, мақсад ва интилишлари ўзга жанрлардан кўра кўпроқ ва ҳўпроқ ҳамда кенг миқёсларда ўз аксини топди. ... Драматик асарлар жадидларнинг халқ билан яқинлашуви, унинг маиший, маънавий дунёсига кириб боришини таъмин этди».<sup>1</sup>-дейди. Жадидлар шу йўл билан Туркистонда янги эстетик тафаккурни шакллантириш ҳамда тараққий эттиришга интидилар.

Маълумки, санъат фалсафа, ахлоқ, психология, социология каби ижтимоий фанлар билан доимий ҳамкорликда фаолият олиб боради. Санъат айниқса, фалсафа билан мустаҳкам алоқанда. Ҳар бир санъат асарида фалсафий гоёлар гоҳо очик, гоҳида яширин, сирли, бадиий рамзлар ва бадиий кифоалар (образлар) ёрдамида акс этади. Асарнинг фалсафий мазмундорлиги бевоқифа асар муаллифи дунёқарошига, тафаккурининг теранлигига боғлиқ. Агар ижодкорнинг ижтимоий-фалсафий, эстетик-ахлоқий

<sup>1</sup> Ризаев Шухрат. Жадид драмаси. —Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти. 1997.-8 б.

дунёкараши етук бўлса, у фалсафий моҳиятни бадиийлик билан уйғунлаштирган холда асар руҳига сингдира олади. Санъат инсонларнинг эстетик идеалларини бадиий қиёфалар орқали тасвирлаши баробарида жамият ҳаётининг ўзига хос бадиий-фалсафий моҳиятини ҳам акс эттиради. Шунинг учун санъат а) фан ва фалсафа билан ҳамкор бўлганда билиш воситаси сифатида; б) ижтимоий онг шакллари билан ҳамкор бўлганда эса илмий-фалсафий, ахлоқий-сиёсий гоёларини бадиий қиёфалар орқали акс эттиришга ҳаракат қилади. Бу услуб жаҳид-маърифатчиларининг маънавий меросида яққол кўзга ташланади.

Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий сингари мутафаккирларнинг қарашларида гўзаллик тушунчаси Ватан истиқлоли, миллат озодлигидек юксак гоёлар билан уйғунлашади. Туркистон маърифатчи мутафаккирларининг санъат, бадиий адабиёт ҳамда фалсафий қарашларига худди мана шу руҳ сингиб кетганлигини улар томонидан қолдирилган илмий мерослар орқали ҳис қиламиз.

Чинакам санъат асари албатта, бирор-бир фалсафий гоё акс эттиради, бу гоё муайян қиёфалар, рамзларга йўғрилган бўлади. Маърифатпарвар аллома Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг «Гўзал» номли шеъри ана шундай нозиклик билан яратилган, ўзида юксак гоёни мужассам этган бадиий ижод намунаси дир.

Шеърда гўзаллик ўзига хос тарзда «бўрттирилади». Унда таллайгина маъжозий қиёфалар мавжуд: шоирнинг «суюклиси» ёр, қиз бола эмас, балки Ватан шаклидаги гўзаллик дир. «Мен суйуб... мен суйуб... кимни суйубмен?» сатридаги уч нуқта ҳам катта аҳамиятга эга. Улар шоирнинг суюклиси тамомила бошқа нарса, яъни шеър ёзилаётган шароитда очик айтиб бўлмайдиган гўзаллик дир. У гўзал – гўзал Туркистон дир. Бу шеърда Ватан гўзаллиги билан унга ошиқ бўлган фарзанднинг ички гўзаллиги омухталашиб кетади. Ана шу уйғунлашув натижасида шеърнинг ташқи, шаклий гўзаллиги ҳам юксак даражага кўтарилади. «Суйубмен», «куйубмен», «ёнибмен» сўзларидаги эгалик қўшимчаси «ман» шаклида эмас, айнан «мен» шаклида берилиши Ватанга ошиқ фарзанднинг ижтимоий-эстетик моҳиятини таъкидлаб туради. Кўз олдимизда Ватан учун, гўзал Туркистон учун, қолаверса, унинг гўзаллиги

учун лозим бўлганда жонини бахш эта оладиган ватанпарвар,  
мард инсон қиёфаси гавдаланади:

*Мен йўқсил на бўлуб уни суйубмен ?!  
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куйубмен,  
Бошимни зўр ишга бериб қуйубмен,  
Мен суйуб... мен суйуб... кимни суйубмен?  
Мен суйган «суйукли» шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал !!!*

Мазкур шеър орқали биз, санъат асарида гўзаллик мадҳ этилар экан, ўша асарнинг фақат мазмуни эмас, балки шакли ҳам гўзал бўлиши керак, деган эстетик ақидани ҳақиқат эканлигининг амалдаги исботини кўраемиз. Зеро, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», Қодирийнинг «Ўткан кунлар», Шекспирнинг «Отелло», Байроннинг «Дон Жуан», Гётеннинг «Фауст» сингари асарлари ана шундай гўзаллик маҳсуллари.

Умуман олганда, эстетик тафаккур тарихининг биз кўриб ўтган даврларида гўзаллик фалсафасининг моҳияти куйидагича хулосаларга олиб келади:

1. Эстетик тафаккур тарихида гўзаллик ҳақидаги қарашларнинг аксарияти моҳиятан борлиқ ва билиш назарияси контекстида баён этилган. Яъни, гарчан гўзаллик Олий Ибтидо - Худога қиёсланганлигига қарамай, мутафаккирлар гўзалликнинг моҳиятини борлиққа зид бўлмаган ва ундан ажралган ҳолда юзага келмайдиган нисбий ҳодиса сифатида талқин қилганлар. Шу боис, гўзаллик ҳақидаги қарашларнинг аксарияти ахлоқий ғоялар билан йўғрилган бўлиб гўзаллик ҳам инсон моҳиятидаги муҳим тусунча, деб эътироф этилди.

2. Гўзаллик, инсоннинг эстетик фаолиятида қутилмаган ҳолатларда юзага келса-да, уни борлиқдан ажратиб бўлмайди. Инсон ҳақиқат билан қайсидир бир жойларда эмас, балки борлиқнинг реал тасвири акс этган тартибли, мукамал ва мустаҳкам «худу-

<sup>1</sup> Чўлпон. Асарлар. 3 жилдлик ( О. Шарофиддинов таҳрири остида). – Тошкент: Ғ.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994. 1-жилд. –448 б.

д»ларида учрашади. Ана шу жиҳатлари билан гўзаллик моҳиятан фалсафий мазмун касб этади.

Мазкур боб орқали баён этилган гўзаллик ҳақидаги қарашлар ўзининг фалсафий-эстетик моҳияти жиҳатидан ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Бироқ, уларнинг барчасини - гўзалликнинг асосида завқ, қониқиш, хушнудлик, ўз объектига бегараз муносабат туйғуларининг мавжудлиги хусусияти бирлаштириб туради. Бу хусусиятни расмона идрок этиш эса гўзалликка бўлган манфаатли ва манфаатсиз ёндашув орқали белгиланади. Юқорида кўриб ўтганларимиз гўзаллик ҳақидаги қарашлар, назариялар, таълимотларнинг замирида ҳам айнан ана шу хусусиятлар мужассам.

Эстетик тафаккур тарихида гўзалликнинг фалсафий-эстетик моҳиятига бағишланган мазкур бобга яқун ясар эканмиз, қуйидаги тавсияларни ўринли, деб биламиз:

*биринчидан*, гўзаллик ҳақидаги фикрларни баён этишда унинг фақат моддий ёки маънавийлик хусусияти билангина чекланиб қолмай, балки, уларни уйғунлаштирган ҳолда ифодалаш лозим;

*иккинчидан*, гўзалликка муносабат билдирганда, аввало, эстетик англаш ва эстетик фаолиятнинг муштараклигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ;

*учинчидан*, гўзалликка фақат лаззат бахш этувчи ҳодиса сифатида эмас, балки инсонни ҳаракатга, фаолиятга ундовчи ҳолат тарзида баҳо бериш зарур;

*тўртинчидан*, гўзалликни намоён бўлишида асосий унсур ҳисобланган меъёр, уйғунлик, мақсадга мувофиқлик, ҳамоханлик, мослик, мутаносиблик сингари тушунчалар гўзалликни қай асосда таҳлил этилаётганлигига қараб қўлланилса гўзалликнинг фалсафий-эстетик моҳияти янада кенгрок очилади;

*бешинчидан*, гўзаллик категориясини назарий жиҳатдан таҳлил қилганда унинг манфаатдорлик, маънавийлик хусусиятларига бегараз муносабат тарзида ёндашиш мақсадга мувофиқ.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ГЎЗАЛЛИК - ФАЛСАФАНИНГ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

#### Гўзаллик – нафосат фалсафасининг асосий категорияси

Ҳар бир фан ўз мақомига кўра муайян фаолиятнинг тадқиқот соҳаси бўлиб, бу фаолият табиат, жамият ва тафаккур ҳақида янги билимлар ҳосил қилишга қонун ва категориялар асосида оламни янгидан идрок этишга қаратилган бўлади.

Маълумки, фалсафанинг бирор-бир категориясини воқеликдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, бу категориялар (олам, ҳаракат, макон, меъёр, зиддият, яхлитлик, қисм, зарурият, тасодиф, моҳият, сифат ва ҳ.к) инсонни ўраб турган оламда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар ҳақида аниқ хулосалар чиқаришга, уларни тўғри таҳлил этишга кўмак беради. Шунингдек, категориялар инсонга ўз теварак-атрофидаги оламни, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур билишга имкон беради. Бирок, “Фалсафада ўрганиладиган категориянинг бошқа аниқ фанлар категорияларидан фарқи шундаки, дейилади “Фалсафа қомусий лугат”ида, - улар воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим, алоҳида муносабат ва алоқаларинигина ифодаламасдан, балки бутун олам, инсон ҳаёти ва тафаккур оламига хос умумий белгилар, алоқалар, хусусиятлар ва муносабатларни акс эттиради. ... Фалсафий категория воқеликни чуқур ва ммукамал акс эттириши, оламнинг барча соҳаларида амал қилиши билан оддий тушунчалардан фаркланади. Шу туфайли ҳар бир конкрет фан ўзи ўрганаётган соҳанинг хусусияти ва белгиларини очишда фалсафий категорияга мурожаат этади.”<sup>1</sup>

Айтиш мумкинки, категориялар қандайдир ўзгармас тушунча эмас, аксинча улар доимо жамият ва инсон тараққиёти натижа-сида ўзгаради, такомиллашади. Шу боис замон фалсафаси кат

<sup>1</sup> Фалсафа қомусий лугат. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2004. Б. 193-194.



рияларни ўрганиш ва уларга тизимли ёндошишни талаб этади.

Эстетика ҳам фалсафий фан сифатида ўзининг қонун ва категорияларига эга. Эстетика категориялари (гўзаллик, хунуклик, улугворлик, тубанлик, фожиавийлик, кулгилилик ва ҳ.к.) инсон ва табиат, инсон ва жамият, инсон ва ижтимоий борлиқ билан доимо ҳамкорликда вужудга келади. Бироқ, эстетика категориялари нафақат билимни ошишига хизмат қилади, балки айни пайтда билимни баҳолайди ҳам. Шу жиҳати билан эстетика категориялари бошқа фалсафий фанларнинг категорияларидан фарқ қилади. Бу – биринчидан.

Иккинчидан, эстетика категориялари нафақат гносеологик ва онтологик моҳият касб этади, балки улар қадриятлилик мазмунига ҳам эга. Айниқса, бу жиҳат гўзаллик ва улугворлик категорияларида кўпроқ акс этади. Зеро, нарсалар гўзал ва чиройли, улугвор ва мантункор бўлгани учун ҳам инсонга қадридир.


Учинчидан, эстетик категорияларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар моҳият-мазмунига кўра умумий ва қамровлидир. Бу хусусиятлар айниқса, эстетик фаолият ва санъат соҳасида яққол кўзга ташланади.

Фалсафий фанлар тизимида эстетика категорияларининг назарий тахлили ва илмий ўрганилиши қорида кўрсатиб ўтилган уч тамойилга асосланади. Шунинг учун эстетика категорияларининг ўрганилиш доираси кенгқамровли бўлиб, бу масалага эстетика фанининг қатор билимдонлари мурожаат қилишган. Бу борада рус нафосатшунослари Н.А.Дмитриев, В.В.Ванслов, Л.Н.Столович, О.Буткевич, Ю.Б.Борев, Д.Д.Среднег, А.Ф.Лосев, В.П.Шестаковлар томонидан олиб борилган тадқиқотларни алоҳида қайд этиш мумкин. Шунингдек, эстетика категорияларини тизимлаштириш масаласи ғарб олимлари томонидан илгари сурилган назарияларда ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, немис психология эстетикасининг вакили Эрнст Мейман ўзаро муносабатлар жараёнида категорияларнинг сабабий боғланишини эстетик тасаввурларнинг икки жиҳатига кўра ажратади. 1). Объектив шароитдан келиб чиқадиган дастлабки жараёнлар. Булар - гўзаллик, улугворлик, чиройлилик ҳамда уларнинг зидди бўлмиш – хунуклик, тубанлик, пасткашлиқдир. 2). Турли хил объектив шароитларда юзага кела-



диган ҳамда бевосита психологик жараёнларга тегишли бўлган шароитлардир. Булар – фожеавийлик ва кулгилиликдир.<sup>1</sup> Италия нафосатшуноси Морпурго Тальябуэ эса эстетик категорияларнинг иккита турини ажратиб кўрсатади: онтологик ва экспрессив (таъсирчан).<sup>2</sup>

Эстетик категорияларнинг таснифи, тизимлари, турлари ва хусусиятлари рус нафосатшунос олимларнинг қатор тадқиқотларида ўрганилган. Айниқса, Е.Г.Яковлев томонидан эстетика категорияларининг тизимлаштирилиши бир қадар қизиқарли ва кенгқамровлилиги билан муҳим аҳамиятга эга. У категорияларни учта гуруҳга ажратади. Булар: 1) объектив, 2) объектив-субъектив, 3) субъектив. Бу тизим қуйидаги қуйидаги кўринишга эга:



Г.Яковлевнинг мазкур тизими бошқа тизимлардан кенгқамровлиги, фалсафий ва эстетик мақсадга яқинлиги ҳамда мослашувчанлик (субординация) ва мувофиқлаштирувчилик (координация) мезонларига мослиги билан “онто-феноменологик ва социо-гносеологик хусусият”га эга.<sup>3</sup>

Шунингдек, В.П.Шестаковнинг эстетика категориялари тарихи, уларни тизимлаштириш муаммолари, категорияларга ўзига


<sup>1</sup> Мейман Э. Эстетика. –М.: Наука. 1979. С.112-146.

<sup>2</sup> Morpurgo-Tagliabue. Lesthetique contemporaine. Milano. 1960.

<sup>3</sup> Яковлев Е.Г. О системе основных эстетических категорий. //Философские науки. 1977, №4, с 28.

хос ёндошувнинг замонавий талқинлари ҳамда эстетик категориялар таснифига доир салмоқли тадқиқотлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Файласуф бу борада юқорида номлари тилга олинган эстетика назарийтчиларидан фарқли ўлароқ, категорияларни уч туркумга ажратади. Бунда: биринчи туркум - дастлабки категориялар; иккинчи туркум - умумэстетик категориялар; учинчи туркум - эстетик категориялар кўринишлари. Ушбу туркум тўлалигича нафосат тушунчасига тегишли. Бу туркумлар ҳам ўз навбатида, куйидаги бешта умумэстетик категорияга ажратилади: гўзаллик, фожеаавийлик, кулгулилик, улугворлик, хунуклик.

В.П.Шестаков тизимлаштирган эстетика категорияларининг умумий кўриниши ҳақидаги мулоҳазамишни тушунарли бўлсин учун куйидаги кўринишда ифодаладик:



Бирок, таъкидлаш лозимки, аксарият адабиётларда эстетика категориялари асосан гўзаллик – фожеавийлик – кулгулиликдан иборат учлик сифатида тақдим этилган. Бирок, даврлар ўтиши билан бу анъанага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, бу тизимга Ю.Б.Борев - улуғворликни, Л.Н.Столович - хунукликни, М.С.Каган - гармония ва драматикликни, Н.И.Киященко – қаҳрамонликни, ўзбек олимлари Тилаб Маҳмудов – уйғунликни, Абдулла Шер – қизиқарлиликни киритди.<sup>1</sup>

Биз юқорида файласуфларнинг эстетика категорияларининг тарихи, уни тизимлаштириш муаммолари, кўринишлари ва ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ қарашлар ва назарияларга бежиз мушоаха этмадик. Агар эътибор берилса, эстетиканинг категориялар аппарати қандай кўринишда бўлмасин, гўзаллик марказий категория қилиб белгиланганлигини кўриш мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, гўзалликнинг фалсафий моҳиятидан аввал унинг муҳим мезоний тушунча (категория) сифатидаги моҳиятини таҳлил қилиш тўғри бўлар эди. Зеро, эстетика категорияларининг яхлит тизимини ишлаб чиқиш муаммоси кўп йиллардан буён олимлар эътиборини жалб этиб келаётганлигидан мақсад ҳам гўзалликнинг фалсафий, ахлоқий, хатто сиёсий моҳиятини атрофлича ўрганишга қаратилганлигидадир.

Инсон маънавий олами ақл-идрок, ирода-ихтиёр ва ҳис-туйғу орқали ўзлаштиради: улар ўз навбатида, инсоннинг фалсафий, мантиқий, ахлоқий, эстетик тафаккурини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур соҳалар ўзига хос фанлар қамровида ўрганиб келинган. Жумладан, ирода-ихтиёрни ўрганиш – Этика (Ахлоқ илми)нинг, ақл-идрокни ўрганиш - мантиқ илмининг, ҳиссиётни ўрганиш – Эстетика (Нафосат фалсафаси)нинг зиммасидадир. Бу соҳалар азалдан фалсафада ўз ўринларига эга бўлиб, хусусан,

<sup>1</sup> Қаранг: Борев Ю.Б. Основные эстетические категории. –М.: Высшая школа. 1960; Столович Л.Н. Категория прекрасного и общественный идеал / Историко проблемные очерки. –М.: Искусство. 1969; Каган М.С. Лекции по марксистско-ленинской эстетике. –Ленинград. 1971; Киященко Н.И. Героическое как категория эстетики. –М.: 1965; Маҳмудов Т. Гўзаллик ва ҳаёт. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1977; Абдулла Шер. Эстетика / Маърузалар матни. –Тошкент; ЎзМУ, 2008.

эстетика инсоннинг маънавий оламини нафис туйгулар билан бойитиб боришда муҳим аҳамият касб этувчи фан бўлиб келган.

Эстетика фанини одатда «Гўзаллик фалсафаси» ҳам деб аташади. Бу қисман тўғри, чунки эстетика фалсафий фан сифатида барча нафис санъатлар эришган ютуқлардан умумий хулосалар чиқариб, шу асосда инсонни *гўзаллик* орқали ҳақиқатга олиб боради. Гўзаллик фалсафаси эса ҳақиқатга олиб бориш йўлининг не чоғли маънавий, ижтимоий, бир сўз билан айтганда, инсоний эканлиги билан белгиланади.

«Гўзаллик»нинг тугал илмий таърифи ҳақида бирор-бир қатъий фикр мавжуд эмас. Бироқ, гўзалликнинг идрок этилиши, табиатда намоён бўлиши, санъатда акс этиши ҳамда унинг жамият ривожига таъсири ҳақида билдирилган фикрлар, илгари сурилган ғоялар, яратилган таълимотлар ўзининг салмоғи билан аҳамиятлидир. Инсон ва унинг руҳий-жисмоний, ахлоқий-эстетик фаолияти, табиат ва ундаги ҳодисалар, жамият ва унда рўй бераётган ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий жараёнлар гўзалликка ёндошувнинг тарихан таркиб топган асосий объектларидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, гўзаллик ҳақидаги қарашлар ва назариялар марказига «Гўзаллик нима?» деган савол қўйилади-ю, аммо уларнинг аксариятида «Нима гўзал?» деган саволга жавобни кўрамиз. Бу борада «Хуварноси Ахура Мазда кўп гўзалдир, гўзалдир жуда» (*Зардушт*), «Гўзаллик бу ғоялардан иборат ғоянинг ғояси» (*Афлотун*), «Гўзаллик-бу турли мусикалар, яхши хулқ-атворга тўғри келадиган, одамлар эришишга ҳавас қиладиган нарсалардир» (*Абу Наср Форобий*), «Ҳар қандай гўзаллик, гўзалликни англай олган муҳаббат объектидир» (*Абу Ҳомид Ғаззолий*), «Гўзалликка муҳаббат қўйишнинг асосида ҳам ақл, ҳам ҳиссиёт ётади» (*Ибн Сино*), «Гўзаллик барча тилларда васф этилади ва ҳар қандай ақлга хуш келади» (*Умар Ҳайём*), «Гўзаллик бу ҳаётдир» (*Н.Г.Чернышевский*), «Гўзаллик ҳисси, ёқимлилик туйғусига боғлиқ ҳолда, одамларнинг бирлашувига, уларда ижтимоий-ахлоқий фазилатларнинг шаклланишига олиб келади» (*Э.Бёрк*), «Гўзаллик манфаатсиз мафтунликнинг, муҳаббатнинг объекти» (*И.Кант*), «Гўзаллик-ҳодисага айланган эркинлик» (*Ф. Шиллер*), «То бизга тааллуқли эмас экан, ҳамма нарса гўзал» (*А.*

*Шопенҳауэр*), «Гўзаллик Худо-санъаткор томонидан яратилган иллюзия-хаёлотдир» (*Ф. Ницше*), «Қаердаки модда нурафшон бўлса, ўша ерда гўзаллик ҳодисасини учратиш мумкин: модда ва нурнинг узвий омухталиги - ҳаётдир» (*Вл. Соловьёв*) ва шу каби фикрлар гўзалликка турлича ёндошув натижасида юзага келган.

Одатда, гўзаллик икки омил асосида юзага келади. Булар: инсон тафаккури ва меҳнатининг маҳсули натижасида яратиладиган гўзаллик; инсон тафаккуридан ташқарида, инсонга боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келадиган гўзаллик. Биринчисида *ақл, руҳ* ва *хиссиёт* устувор бўлса, иккинчисида *макон* ва *замон* салмоқли ўринни эгаллайди.

Шунингдек, нафосат фалсафасида гўзалликни билишнинг маҳсули сифатида муносабат билдирувчи қарашлар ҳам мавжуд. Бу муайян асосга эга. Чунки, воқеликдаги ҳар қандай нарса-ҳодисанинг гўзаллиги унинг ишончлилиқ, ҳаққонийлик ва реаллиги билан белгиланади. Зеро инсон назари тушган гўзалликкина қадриятга айланади. Бундан ташқари, инсон гўзаллик ҳақидаги дастлабки маълумотни беш сезгининг энг ривожланган тури бўлмиш кўриш сезгиси орқали тасаввурқилади, хис этади, ўзлаштиради, яратади. Масалан, ҳарид қилмоқчи бўлган кийимингизни, истеъмол қилмоқчи бўлган таомни, турмушингиз учун зарур бўладиган жиҳозни аввало кўрасиз, ўрганасиз, томоша қиласиз, сўнгра сифатига, қулайлигига ишонч ҳосил қилганингиздан кейин эҳтиёжингиз учун ишлатасиз. Ярашмаган кийимни кийиш нақадар кулгили ва хунуклигини тасаввур қилиш қийин эмас. Шундай экан, гўзаллик хусусиятларининг намоён бўлишида сезгиларнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Шунингдек, гўзаллик ҳақидаги қарашлар тахлили шундан далолат берадики, мазкур беш сезги ҳам гўзалликни тўлақонли акс эттириш учун етарли эмас.

Маълумки, воқелик ўз ичига талайгина эквивалент тушунчаларни қамраб олади; у ягона ва айни пайтда ранг-барангдир, абадий ва айни пайтда ўткинчидир, ўзгармас ва айни пайтда ўзгарувчандир. Хусусан, гўзаллик ўз моҳиятини муайян зиддиятлар билан боғлиқликда намоён қилиб боради. Зеро, гўзалликнинг диалектик зидди уни янада такомиллашиб боришидаги зарурий

шартдир. Ушбу зарурий шарт нафосат фалсафасида умумий ном билан «хунуклик» деб аталади. Хунуклик эса фалсафа фанлари доктори, профессор Абдурахмон Ортиқов ибораси билан айтганда “гўзалликнинг дилеммаси”дир.

Гоҳида шакл ва мазмун гўзаллиги бир-бирини диалектик тарзда инкор этади. Шундай эса-да, бу бир томондан ижобий ҳолат. Негаки, мазмун ўз вақтида шаклнинг камчилигини кўрсатиб, унинг гўзаллашувига тўртки бериб туради ёки аксинча. Йўқса ё шакл ёки мазмун хунукликка айланиб қолиши шубҳасиз. Зотан, бу каби ҳолатлар ҳаётимизда кўплаб учрайди; кўриниши чиройли бўлган инсонларнинг ҳаммасини ҳам маънавияти бой бўлмаганидек, юксак фазилат соҳибларининг барчаси ҳам ҳусн ва чиройда баркамол эмаслар.

Шу маънода айтишимиз мумкинки, хунуклик бир пайтнинг ўзида ҳам гўзалликдан, ҳам нафосатдан лаззатланишнинг зиддидир. Чунки, хунуклик лаззатланиш туйғуси мавжуд бўлган жараёндан узокрокда вужудга келади; у инсонга ҳайрат бахш этишдан, унинг вужудини фориғлашдан махрум.

Олмон файласуфи К.Розенкранц ўзининг «Хунуклик эстетикаси» номли асарида хунукликни гўзаллик билан муносабати масаласини кўриб чиқади. Қизиғи шундаки, муаллиф хунукликка ҳаётнинг оғриқли иллатларини эмас, балки гўзалликнинг мурасасиз инкори сифатида ёндашади. Бу борада таъкидлайдики, «Бизга хунуклик эмас, аксинча, ўзидагиларни бардош билан енгиб, улардан ажралиб чиққан гўзалликкина завқ бағишлайди. Санъат бизга хунукликнинг барча икр-чикирларини очиқ-ойдин тасвирламоғи лозим».<sup>1</sup>

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, эстетика категориялари орасида хунуклик сингари кишиларда салбий ҳис-туйғу пайдо қиладиган бошқа тушунчалар ҳам мавжуд. Тубанлик ана шундай тушунча, уни хунуклик билан айнанлаштириб бўлмайди. Чунки, хунуклик кишиларда енгил нохушлик туйғусини пайдо қилса, тубанлик эса кучли нафратланиш ҳиссини уйғотади. Табиат, ҳайвонот ва наботот оламидаги хунуклик енгил нохушликлар кўри-

<sup>1</sup> Иктибос: Гулыга А. Принципы эстетики. -Москва: Политиздат. 1987.-87 с.

нишида намоён бўлади, бироқ, тубанликка айланмайди. Инсон томонидан амалга оширилган хунукликлар аста-секин иллатларга, иллатлар эса тубанлик даражасига етади. Балки, табиий офат натижасида юзага келган хунукликлик тубанлик бўлмас, бироқ оила, жамоа, давлат, жамият бошига тушган оғир кулфат тушганидан фойдаланиб қолиш ниятида ўз бузуқ нафси, хирси, эҳтиёжи, аъмолини ўйлаб қилинган ҳар қандай ҳаракат натижаси тубанлик сифатида баҳоланади (*Тубанлик масаласи нафосат фалсафасида ўрганилмаган муаммолар сирасига кирди-Ҳ.Б.*). Бундан гўзалликнинг ўзи мураккаб масала бўлиши баробарида унинг зидди ҳисобланган хунукликни тушуниш ва англаш ўзига хос масала эканлиги кўриниб турибди.

Шунга қарамай, гўзаллик ўз мукамаллигига хунукликни бар-тараф этиш орқали эришади. Зотан, онгли мавжудот ҳеч қачон хунукликка эмас, аксинча, гўзалликнинг қудратига эътиқод қўйган, эътироф этган.

### Гўзалликнинг асосий элементлари ва хусусиятлари

Гўзаллик алоҳида субстанция эмас, у воқелиқда муайян элементлар асосида намоён бўлади, шаклланади, акс этади ва идрок қилинади. Маълумки, “Элемент – (*лот. elementum* – унсур, дастлабки модда) – материянинг бирламчи, энг оддий дастлабки зарраларини билдирувчи тушунча. Табиат турли-туман шу зарраларнинг муайян тартиб, алоқа ва усулда қўшилишидан таркиб топади, мавжуд бўлади ва ривожлана боради.<sup>1</sup>

Гўзаллик ҳақидаги илк қарашлардан бошлаб, файласуфлар унинг энг оддий элементларини кўрсатишга ҳаракат қилишган. Чунончи, гўзалликни моҳияти, намоён бўлиш хусусиятлари ҳамда ўрганиш кўламига қараб мутафаккирлар бир қатор элементларни гўзалликни ташкил этувчи асосий тушунчалар сифатида ўрган-

<sup>1</sup> Фалсафа. Қомусий лугат. –Тошкент: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти, “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2004. Б. 457-458.

ганлар.<sup>1</sup> Чунончи, тартиб, тенглик, мослик, мутаносиблик, ҳамоханглик, бирлик, мувозанат каби элементлар шулар жумласидандир. Аҳамиятли жиҳати шундаки, мазкур элементларга таянган ҳолда гўзалликни инсон, жамият ва табиатда намоён бўлиш хусусиятларини англаш мумкин. Бундан ташқари, юқорида таъкидланганидек, гўзаллик ўз-ўзича ҳосил бўладиган субстанция эмас.

Гўзалликнинг моҳиятини англаш бевосита объектдан субъектга томон боришни талаб этадиган жараёндир. Яъни, инсон воқеликни эстетик идрок этиши, эстетик муносабатга киришиши ҳамда шу асосда эстетик фаолият олиб бориши натижасида гўзалликни англайди ва яратади: “киши табиат ҳодисалари ва предметларида, шунингдек, ўз меҳнати маҳсулида муайян умумийликни кўриб ўзи учун гўзалликни яратади”, - деган марксча эстетикадан фарқли ўларок, бугунги кун эстетикаси гўзалликка инсоннинг тафаккури ва дунёқарашидан келиб чиқиб баҳо беради. Бу баҳо ўзини уйғунлик, мақсадга мувофиқлик, тартиб, меъёр, мослик, тенглик, яхлитлик, бутунлик каби элементлар орқали ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик кўринишида намоён этади. Қуйидаг уларнинг айримларига тўхталиб ўтамыз.

*Меъёр.* Меъёр гўзалликнинг энг муҳим элементи бўлиши билан бир қаторда зарурий талаби ҳисобланади ҳам. Меъёр фалсафий тушунча сифатида объектнинг сифат ва миқдорий жиҳатлари ўзаро боғлиқлигини англатадиган, мазмун ва шакл, имконият ва воқелик ўртасидаги зарурий уйғунлик таъминланишини ифодалайди: у гўзалликни англашда ва намоён бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, меъёр антик даврлардан бошлаб гўзаллик ҳақидаги қарашлар ва таълимотларнинг асосини ташкил этган. Бироқ, меъёр эстетик категория сифатида илк марта Г.В.Ф.Хегел томонидан илмий назарий асосланди. Чунончи, Хегель предметнинг сифат ва миқдор аниқлигини узвийлиги сифатида ўрганadi. Унинг фикрича, фақат меъёр туфайли предмет ўз предметлигини, ходиса ўз ходисалигини сақлайди.

Меъёр талабларига риоя қилиш кундалик турмушимизда ҳамда билиш жараёнида кўзланган мақсадга эришишимизга им-

<sup>1</sup> Бычков В.В. Эстетика. –Москва: Гардарики, 2004. -127 с.



кон беради. Чунончи, меъёр нисбийлик табиатига эга: у тарихан ўзгаради, бир шаклдан иккинчи шаклга ўтади. Меъёрнинг конкрет тарихий характери инсон меҳнатининг маҳсули сифатида номоён бўлса, меъёрнинг эстетик табиати инсон ва унинг маънавий имкониятларини, шахснинг тарихий жараёнда тутадиган ўрнини белгилаб беради.

Манбалардан маълумки, Қадимги юнонлар меъёрни “олтин ўрталик” деб атаган. Чунончи, Муаллими Аввал – Арасту меъёрни ахлокийлик ва фазилатлиликнинг муҳим ва зарурий асоси деб ҳисоблайди. Яъни, ахлокий фазилатлар учун камчилик, етишмаслик ҳам, ортиқчалик (исроф) ҳам ҳалокатли экани, камчилик ва ортиқчалик зарарли эканини ҳиссий идрок этилувчи нарса, ходисалар мисолида тушуниш мумкинлигини уқтиради: гимнастика (бадантарбия) машклари керагидан ортиқча бўлса, одамни чарчатади, оз бўлса қувват камаяди; керагидан зиёда (жуда кўп) овқат ейилса, соғлиқ учун зарарли, керагидан кам бўлса ҳам қувват камаяди. Арасту меъёрнинг асосини ўрталик ва мўътадилликда кўради. Бироқ, қайси ишларда ўрталик мўътадилликнинг зидди — ортиқчалик ёки камчилик саналишини билиш зарур эканлигини таъкидлайди. “Масалан, жасурликнинг зидди ортиқча дойраклик эмас, балки қўрқоқлик, яъни журъатнинг камлигидир, дейди мутафаккир - Бошқа бир соҳада, масалан, роҳатланишда муътадилликнинг зидди — лоқайдлик эмас, балки бузуклик яъни, ҳаддан зиёдалиқдир. Шундай ҳолатлар ҳам борки, муътадилликнинг зидди ҳам ҳаддан зиёдалиқ ҳам ҳаддан камлиқдир. Бундай ҳолларда муътадиллик ўрталик-ортиқчалиқдан ҳам, етишмовчиликдан эса кўпдир.<sup>1</sup> Қолаверса Арасту таъкидлаган ўрталик ижтимоий муносабатларнинг барча кўринишлари учун гўзалликнинг зарур ва шарти ҳисобланган.

Бир сўз билан айтганда, меъёрнинг бузилиши ахлоқда – иллатни, эстетикада – бачканаликни, сиёсатда – низони, ҳуқуқда – жиноятни ва ҳ.к.каби гўзалликка зид ҳолатларни келтириб чиқаради. Дейлик, бировни ошириб-тошириб мақташ уни ортиқ даражада

<sup>1</sup> Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. –Б. 138-139.

ерга уришдай гап. Чунки ҳар иккаласида ҳам меъёр бузилади. Зеро, “Комил нарса ортиқчаликни ҳам, камчиликни ҳам қабул этмайди” (*Абу Райҳон Беруний*) Шунинг учун ҳам жамият ва инсонлараро муносабатлар тизимидаги гўзаллик учун меъёр категорияси муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга.

*Мақсадга мувофиқлик.* Гўзалликнинг асосий элементи бўлиб, у И.Кантнинг эстетик қарашларида муҳим ўрин тутган. Жумладан, Кант гўзалликнинг тўртта белгисини кўрсатар экан, улар орасида учинчи белги бу - гўзалликнинг мақсадга мувофиқлик шаклига эга эканлигидир, дейди. Яъни, қандайдир аниқ мақсад ҳақида тасаввур ҳосил қилмай туриб, нарса-ҳодисадаги мақсадга мувофиқликни идрок этиш мумкин эмас. Демак, гўзаллик - нарса-ҳодисанинг мақсадга мувофиқлик шакли, зеро у мақсад ҳақида тасаввурга эга бўлмасдан туриб, идрок этилади.<sup>1</sup>

Таъкидлаш зарурки, аксарият ҳолатларда яратилган нарсалар олами агар инсоннинг мақсадига мувофиқ бўлмаса, улар гўзаллик сифатида қадрланмайди. Айниқса, манфаатлар устувор бўлган ҳозирги глобаллашув дунёси ёки бозор муносабатлари-га асосланган бугунги замонда бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Шунда экан, инсон томонидан яратилган гўзаллик бошқаларнинг мақсадига мувофиқ бўлиши зарурий шарт қилиб белгиланади. Бирок, гўзалликдаги мақсадга мувофиқлик фақатгина манфаат ва фойдалилик мезони билан ўлчанмаслиги керак. Чунки, гўзалликка бирор-бир фойдани кўзлаб муносабат билдириш, ундан бирор таъма илинжида ўз мақсадга мувофиқлаштириш пировардида гўзалликни йўқолишига сабаб бўлади. Зеро, фойда ёки манфаат азалдан инсоннинг мақсадга эришиш йўлидаги муҳим омил бўлиб келган. Шу маънода воқелиқдаги мақсадга мувофиқлик ортиқча ва бегона, моддий ва манфаатли ёндошувлардан холи бўлиши, унга беғараз муносабатда мақсадга мувофиқлаштирилиши зарур. Бу – биринчидан.

Иккинчидан, мақсадга мувофиқлик гўзалликнинг муҳим элементи сифатида бир қатор тушунчалар учун пировард натижа

<sup>1</sup> Қаранг: Абдулла Шер, Баҳодир Хусанов, Эркин Умаров. Эстетика /Услубий қўлланма. –Тошкент: Университет. 2008. -63 б.

ҳисобланади. Чунончи, мослик, мутаносиблик, ҳамоҳанглик каби тушунчалар нарса-ҳодисанинг гўзаллигини баҳолашда, билишда ва англашда муҳим аҳамият касб этади. Бу моҳиятан нарса-ҳодисанинг кўриниши, ранги, ҳажми, шакли, вазни, катта-кичиклиги, баланд-пастлигида намоён бўлади. Масалан, баҳор фаслининг гўзаллигига мос сифатлар - табиатнинг уйғониши, кўкларнинг юз очиши, кунларни исиб атрофга ёқимли хидлар таратиши, дарахт гулларининг кўкариши кабилар билан белгиланади. Қиш фаслининг гўзаллиги учун эса баҳор фаслининг хусусиятлари мос эмас. Қиш ҳам қаҳратон совуғи, оппоқ қори билан ўзига хос гўзал фасл, бироқ унинг совуғи ва қори баҳорнинг гўзаллигига зарар еткази.

Учинчидан, мақсадга мувофиқлик нарсалар оламининг гўзал жиҳатларини очиб беради. Бироқ, бу инсон эҳтиёжини қондирувчи ҳар қандай буюм мақсадга мувофиқлиги боис гўзалдир, деган маънони англамайди. Масалан, Ўзбекистон давлат санъат музейида XX аср бошларида бухоролик мисгарлар томонидан ясалган “Туфдон” ниҳоятда чиройли, лекин у музейнинг мақсади мувофиқ, кундалик турмушда фойдаланишга эмас. Шундай экан, нарса, ҳодиса зарурати ва эҳтиёж талабига кўра ишлатиш, фойдаланиш лозим бўлган объекти-субъекти мақсадларига мувофиқ келсагина гўзал бўлиши мумкин. (улуғ адиб Абдулла Қаҳҳорнинг “Адабиётнинг кучини ўтин ёришга ишлатиш керак эмас” деган ҳикмати фикримизни ойдинлаштирса, ажаб эмас – Ҳ.Б.)

Шундай қилиб мақсадга мувофиқлик нарса-ҳодисаларнинг инсон тафаккурида мослик ва мутаносибликка асосланган гўзаллигини таъминлашга хизмат қилади. Аксинча номутаносиблик ва номуносиблик ҳар қандай қимматбаҳо буюмнинг гўзаллигига путур еткази. Зеро, улуғ аждимиз таъбири билан айтганда “Ёқутдаги тешик унинг айбларидан бири ҳисобланади. Чунки тешик ёқут гўзаллигига доғ туширадиган томонларидан саналади.”<sup>1</sup>

*Тартиб.* Тартиб фарқлаш, мувофиқлаштириш, йўналтириш хусусиятига эга бўлиб, тафаккур қилувчига гўзалликни кенгрок

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. 100 Ҳикмат /Таржимон ва нашрга тайёрловчи А.Ирисов. Тошкент. Фан. 1993. -21 б.

идрок этиш имконини яратади. Бу ҳақда Ўрта асрлар насроний илоҳиётчиси Аврелий Августин (Илохий Оғустин) ўзининг «Тартиб тўғрисида» деб номланган фалсафий-эстетик рисоласида гўзалликнинг тушунча, мазмун ва шакл сифатидаги моҳиятини баён этиб, тартиб ва тартиблилик гўзаллик учун муҳим элемент эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, тартиблилик нарсалар гўзаллигининг сабаби, бетартиблик эса ҳунукликка олиб келади, деган фикрни ўртага ташлайди. Мазкур фикр яна бир маънавий (идеалист) файласуф Г.В.Лейбниц томонидан ҳам илгари сурилган. У тартибни нафақат гўзаллик элементи балки ижтимоий муносабатлар тизимининг асоси сифатида ҳам ўрганган. «Тартиб – бу бир қадар бошқачароқ худди фарқлаш (*distinctiva*) каби нарсалар ўртасидаги муносабатлар мажмуидир. Тартибсизлик эса шундай ҳодисаки, унда нарсаларнинг кўриниши мавжуд, аммо уларнинг бир-биридан ажратиш туривчи асос йўқ. Олам тартибли (яхлит) бўлгани учун кўркемдир, зеро оламнинг гўзаллиги уни англаганларгагина юксак завқ бағишлайди. Шу боис гўзаллик, тартиб ва мукамаллик идрок этувчи (инсон) учун ўзига хос олам. Аксинча, ҳунуклик ва ғафлатда моҳиятан тартибсизлик мавжуд: у нарсаларнинг мутлоқ баҳосига эга бўлгандагина юзага келади.<sup>1</sup>

Берунийнинг «Кишининг кўнгли келишган ва тартибли ҳар бир нарсага қизиқади, тартибсиз нарсдан нафратланади» деган яна бир ҳикматидан кўп маъноларни уқиш мумкин. Зотан, тартиб бошқа элементлардан фарқли ўлароқ, кенгкўламлилиги ва сермазмунлиги билан гўзалликни намоён бўлишига кўпроқ «ҳисса кўшади». Ҳар қандай нарсанинг гўзаллиги унинг ташқи ва ички моҳиятининг тартиби билан белгиланади. Масалан, кимёда моддалар молекулаларнинг тизимли ва тартибли жойлашуви натижасида вужудга келади, атмосфера таркиби эса ер шарини ўраб олган ва у билан бирга айланадиган ҳаво қобиғи ва осмон жисмларининг ўзаро тартиби натижасида барқарорлашади. Зеро, атмосферанинг бир текис исимаслиги ва унда бароклинликнинг

<sup>1</sup> Лейбниц К. Сочинения. В 4 х-т. /Порядок есть в природе. –М.: Мысль. 1982. Т. 1. С. 235-236.

ривожланиши туфайли пайдо бўладиган жараёнлар, атмосфера галаёнлари – циклон ва антициклон туфайли атмосфера умумий циркуляцияси Ер шарининг турли кенгликлари ва ҳудудлари ўртасида ҳаво алмашинуви муайян тартиб ва муайян тартибсизлик натижасидир. Бундан ташқари, тартиб ва тартиблилик инсоний муносабатларга кўрк бағишлайди, жамият барқарорлигини ва халқ фаровонлигини таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, тартиб устувор бўлган жойда гўзаллик намоён бўлади.

*Уйғунлик.* Уйғунлик гўзалликнинг муҳим элементи бўлиб, улар бир-бирисиз тўлақонли эмас. Айтиш мумкинки, гўзаллик уйғунликни талаб этадиган ижтимоий-маънавий ҳодиса.

Уйғунлик гўзалликни ҳис қилиш ва англашда гармония тушунчасидан фарқ қилиши, гўзаллик гармониядан кўра бирмунча мураккаброқ ва чуқурроқ маънога эга эканлиги, предметларга хос гармония гўзалликнинг ибтидоий белгиси, холос, ҳамма нарсалар маълум гармонияга эга бўлганидай, ҳамма гармонияга эга бўлган нарсалар гўзал бўлавермаслиги файласуф Тилаб Маҳмудов қатор жиҳатлар билан исботлаган эди. Бу билан эстетик тафаккур тарихида “гўзаллик – бу гармониядир” деган бахсларга муайян ойдинлик киритди. Чунончи, “Гармония - нарса ва ҳодисаларнинг барча қисм - бўлаклари аниқ уйғунликка эга бўлиши керак, деган гап эмас, - дейди файласуф. Уйғунлик бузилиши, номутаносибликка асосланган гармониялар бўлиши мумкин. Гап ана шу ҳаётий предметнинг мутаносиблиги инсон ҳаётининг йўналиши билан қандай муносабат ва алоқадорлигида. ... Маълум гармонияга эга бўлган табиат ҳодисаси, предмети гўзаллик сифатида баҳоланиши учун кишида шу ҳодисаларга нисбатан ижобий туйғулар уйғониши зарур. Акс ҳолда нарса ва ҳодисаларнинг эстетик хоссалари эътибордан четда қолади; фақат нарса ва ҳодисанинг шаклига, ташки кўринишигагина баҳо бериб, унинг мазмуни, ички диалектик моҳияти унутилади. Гўзалликда эса, ана шу ички моҳият, ижобий сифат асосий омилга айланади. ... Предметларга хос гармония гўзалликнинг ибтидоий белгисидир. Ҳамма нарсалар маълум гармонияга эга бўлганидай, ҳамма гармонияга эга бўлган нарсалар гўзал бўлавермайди. Масалан, чаён ва илонни олиб кўрайлик. Илон тузилишида маълум гармония борми? Бор.

Чаён бўгинлари ва оёқлари тузилишида маълум мутаносиблик борми? Бор. Лекин биз уларни ҳеч қачон гўзал дея олмаймиз.”<sup>1</sup> Бу фикри билан файласуф жонли ва жонсиз нарсаларнинг барчасида ўзаро уйғунлик қонунияти мавжуд, бу мавжудлик гўзалликни юзага келтирувчи воситадир.

Ҳозирги пайтда айрим тадқиқотчилар уйғунликни гўзаллик элементи сифатида эмас, балки эстетиканинг алоҳида категорияси сифатида талқин этмоқда. Хусусан, эстетика магистри Дилором Шерова меъёр, мутаносиблик, мақсадга мувофиқлик, тўғри ўлчовга эгалик, ритм, симметриклик ва тартиб каби тушунчаларни уйғунлик категориясида мужассам эканлигини таъкидлайди ва унинг гўзаллик билан алоқадорлигини илмий таҳлил этишга ҳаракат қилган.<sup>2</sup> Бироқ, тадқиқотчи уйғунлик билан гўзаллик ўртасидаги ўзаро фарқни қиёслаб, уйғунлик гўзалликка нисбатан кенгрок тушунча эканлиги, “гўзал бўлмаган нарсаларда ҳам уйғунлик мавжуд”, деган хулосага келади.

Юқоридаги фикрлардан уйғунлик алоҳида тадқиқот мавзуси эканлигини англаш қийин эмас. Айниқса, уйғунликнинг фалсафий моҳияти, эстетик кўлами шунчалик кенгайиб бормоқдаки, эндиликда унинг гўзалликка кўйиладиган мезонлар билан қиёслаш бахслидир. Чунки, инсон ҳаёти, давлат ривожини, турмуш фаровонлигини ва жамият барқарорлигини таъминлаш моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини таъминлаш ижтимоий-маънавий заруриятга айланмоқда. Зеро, уйғунлик пировардида гўзалликка хизмат қилади, у нарсаларнинг моҳиятини оқилона англашда субъектнинг объектга муносабатини такомиллаштиради, воқеликни эстетик идрок этиш ва борлиқ гўзаллигини ҳис қилишга кўмаклашади.

Кўриб ўтганимиз мазкур элементлар макон ва замон қонуниятлари асосида гўзалликнинг шаклланиши, намоён бўлиши, юзага келиши ва яратилишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

<sup>1</sup> Маҳмудов Т. Гўзаллик ва ҳаёт. –Тошкент: Ф.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. -14 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Шерова Д. Уйғунлик эстетик категория сифатида. Фалсафа магистри академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент. ЎЗМУ. 2007. Б. 44-58.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ ИНСОН ГЎЗАЛЛИГИ

### Инсон гўзаллигининг умумий мезонлари

Инсон яратилгандан буён унинг борлиги, камолоти, ҳаёти ҳақида жуда кўп баҳслар мавжуд. Бироқ, бу масалада фалсафа якуний сўзни айта олган эмас. Балки фалсафа илмининг яшовчанлиги ва зарурийлиги ҳам ана шунда бўлса, ажаб эмас. Гарчан, инсоннинг жисмоний жиҳатдан биологик тадрижийлиги поёнига етган бўлса-да, асрлар давомида у ўз «мен»и ва уни юзага чиқариш йўлида зарур бўлган муҳитни яратиш ишлари давом этмоқда. Ҳозиргача инсон ва борлик, инсон ва жамият, инсон ва техника ўртасидаги муносабат масаласи кўплаб илмий соҳаларнинг тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Инсон гўзаллигининг моҳиятига доир муаммоларни тадқиқ этиш умуман фалсафанинг хусусан нафосат фалсафасининг муҳим вазифаларидан саналади.

Маълумки, Суқрот антик даврнинг ўзига хос категорияси ҳисобланган “калокагатия” яъни, “гўзаллик ва эзгулик” тушунчасини идеал инсон мазмунида фалсафа илмига олиб кирди ва унинг мақомини фалсафа ва адолат мақомига тенглаштирди. Афлотун калокатияни жон ва тананинг мувофиқлиги, деб билди: “Калокатия – энг яхшисини танлаш қобилиятиди”. Арасту эса калокатияга эга бўлмоқликни барча гўзалликка ва фазилатга эга бўлмоқликдир, деб айтади.<sup>1</sup>

Инсон гўзаллиги ҳақида эстетик тафаккур тарихида бу каби мулоҳазалар кўп. Уларнинг аксариятида муаммога ахлоқий жиҳатдан ёндошиш устуворлик қилади. Шунга қарамай, инсон гўзаллиги ҳақидаги мавжуд қарашларни умумий ҳолда икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчи тоифа тарафдорлари “Инсондаги гўзалликни унинг ташқи кўриниши белгилайди”, деган фикрни илгари суришади. Иккинчи тоифа тарафдорлари эса “Инсон гўзаллиги унинг ахлоқи ва фазилатлари билан белгиланади” деган қарашни уқтиради.

<sup>1</sup> Қаранг: Бычков В.В. Эстетика. –Москва: Гардарика; 2004. –67 с.

Биз, ҳар икки тоифанинг фикрини инкор этмаган ҳолда “Инсон гўзаллиги нафосат ва ахлоққа асосланади. Инсон учун ҳар иккиси зарур ва шарт” деган фикрдамиз. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчи сабаби, гўзалликнинг инсон қиёфасидаги кўринишида ягона, мутлоқ ва тугал тимсол (намуна) мавжуд эмас. Агар мавжуд бўлганда эди, у барча халқларга гўзаллик тимсоли сифатида намуна қилиб кўрсатилган бўларди. Масалан, аёл гўзаллигининг мезонлари турли халқларда турлича талқин этилади. Олайлик, патриархат ва матриархат даври одамларининг тасавурида аёлнинг гўзаллиги катта қорин, кенг думғаза ҳамда кўкракнинг бўртиб туриши билан ифодаланган. Ёки Африка саванналаридаги қабилаларнинг бирида аёлнинг чиройлилиги бош шаклининг чўзиқлигига қараб белгиланган. Бунинг учун эса қизларнинг ёшлигидан пешонаси атрофига ясси тошлар боғлаб қўйилган ва йил давомида у сиқиб, тортиб турилган. Натижада бош керакли «қиёфа»га тушган: бош қанчалик узунчоқ бўлса шу аёл шунчалик “чиройли”дир. Яна бир мисол хиндуларнинг Манта қабиласида кўзнинг ғилайлиги ўзига хос аёл гўзаллигининг рамзи саналади. Бу “гўзаллик” учун чақалокни «бешиги»га турли шаклдаги тошчалар осиб қўйишган. Чақалок кўзини юқорида осилган тошга мунтазам қараб ётиши натижасида унинг кўз қорачиғи тепалашиб ғилай бўлиб борган. ... Албатта, мазкур сифатлар ҳозирда бизнинг “Аёл гўзаллиги” ҳақидаги тасавурларимизга мутлақо мос келмайди.

Иккинчи сабаби, инсонларнинг гўзаллик ҳақидаги қарашлари нисбий бўлиб, улар вақт ўтиши билан ўзгариб боради. Муайян давр, шароит, вақт тақозосига кўра инсон учун гўзал бўлган нарса, ходиса, жараён даврлар ўтиши билан ўз жозибасини йўқотиши мумкин. Инсоннинг ташқи қиёфаси билан боғлиқ гўзаллик ҳам худди шундай нисбий характерга эга. Айтиш жоизки, инсондаги гўзалликни шакл ва мазмун жиҳатдан қиёслайдиган бўлсак, шакл гўзаллиги мазмун гўзаллигига нисбатан нисбий: у ўзгаради, эскиради. Инсон гўзаллигининг мазмуни эса барқарор ва ўзгармас. Зеро, Соҳибкирон Амир Темурнинг жасорати, Мирзо Улуғбекнинг бағрикенглиги, Алишер Навоийнинг меҳрибонлиги, Ойбекнинг ҳалоллиги ва ҳоказо буюк даҳоларнинг гўзал фази-



латлари даврлар ўтсада, инсониятга намуна бўлиб қолаверади. ...

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда “инсоннинг гўзаллиги нафосат ва ахлоқ мезони билан белгиланади”, дейиш мумкин. Мазкур мезонлар заруриятини қуйидаги мулоҳазаларимиз орқали баён этишга ҳаракат қиламиз. Дастлаб нафосат ҳақида.

Айтиш керакки, нафосат (*русча* – эстетическое. Х.Б.) реал воқелик ва илмий тушунчани англатади. У реал воқелик сифатида - инсон ҳаётининг барча соҳаларини нурлантириб турувчи қамровли маънавий ҳодиса, тушунча сифатида - эстетика фанига оид юзлаб, эҳтимол, минглаб атамаларни ўз ичига олган энг йирик истилоҳ, оврўпача таърифда – метакатегория (*Абдулла Шер талқини* – Х.Б.). Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, нафосатнинг «худуди» ниҳоятда кенг: у объектив воқелик сифатида нарса-ҳодисаларнинг эстетик хусусиятларни англатса, субъектив воқелик тарзида инсоннинг ана шу эстетик хусусиятларини англаш ва идрок этиш борасидаги ботиний фаолиятидир. Шунингдек, атроф-муҳит гўзаллиги, санъатдаги гўзалликнинг хусусиятлари ҳам нафосат мезонлари билан ўлчанади. Бироқ, бу ҳолатлар нафосатнинг бир томони, уни шартли равишда ташқи нафосат ёки объектдаги нафосат дейиш мумкин. Нафосатнинг иккинчи томони ҳам борки, ўзини ички нафосат ёки субъектдаги нафосат тарзида намоён қилади. Ана шу иккинчи жиҳат эстетик жараёни вужудга келтириш хусусиятига эга бўлган фалсафий ҳодиса - воқеликни эстетик англаш билан белгиланади. Англаш жараёни орқали шахснинг эстетик идеали ва эстетик диди шаклланади.

Нафосатнинг мазкур икки тушунчаси инсонда гўзалликни қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади. Гўзаллик эса эстетиканинг мезоний тушунчаси, фаннинг мезонларини белгилаб берадиган истилоҳ ҳамда фан салмоғини ўлчайдиган ўлчов тушунча вазифасини бажаради. Гўзаллик тушунчаси табиат, жамият ёки санъатда мавжуд бўлган эстетик объектнинг гўзаллигини тадқиқ ва талқин этиш, шарҳлаш учун зарур. Қолаверса, инсон воқеликни эстетик тарзда ўзлаштирар экан, унга дастлаб ўз эстетик идеали ва эстетик дидидан келиб чиқиб муносабат билдиради. Табиат, жамият ва инсондаги гўзалликни идрок этиш ҳам бевосита мазкур икки тушунчанинг бир-бири билан ўзаро ҳамоханлигига боглик.

Шунингдек, эстетика илмида нафосат ва гўзаллик умумий рақсда “идеал” тушунчаси орқали изоҳланган тадқиқотлар ҳам мавжуд. Жумладан, Ижтимоий идеал билан эстетик идеал ўртасидаги алоқадорликни кўрсатиб Л.Н.Столович “Агар жамият идеал бўлиб унинг эстетик моҳияти аниқ ҳиссий кўринишда тасвирланса, бу жараёнда ижтимоий идеал билан эстетик идеал айнанлашди.”<sup>1</sup>, -деган қарашни илгари суради. Бундай қараш хоҳ ижтимоий бўлсин, хоҳ эстетик идеал - унинг тақомили гўзаллик тушунчаси билан уйғун бўлишини таъминлайди. Чунки, ҳар иккала идеалнинг асосида оламни билиш мавжуд ҳаётни тақомиллаштириш, гўзаллаштириш, тараққиёт йўлларини англаш ёки кўрсатиб бериш ғояси ётади. Бундан ташқари, бадий-эстетик идеал шахнинг маънавий ҳаётига гўзаллик, эстетик тасаввур ва қарашлар, энг муҳими эстетик тажриба, яъни маданий-ижодий жараён орқали таъсир этади.

С.С.Агзамходжаева ижтимоий идеал билан бадий-эстетик идеалнинг ўзаро боғлиқлигини бир қатор жиҳатлар билан исботлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, бадий-эстетик идеал ён-атрофни шунчаки ифодалаш, тасвирлаш усули эмас, унинг негизида ҳаётни гўзаллаштириш, комил даражада инсонийлаштириш, нафосат қонуниятларига мувофиқ ташкил этиш ҳақидаги ўй, хаёл, орзу ётади. Шу тариқа бадий-эстетик идеал ижтимоий борлиққа, кишиларнинг ушбу борлиқни юксалтиришга қаратилган орзуларига хизмат қилади. Тадқиқотчи ижтимоий идеалнинг эстетик идеалдан кенгқамровли мазмунга эга эканлигини эътироф этгани холда ижтимоий идеал бадий-эстетик идеалга, ўзининг таркибий қисми, ички тизими сифатида, жамият олдидаги муаммолардан келиб чиқишни, уларга таянишни ва уларни тақомиллаштириш йўлларини топишни вазифа қилиб кўяди. Ижтимоий идеал кенг қамровли ва бутун ижтимоий борлиққа тааллуқли воқелик бўлгани учун унда шахсий-хусусий идеаллар ўз ўрнини топавермайди, деган фикрни билдиради.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Столович Л.Н. Категория прекрасного и общественный идеал. –М.: Искусство, 1969. –11 с.

<sup>2</sup> Агзамходжаева С.С. Ижтимоий идеал ва Ўзбекистонда маънавий тараққиёт муаммолари: Дис...фалс.фан.докт –Тошкент: ЎзМУ, 2008. – Б.206-257.

Шу маънода, эстетик идеал фақат шахснинг ўзигагина дахлдор, у шахснинг гўзаллик ҳақидаги қарашларини ҳамда ҳали рўёбга чиқмаган эстетик ҳақиқатни амалга оширишда уни ҳаракатга ва фаолиятга ундовчи юксак намунадир. Зотан, Алишер Навоийнинг «Хамса»сидаги Фарҳод, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»идаги Отабек муаллифнинг инсоний гўзаллик сифатидаги идеаллари эди.

Эстетик идеалнинг ижтимоий хусусияти жамият маънавий-маърифий, сиёсий-иқтисодий манфаатларига мос келадиган, унинг ривожланишига кўмак берадиган, мамлакатни обод қилишга қаратилган мақсадлар орқали белгиланади. Бугунги кунда эстетик идеалнинг ижтимоий хусусиятини “Миллий тикланишда миллий юксалиш сари” ғоясига асосланган инсонпарвар жамият барпо этишга бўлган интилишлар орқали изоҳлаш мумкин. Зотан, бундай жамиятда инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари устувор бўлиб, у ўз имкониятларини ҳар хил тайзиқларсиз амалга оширишга, ўз фаолиятини бунёдкорлик асосида ривожлантиришга эришади.

Нафосатнинг фалсафий моҳияти эстетик англаш орқали реаллашади. Чунончи, инсон гўзаллигини билиш, тушуниш, ҳис қилиш эстетик англашнинг асосини ташкил этади. Бу жараён қисман дид масаласига ва уни намоён бўлиш хусусиятларига боғлиқ. Шу боис дидни инсон гўзаллигининг асосий мезони, уни такомил даражаси ва эстетик мазмуни дейиш мумкин. Диднинг моҳияти эса ўзида “фаросат”, “фаҳм” каби ҳам нафосатга, ҳам ахлоққа тушунчаларни мужассам этади. Диднинг юксаклиги ўзида гўзаллик ва хунуқлик, улғуворлик ва тубанлик, мўъжизавийлик ва кулгилилик сингари инсон эстетик фаолиятига дахлдор тушунчаларни бир-бири билан қиёслаш қобилияти билан белгиланади. Шунинг учун фаросат инсон гўзаллигини белгилашда жуда муҳим.

Фаросат илми кишининг ички дунёси билан ташқи кўриниши ўртасидаги боғлиқликни ўрганувчи илмлар сирасига киради. Ўтмишда фаросат илми нозик ва назокатли илм сифатида ўрганилган. Чунончи, олмон мумтоз фалсафасининг вакили Иммануил Кант бу илмга “ботиний оламини ўрганувчи илм” деб таъриф берган эди. Қомусий олим Абу Райхон Беруний “Кишининг кўнг-

ли келишган ва тартибли ҳар бир нарсага қизиқади, тартибсиз нарсадан нафратланади” - деган ҳикмати эса моҳиятан фаросат билан масаласига даҳлдор. Бундан ташқари, ўрта асрлар Мусулмон Шарқи алломаларидан ал-Киндий фаросатнинг ҳикмати, фазилати ва аҳамиятига доир “Рисолаи фил фароса” (X аср) деб номланган махсус асар ёзган бўлса, Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг машҳур “Ахлоқи муҳсиний” асарининг 34-бобини “Фаросат баёни”га бағишлади. Шунингдек, туркий тилда Узун Фирдавсий (XVI аср)нинг “Фаросатнома” асари кўглаб қизиқарли маълумотларга бойлиги билан аҳамиятлидир. Манбаларда ҳақимлардан бири томонидан тақдим этилган фаросат тўғрисидаги китобни шоҳ Ануширвон ҳар доим ўзи билан олиб юргани ва ҳамisha у китобни мутолаа қилиб, унинг мазмуни бўйича ҳукм чиқарганлиги ҳақида маълумотлар учрайди.

Эстетика илмида фаросат дид тушунчасининг таркибий қисми саналади. Фаросат ўзига хос эстетик тушунча сифатида моҳияти ақлга бориб тақалади. Одатда, ёмғир ёғаётганини кўра-билиб туриб, ёмғирпушсиз ва соябонсиз йўлга чиққан одамни фаҳмсиз, чанг, лой пойафзалини ечмай, гиламни босиб, ичкарига кирган одамни фаросатсиз деб атаймиз. Шунга кўра, фаҳм - ақлий, фаросат - ахлокий, дид - эстетик қобилиятни юзага чиқаради. Уччала қобилиятнинг ҳам ибтидоси, табиий-туғмаликка бориб тақалса-да, улар ўзларини асосан тарбия, ижтимоий муносабатлар орқали рўёбга чиқаради. Шунинг учун Шарқ алломалари тарбия жараёнида фаросатнинг зарурлиги масаласига жиддий эътибор қаратганлар.

Чунончи, Шарқнинг буюк воизи, нотиклик санъати назариётчиси Ҳусайн Воиз Кошифий “фаросат” сўзининг луғавий маъносига “бирор нарсанинг яхши ва ёмон хусусиятини кўриб аниқлашдир. Истилоҳий маъноси эса умумий бўлиб, жонинг суъратидаги зоҳир ҳолини мушоҳада қилиб, унинг ички моҳиятидан огоҳ бўлишдир”, - дея таъриф беради. У ҳатто фаросат ҳукумат ишлари орасидаги улуғ шартлардан бири эканлигини эътироф қилиб, бирор бир воқеа ҳаспўшланганда, асл моҳияти пинҳон тутилганда ва адолат мезони бузилганлиги яширилса қонун ҳимоячиси бу ҳодисани фаросат нури билан топиб, даъвогарлар сўзларига эътимод қилмаслигини уқтиради.

Аллома талқинида фаросатнинг аҳамияти бир жиҳатдан улуғларнинг “Хукумат зийнати фаросат зевари билан гўзалдир” деган қоидасига асосланади. Иккинчи жиҳатида эса “Ҳар бир нарса фаросат аҳлидан яширин эмас, фаросат Ҳақ Таолонинг мўмин бандага берган нури” деган тамойил устувор. Бу тамойилнинг моҳиятини эса пайғамбаримиз (с.а.в)нинг “Қўрқинлар мўмин фаросатидан, у Худо нури билан қараб ҳар нарсанинг замирига ета олади”, - деган ҳадис асослайди.

Кошифий фаросатни икки қисмга ажратади. Биринчиси - шаръий фаросат бўлиб, унда пок ва соф кўнгилли кишининг кўзидан кўтарилиб, фаросат нури билан ҳақиқатни англаб етади. Иккинчиси - ҳукмий фаросат бўлиб, донишманлар уни тажриба билан топадилар ва далилларини кишининг шакли ва шамойилидан мушоҳада қилиб, аниқлайдилар. Одатда, аксарият ҳолларда бу усул киши ҳақида тўғри маълумотни берган. Аллома ҳар иккала фаросатга шоҳ Ануширавон ва Афлотун ҳаким ҳаёти билан боғлиқ талайгина мисолларни келтиради ... Аллома инсон аксар иш биносини фаросат далилларига қўйиш керак ва ўзининг пок зеҳни, тафаккури, мулоҳазасига ҳам мурожаат қилиши лозим. Чунки, ташқи кўринишларида ёмонлик нишонаси бор тоифа ичидаги кишилар Ҳақдан файзу илҳом топиб, ўз аҳволини ўзгартирганларидан воқиф ва огоҳ бўлишга ҳаракат қилиш зарурлигини уқтиради:

*Фаросатдан кўнгилга кўз очилгай,  
Ҳамма ҳолатни ул маълум қилгай.*

Маълумки, сўз сермазмун бўлиб, у кўп нарсаларга далолат қилади. Бир сўзнинг ўзини турли ҳолатларда, турлича маънода қўллаш мумкин. Бинобарин, сўзни тўғри тушуниш ва тўғри ишлатиш, унинг маъноларини иложи борича мукамал билиш учун ҳам кишидан фаросат талаб этилади. Бу борада “Алломалар ибрати” (Тошкент, 1982) номли китобда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг юксак фаросати билан боғлиқ кизик ривоят келтириш мумкин. Унинг мазмуни қуйидагича: бир куни ясовулбоши бир йигит ва бир қизни Умаршайх Мирзонинг кабутарлари-

ни ўзига ўргатиб олмоқчи бўлганликда айблаб, уларни жазолаш мақсадида шоҳнинг хузурига келтиради. Шоҳ воқеани эшитиб, ясовулга “Ундай бўлса алар бошини олиб ...” дейиши билан бирдан йўтал тутиб қолади. Ясовулбоши ҳар иккисини бошини кундаги қўётган пайтда шоҳнинг суюкли фарзанди Бобур Мирзо ясовулбошига қараб, “Отам уларнинг бошини олинг демадилар. Олий ҳазрат аларни бу юртдан бош олиб чиқиб кетсин, деб буюрмоқчи эдилар” - дейди. Ясовулбоши қатлини тўхтатиб шоҳнинг хузурига боради ва унга Бобур Мирзонинг гапларини айтади. Шунда Умаршайх сарой аҳли олдида ўрнимга подшоҳ бўлади, деб юрган фарзандининг сўзини иккита қилиб қўймасликни ўйлаб: “Мирзо ҳақ гапни айтибдур. Мен аларни бошини олинг демоқни ҳаёлимга ҳам келтирган эмасман” дейди. ... Бобур Мирзонинг марҳамати туфайли иккита ёш жаллод кундасидан омон қолади. Бу ривоятнинг мазмуни айна пайтда Умаршайх Мирзони ҳам Бобур Мирзони ҳам юксак фаросатли кишилар бўлганлигини ифодалайди.

Шарқ алломаларидан Бурхониддин аз-Зарнужий (XII аср)нинг “Таълим ал-мутааллим – Илм олувчига таълим-тарбия” асарида “Шижоат – бир лаҳза сабр”, деган ҳикматни учратамиз. Сабр, қаноат эса фаросатни юксалтирувчи ахлоқ меъёрларидир. Айниқса, илм истовчининг фаросати айнан шунга. Чунончи, толиби илм учун кераги шулки, дейди аллома, - бир устозга сабот ила сабр айласин. Бирор китобга ҳам, ҳатто уни (мутолаа қилишда, ундан дарс олишда) нокис (чала) тарк қилмасин. Бирор фанга ҳам, ҳатто биринчисини мустаҳкам қилишдан аввал бошқа фан ила машғул бўлиб кетмасин. Шерик ихтиёр қилиш ва уни танлашда эса ҳаракатчан, пархезкор, тўғри таъб соҳиби ва фаҳм-фаросатлисини ихтиёр қилиши даркор. Дангаса, бекорчи, кўп гапирувчи, фисқу фасодга берилган фитначи (шерик)дан қочсин. Аллома илм толибининг фаросати ўз устозига бўлган муносабатида ҳам намоён бўлишини уқтиради. Толибнинг фаросати устозга улуғлик келтиради, дейди: “Муаллимни улуғлашнинг жумласидан бири унинг олдига тушиб юрмагай, унинг ўрнида ўтирмагай. Муаллим олдида фақат унинг изни ила гап бошлагай... Кимнингки устози ундан озор топса, илмнинг баракасидан маҳрум қолади, илмида озгинагина фойда топади.”

Умуман олганда, ҳозир биз яшаётган давр кишисининг фаолияти юксак фаросатга эҳтиёж сезмоқда. Фаросат эндиликда ижтимоий-маънавий ҳаётнинг заруриятига айланиб улгурди.

Энди инсон гўзаллигини мукамаллаштирувчи яна бир муҳим тушунча – “фаҳм” ва унинг моҳияти билан боғлиқ масалаларга эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Аввало, “фаҳм” бевосита ва билвосита эстетика илмида ўрғаниладиган, эстетика фани қонуниятлари орқали таҳлил қилинадиган тушунча эканлигини унутмаслигимиз керак. Бу тушунча бошқа ижтимоий-гуманитар фан соҳаларида ҳозирга қадар “кўмакчи”, “ёрдамчи” вазифасини бажариб келади. Шунинг учун ҳам эстетикага доир рус тилидаги ёки бошқа адабиётларда бу тушунча “дид (вкус) ибораси билан изоҳланаверган. “Фаҳм”, “фаросат” тушунчаларининг мазмун-моҳияти борасида мустақиллик давригача ҳеч бир илмий манбада бирор жўяли фикр айтилмаган. Ваҳоланки, Ислом эстетик тафаккури эстетик тарбия жараёнини “Фаҳм + Фаросат = Дид” шаклида ўрганеди.

Бундан ташқари, фаҳм – ақлий қобилиятнинг натижаси: у ақлга мос ҳолат, ҳодиса, жараён туфайли рўёбга чиқади. Ақлга номувофик ёки оқилоналикка зид ҳолатда бўлиш эса бефаҳмликдан далолатдир. Бефаҳмлар тўғрени нотўғридан, ҳаромни ҳалолдан, гўзалликни хунукликдан ажрата олмаганлари боис қилган ишларининг оқибати ҳайрли бўлмайди. Юқорида зикр қилинган оятдаги “Улар фаҳмламайдиган қавм бўлганлари учун, Аллоҳ қалбларини буриб қўйди” деган ҳикматнинг эстетик мазмуни ана шу.

Фаҳм билан боғлиқ яна бир хусусият ҳақида шуни таъкидлаш зарурки, нафосатшунос олим Абдулла Шер эстетик дид тушунчасининг ўзига хос жиҳатини идрок, фаҳм, фаросат каби илдизи ақлга бориб тақаладиган тушунчалар билан боғлайди: фаҳм-ақлий, фаросат-ахлоқий, дид-эстетик қобилиятни юзага чиқаради, - деган фикрни билдиради. Уччала қобилиятнинг ибтидоси, табиий-туғмаликка бориб тақалса-да, улар ўзларини асосан тарбия, ижтимоий муносабатлар орқали рўёбга чиқаради. Айниқса, эстетик дид мураккаб тарбия жараёнини тақазо этади. Чунки у ҳам ақлий, ҳам ахлоқий, ҳам ҳиссий тарбия уйғунлашган умумийлик-

дан иборатдир.<sup>1</sup>

Гарчанд, фаҳм “кўз илғамас” тушунча бўлса-да, эътиқод ва эътиқодсизлик, тарбиялилиқ ва тарбиясизлик ҳолатларини баҳолашда кўзга яққол ташланади. Шу маънода, таълимни тарбиядан ажратиб бўлмагани каби эстетика илмини ҳам таълимдан, хусусан олий таълим тизимидан ажратиб бўлмайди. Аксинча, таълим олувчиларда эстетик дунёқарашни бойитиш пировардида унинг етук мутахассис бўлиб етишишига хизмат қилади.

Эстетик диднинг ўзига хослиги шундаки, у идрок, фаҳм, фаросат каби тушунчалар орқали инсон акли ва тафаккурининг маҳсулига дахлдор бўлса, иккинчи жиҳати билан эстетик дид нарса-ҳодисани субъектив баҳолаш хусусияти билан улардан ажралиб туради. Шу сабабли биз дид ҳақида гапирганимизда одатда, эстетик дидни – инсондаги гўзаллик, улуғворлик, фожеавийлик сингари эстетик хусусиятларни, умуман, нафосатни идрок этиш қобилиятини назарда тутамиз. Зотан фаҳм, фаросат ва дид билан қилинган иш киши кайфиятини кўтаради ва инсонни гўзаллаштиради, бефаҳмлиқ, бефаросатлилиқ ва дидсизлик билан муносабатда бўлинган иш эса инсон кўнглини ранжитади, шижоатини сусайтиради. Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” қиссасида тасвирланган манабу манзарага дидингиз нуқтаи-назаридан ўзингиз баҳо бериб кўрингчи! Ўйлаймизки, бундай ҳолат албатта, сизнинг дидингизга ҳам мос келмайди. “... Қаландаров югурдагини “Эшон ҳой!” деб чақирганда Саида қанчалик хурсанд бўлган бўлса, ҳужрани кўриб таъби тирриқ бўлди: полсиз, қоронғи, сурпурги билан окланган, зах хиди анқиб турган бир кулба. Унинг бутун жиҳози шолкўрпа тўшалган оддий темир каравот, устига алланима тўкилиб қотиб қолган кўпол стол, иккита табуретка; деворларига қоқилган “сурат-пурат” каттакон безгак пашша, гўзани нобуд қиладиган ҳар хил ҳашаротлар, зотли чўчка тасвири сингари турли плакатлардан иборат эди.”<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Абдулла Шер. Эстетика /Дарслик. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги МИУ, 2014.

<sup>2</sup> Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 6 томлик. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти. 1967. 2.Т. -169 б.



Эстетик англаш тузилмасида эстетик диднинг ўрнига доир фикрларида Абдулла Шер дид ягона, мутлақ эстетик ҳодиса эмаслиги, у ҳам муайян нисбийлик табиатига эгаллигини таъкидлаб, унинг тўрт хил даражаси ҳақида фикр юритиш мумкинлигига эътиборни қаратади. Бу даражалар одамларнинг маъқеи, савияси, маданийлик тоифаси билан боғлиқ. Биринчиси, эстетик объектни қандай бўлса, шундайлигича идрок этади (ким нимани зўр деса шунга қўшилиб кетаверади). Иккинчиси, унинг акси – нафосатни завқланиш учун эмас, балки ўзининг бошқалардан маданиятлигини, ўқимишлилигини кўрсатиш учун бир восита деб биледи. Учинчиси, бежамадорликдан, ярақлаб турадиган нарса-ҳодисалардан ҳайратланадиган, модапараст дид эгаси. Тўртинчиси, миллий ва умумбашарий эстетик кадриятлардан завқланадиган, уларни, баҳолай оладиган, бадий соддаликни англай биладиган кишилар диди, деб атайди.

Чунончи, “Биринчи хилдаги дид, - дейди Абдулла Шер - эстетик объектни фақат ҳодиса тарзида қабул қилиб, унинг моҳиятини бутунлай англамайдиган, жўн ҳиссиётга асосланган дид; иккинчиси, моҳиятни ҳодисадан ажратиб олиб, уни «кавлаштираверадиган», ўта мураккаблаштирадиган, фақат интеллект билан, ақл билан иш кўрадиган дид; учинчиси, ўта ялтироқликни, ёқтирадиган ҳар бир янгиликни кадрият сифатида қабул қиладиган бачкана дид. Тўртинчиси, ҳодиса билан моҳиятни яхлитлик тарзида идрок этадиган, ҳиссий-интеллектуал ёндашувнинг уйғунлигига асосланган дид. Ана шу тўртинчи хил дидни ҳақиқий юксак эстетик дид, дейиш мумкин.”<sup>1</sup>

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, эстетик дид масаласи шахс, жамият ва миллат маданияти учун катта аҳамиятга эга экани равшан бўлиб турибди. Шу сабабли эстетик дид тарбияси ҳар доим ҳам муҳим аҳамият касб этиб келган. Айниқса, мустамлака ботқоғидан чиққан ҳалқимизнинг тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳонга росмана чиқиши учун эстетик дид тарбияси алоҳида долзарбликка эга. Биз қураётган эркин фуқаролик жа-

<sup>1</sup> Қаранг: Абдулла Шер. Эстетика /Маърузалар матни. –Тошкент. ЎзМУ. 2008. -267 б.

мияти ва унда ҳар бир шахснинг юксак эстетик дидга эришиши замон талабидир. Чунки фақат юксак эстетик дид эгасигина ҳақиқий эркин фикрлаш салоҳиятига, дунёни, Ватанни, ҳаётни гўзаллик призмаси орқали кўра билиш қобилиятига эга бўла олади.

Эстетик дид мураккаб ҳиссий-интеллектуал ҳодиса, у ақлнинг маҳсули. Бироқ, одам эстетик дидга эга бўлмай туриб ҳам жамият ижтимоий муносабатларида иштирок этади. Бироқ, эстетик идеалсиз (биз бу борада гўзаллик идеалини назарда тутаяпмиз - Ҳ.Б.) яшай олмайди, чунки ҳар қандай идеалнинг асосида муайян мақсад ётади. Инсоннинг эстетик идеалларсиз яшаши пировардида унинг камолотига салбий таъсир кўрсатади. Эстетик дид ҳам худди ана шундай тамойилга асосланади. Бироқ, *дидсизлик фожиа эмас, аксинча, юксак дидлар устидан ҳукмронлик қилувчи тўпос дидгина дидлиларга фожиа олиб келади* (курсив бизники). Зотан, шахсий манфаат йўлида юксак гўзалликлардан онгли тарзда воз кечиш натижасида юзага келган фожиаларга тарих шоҳиддир.

Биз юқорида инсонларнинг гўзаллик ҳақидаги қарашлари нисбий бўлиб, улар вақт ўтиши билан ўзгариб боради, деган фикрни билдирган эдик. Шундай экан, инсон гўзаллигининг мезонлари сифатида кўриб ўтганларимиз эстетик идеал ва эстетик дид гарчанд ақлга асосланган ҳолда ривожлансада, даврлар ўтиши билан ўзгаради. Бироқ, шу давр ичида инсоннинг гўзаллик ҳақидаги тасаввурларини бойитишга, унинг ўзини гўзал қилишга кўмак беради. Зеро, идеалларсиз яшайдиган шахсни ҳам, диди тарбияланмаган кишини ҳам чиройли инсон сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу маънода асосан эстетик идеал ва эстетик дид инсон гўзаллигининг такомиллашувида ўзига хос аҳамият касб этади.

Аксарият ҳолларда инсоннинг ташқи гўзаллигига нисбатан юзаки муносабат билдирилади; ташқи гўзаллик шахснинг чинакам «Мен»ини намоён қилишига тўсқинлик қилувчи, ўткинчи ҳодиса сифатида қаралади. Жумладан, қадимги хинд ҳикматномаси «Калила ва Димна»да ёшларнинг гўзаллиги дунёда ўткинчи

бўлган нарсалар сирасига киритилса,<sup>1</sup> XX аср турк мутасаввиф алломаси Муҳаммад Зоҳид Қутқу эса «Тасаввуф ахлоқи» номли асарида «Шубҳасизки, кўнгил гўзаллиги, вужуд гўзаллигидан бағоят аъло ва афзалдир.»<sup>2</sup>-деб уқтиради. Кўркем хулқнинг гўзал юз фазилатига нисбатан устуворлигини мазкур фикрлар орқали билиб олиш қийин эмас.

Аммо, бу фикрлар бир оз баҳсли. Чунки, инсоннинг ташқи гўзаллиги муайян ҳолатларда шахснинг ўзигагина эмас, балки бошқаларнинг фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу борада буюк донишманд Ғиёсиддин Абулфатх Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнама» асарида баён этилган мана бу фикрлар диққатга сазовордир: «Гўзаллик барча тилларда васф этилади ва ҳар қандай ақлга хуш келади. Дунёда яхши нарсалар кўп, уларни кўриб баҳраманд бўлиш одамларни шод этади ва табиатларини покиза қилади, аммо ҳеч нарса гўзал юз ўрнини боса олмайди, чунки гўзал юз шундай қувонч бахш этадики, бошқа ҳеч қандай қувонч унга тенг келолмайди. Айтадиларки, гўзал юз дунёга саодат сабабчисидир. Агар гўзал юз яна яхши хулқ билан уйғунлашса, бахт-саодатнинг энг юқори даражаси бўлади. Агар одам ҳам ташқи кўринишдан, ҳам табиати билан яхши бўлса, Худо ва одамлар учун севимлидир. Гўзал юз тўрт фазилатга эгадир. Улардан бири шуки, гўзал юз уни кўрган одамнинг шу кунини хайрли этади, иккинчиси, ҳаётдан баҳраманд бўлиш онларини ширин қилади, учинчиси, у одамни очик кўнгилли ва олижаноб этади, тўртинчиси бойликни кўпайтиради ва юқори мансаб ато қилади».<sup>3</sup> Алломанинг мазкур фикри инсоннинг зоҳирий гўзаллигига доир мавжуд баҳсларга ойдинлик киритади.

Маълумки, қалбнинг мойиллиги жамол мушоҳадасининг натижасидир. Яъни, инсон нарсаларнинг зоҳирий гўзаллигини ботиний гўзалликка нисбатан биринчи бўлиб пайқайди. У аввало, кўриниб турган гўзалликни ҳис қилади, сўнгра унинг моҳиятига муурожаат этади. Шу боис ташқи гўзалликни муайян объект ёки

<sup>1</sup> Қаранг: Калила ва Димна.-Тошкент:Истиклол. 1994. -129 б.

<sup>2</sup> Qutqu Muhammad Zohid. Tasavvufi ahlak. - Kirilay-Ankara. SEHA. 1981. -154 б.

<sup>3</sup> Умар Ҳайём. Наврўзнама.-Тошкент:Меҳнат. 1990.-54 б.

субъект ҳақида дастлабки тасаввурни пайдо қилувчи бирламчи асос, дейиш мумкин. Мазкур фикр ўз навбатида инсон гўзаллигига ҳам дахлдор. Бироқ, чиройли хусн инсон ташқи гўзаллигининг баркамол бўлишига кифоя қилмайди. Унинг такомиллашувига кўмак берадиган муайян асослар мавжуд. Булар сирасига ораста кийиниш, ўзгаларга латиф сўзлар билан муомала қилиш, покиза-озода ҳолда юриш кабилар кирази. Улар нафақат шахснинг ўзига, айти пайтда бошқаларга ҳам кўтаринки кайфият бағишлайди, ҳатто юзага келиши кузатилган низоларнинг олдини олади ҳам. Ҳадисларда эса янги кийим кийган шахсни дуо қилиш кераклиги уқтирилади.<sup>1</sup>

Бир сўз билан айтганда, ташқи кўриниш инсон гўзаллигининг мукамаллашувида муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, хунук ҳолатлар гўзал юз фазилатларининг такомиллашувига зарар келтиради. Бундай ҳолатларнинг юзага келишига ташқи таъсирдан кўра, афсуски, кўпроқ инсоннинг ўзи сабабчи бўлиб қолади.

### Ахлоқ гўзаллиги

Мулоҳазаларимизни инсон хулқининг гўзаллиги ҳақидаги фикрлар билан давом эттирамиз.

Маълумки, энг қадимги замонларда инсон моҳиятини англашга интилиш ҳақидаги илк тасаввурлар космологик ёндашув билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Кейинчалик юзага келган антропологик қарашлар инсонни ўрганиш учун эътиборни аввало, унинг ўзига, амалий ҳатти-ҳаракатига ва ахлоқийлигига қаратди. Натижада фанда инсонни биологик, физиологик ҳамда ижтимоий моҳият сифатида ўрганишга доир назариялар, ғоялар, қарашлар юзага келди.

Инсоннинг ахлоқ ва нафосатга муносабати унинг ички (ботиний) туйғуларига, қалб кечинмаларига боғлиқ бўлиб, бу кечинмалар, одатда инсон фаолиятидаги яхши аъмолларига қараб – *фазилатлар* деб аталади.

<sup>1</sup> Қаранг: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис (Аль жомиъ ас-сахих). 4 томлик. -Тошкент:Қомуслар Бош таҳририяти. 1997. Т.4. -53 б.

Арасту “Катга ахлоқ китоби”да фазилат ҳақида фикр юритиб, уни пайдо бўлиши, шаклланишига доир қимматли фикрларни баён этади ва фазилатни фақатгина назарий жиҳатдан билиш бефойда эканлигини таъкидлайди. Фазилат ҳақида қатор файласуфлар билан баҳсга киришар экан, фазилатни Пифагор рақамлар қаторида кўриб чиққанлигини, Сукрот уни билим (илм)га тенглаштирганлигини, Афлотун эса фазилатни ўзининг олий неъмат ҳақидаги таълимоти билан аралаштириб юборганлигини Арасту нотўғри, деб ҳисоблайди. Чунки фазилат - доимий кўпайиб борадиган рақам эмас, у илмга тенглашса руҳнинг ақлий қувватдан бошқа қувватини, жумладан, эҳтирос (пафос) ва феъл-атвори йўққа чиқаради. Борлиқ ва ҳақиқат ҳақида фикр юритганда фазилатни аралаштирмаслик керак, чунки борлиқ ва ҳақиқат фазилатга боғлиқ эмас, шу боис фазилатларни фазилат сифатида ўзлаштириш кераклигини уқтиради.

Арасту ҳаёт неъматларининг уч хилини кўрсатиб ўтар экан, уларни фазилат билан қиёслайди. Биринчи хил неъматлар – қадрли, иккинчи хили – мақтовли, учинчиси – имкон берувчи неъматлардир. Чунончи, у “Қадрли неъматлар деб мен руҳ, ақл, жавҳари асл, табиий, туғма истеъдод кабиларни айтаман. Булар доимо қадрланадиган, барча учун шарафли бўлган (азиз ва шараф) неъматлардир. Фазл, фазилатлардан ҳам қадрлидир, чунки инсон улар туфайли муносиб, етук бўлади. Инсон фазилатлари туфайли гўзал (маънавий) қиёфага эга бўлади. Мақтовли неъматлар ҳам ўша фазилатларнинг мақтовга сазоворларидир. Имконият берувчи неъматлар – ҳокимият, бойлик, куч-қувват, гўзаллик ва бошқалардир. ... Неъматлар кўнгилда бўлиши мумкин – булар фазилатлардир. Ёки инсон танасида бўлиши мумкин – булар: соғлиқ ва гўзаллик. Неъматлар инсон кўнглидан ҳам, танасидан ҳам ташқарида бўлиши мумкин – булар: бойлик, ҳокимият, обрў-мартаба ва ҳоказолар. Энг олий неъматлар – инсон кўнглидагиси бўлиб, улар уч турга бўлинади: оқиллик, гўзал хулқ (ёки нодир фазилат) ва руҳий лаззат.”<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Арасту. Поэтика. Ахлоқи Кабир /Маҳкам Маҳмуд таржимаси. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2004. – Б. 101-104.

Арасту томонидан тақдим этилган мазкур таснифнинг моҳияти шундаки, бу неъматлар яхшилик қилишга имкон беради, ёмонлик қилишга эса шароит яратади. Бироқ, бу имкондан яхши одамлар эзгу ишлар учун, ёмонлар эса ёвузлик қилиш учун фойдаланадилар.

Фазилатнинг инсон гўзаллиги учун аҳамияти шундаки, инсон кўнгилдаги фазилатлар шарофати билан гўзал яшайди, гўзал фазилатларга амал қилиб яшагандагина инсон бахт-саодатни ва олий гўзалликни қўлга киритади. Бир сўз билан айтганда, фазилат – инсонни гўзал қилади, гўзаллаштиради. Бундан ташқари, фазилатлар инсонни ижтимоий моҳият сифатида улуғланишга лойиқ зот эканлигини кўрсатса, иллатлар инсон айрим қусурлари билан ҳайвоний табиатга мансублигидан далолат беради. Бу борада тасаввуфдаги “Мавлавия” тариқати намоёндаси Мавлоно Жалолиддин Румийнинг инсон ва унинг моҳиятига доир фикрлари диққатга сазовор.

Румий жамики «яратиклар»ни уч қисмга бўлади. Биринчиси - малаклар; улар фақат ақл эгаларидир. Парвардигорга ибодат қилиш, Унга қўл бўлиш ва Уни доимо зикр қилиш уларнинг табиатида мавжуд. Иккинчиси - ҳайвонлар; уларда шахвонийлик кучли бўлиб, уларни ёмонликдан қайтарувчи ақллари йўқ. Учинчиси - инсон. Инсон юқоридаги икки яратикликнинг хусусиятларини, яъни, ақл ва шахватни мужассам қилган заволли зот. Инсон Румийнинг наздида малаклар ва ҳайвонлардан устун. Сабаби, инсонда икки яратикликда мавжуд бўлмаган ихтиёр эркинлиги бор. Айтиш лозимки, айнан ана шу ихтиёр экинлиги сабаб инсон фазилат ва иллат эгасидир. Негаки, Малаклар ақл эгалари бўлсалар-да, ўз хохишларича бирор-бир фаолиятни амалга ошира олмайдилар; улар фақат Худонинг бўйругинигина бажарадилар. Ҳайвонлар ўз фаолиятини ақл билан бошқаришдан кўра, кўпроқ, майллар (инстинктлар), шартли ва шартсиз рефлекслар орқали амалга оширади. Инсон эса ихтиёр эркинлиги ёрдамида гоҳ малакларга, гоҳида ҳайвонга тенглашади. Инсон икки қутбдан иборат: шахват кўзғотувчи нарсалар унинг ҳайвонлик тарафининг озуқаси бўлса, инсонлик тарафининг озуқаси эса – билим ва ақлдор.

Инсон моҳиятидаги ушбу хусусиятларни инобатга олиб, Мавлоно Жалолоддин Румий шундай дейди; «Инсон гапирувчи ҳайвондир» Унинг хусусияти ҳайвонликдан ва гапиришдан иборат. Ҳайвонлик унда доимийдир, айрилмасдир. Сўз ҳам шундоқ. Инсон кўринишдан ҳеч нарса демаса ҳам, ичида ҳамиша гапиради. Бу ҳол гўё лой қоришган сув тошқинига ўхшайди. Тошқиннинг тоза суви инсоннинг сўзи (нутқи), балчиғи эса ҳайвонлигидир. Бироқ, балчиқ унда ўткинчи бўлиб, вақт келиб улардан асар ҳам қолмайди. Яхши ёки ёмон бўлишига қарамай сўзлар, ҳикоялар ва билимлар қолади».<sup>1</sup>

Жалолоддин Румийнинг инсон моҳиятига доир фикрлари аччиқ бўлса-да, аммо айна ҳақиқатдир. Чунки, инсон моҳияти жисми сингари фақат кўришиб тургувчи эмаски, уни бир қарашда фазилят ёки иллат эгасига ажратиш мумкин бўлса. Аксинча, вужуд, ақл, руҳ инсон моҳиятини белгиловчи хусусиятларидан ҳисобланади. Фақатгина жисмоний мукамалликнинг ўзи ёки ақлий салоҳият инсон камолоти учун етарли эмас. Унинг тўлақонли яшаши учун ҳар иккала камолот уйғун бўлиши зарур. Бироқ, бундай уйғунликка осонликча эришиб бўлмайди, аксинча буларга инсон муайян ҳаракатлар, машаққатлар, изтироблар, турли хил фаолиятлар орқали эришади.

Инсон ўз борлиғи ёрдамида чинакам лаззатга интилувчи ақл, ихтиёр, туйғу соҳибидир. У ўз мақсадига чинакам ҳақиқатни англаш, муҳаббатга тўғри муносабатда бўлиш, реал воқеликни ўзлаштириш йўллари орқали эришади. Ҳар бир рисоладагидек одам ёвузлик билан курашишга, ўзидаги мавжуд иллатларни бартараф қилишга, туйғу ва эҳтиросларини жиловлашга ҳаракат қилади; гўзалликни чинакамига севишга, ҳақиқатни ўз кўзи билан кўришга, ақли билан мушоҳада қилишга, уни чин қалбдан улуғлашга интилади. Шундай бир ботиний истак мавжудки, у инсонни турли хил йўллар орқали ўз «мен»и қобигидан чиқишга ундайди. Бироқ, инсон қайси бир йўлни танламасин мақсад битта - ҳақиқатга интилиш, гўзалликни англаш ва яратиш, хатти-ҳаракат ва хулқ гўзаллиги воситасида ҳаётнинг ранг-баранг томонларини уйғун-

<sup>1</sup> Румий Жалолоддин. Ичингдаги ичингдадир.-Тошкент: Ёзувчи. 1997. -73 б.

ликда идрок этишдан иборат.

Арасту инсон гўзаллигини фазилат орқали, Мавлоно Жалолдин Румий аъмол ва хатти-ҳаракат орқали изоҳладилар ва бу билан ахлоқ, аввало, маънавий ҳодиса сифатида инсон камолотида муҳим аҳамиятга эга эканлигини исботладилар. Шу маънода, ахлоқ ва унинг ижтимоий мазмуни масаласида академик Э.Ю.суповнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: “Ахлоқ инсоннинг конкрет шароитларда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга мустақил баҳо бериши, уларга нисбатан ўз муносабатини билдириши ҳамдир, - дейди. - Умуман, ахлоқ ижтимоий муносабатлар заминида алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлган инсонларнинг ўз-ўзини идора қилиш шакллари ва меъёри, ўзаро мулоқот ва муносабатда уларга хос бўлган маънавий камолот даражасининг намоён бўлишидир. Ахлоқ йўқ жойда инсон ижтимоий шахс сифатида шаклланмайди. Фақат етук ахлоқ заминидagina кишиларда ҳаётнинг мазмуни ва мақсади, жамият олдидаги бурчи ва масъулияти, бахт, диёнат, яхшилик ва ёмонлик, ёвузлик, ҳақлилиқ ва ноҳақликка нисбатан муайян муносабат шаклланади”.<sup>1</sup>

Ахлоқ инсон гўзаллигининг мезонини, хулқ эса сифатини белгилайди. Хулқ одатда икки кўринишда намоён бўлади. Биринчиси - яхши, чиройли хулқлар. Бунга ифбатлилиқ, ориятлилиқ, сабрлилиқ, нафсни тийишлиқ, виждонийлик, интизомлилиқ каби ижобий сифатлар киради. Булар инсонни ҳам ахлоқли, ҳам гўзал қилади. Иккинчиси - ёмон, хунук хулқлар. Бунга худбинлик, ҳасадгўйлик, иккиюзламачилиқ, кўролмаслик, баҳиллик, баднафслиқ, дилозорлик, андишасизлик, беҳаёлик сингари иллатлар киради. Булар инсонни ёмонлаштиради, маънавиятини саёзлаштиради. Бу борада маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний: “ёмон хулқларнинг фаноликларини, яхши хулқларнинг гўзаллигини инсоф мувозанаси ила ўлчаб, виждон муҳокамаси ила таҳқиқлаб, яхшиларини тинглаб амал қилмақ, ёмонларини англаб, ҳазар қилмақ, лозимдур. Зероки, инсоннинг иззати, дунёнинг лаззати яхши сўзларни эшитиб ва кўруб ҳисса олмақ, ёмон ва зарарликларини ўқуб, билуб,

<sup>1</sup> Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари.-Тошкент: Университет. 1998. -38 б.



Ўзини тиймак, қўлдан келганча халқ ва миллат фойдасига тиртишмак ва бу фано дунёдан яхшилик отини олуб кетмакдадур”.<sup>1</sup> Бу фикрлардан хулқ инсон гўзаллигини баҳолаш функцияси эга эканлигини англаш қийин эмас Хулқ ёрдамида инсон фазилатлига ҳам баҳо берилади.. Бундан ташқари, хулқ инсон гўзаллаштирувчи омил ҳамдир. Бирок, инсонни гўзаллаштиришда хулқнинг ўзи кифоя қилмайди. Ахлоқ илмида шундай мезоний тушунчалар борки, улар бевосита ва билвосита инсоний гўзалликни такомиллаштиради. Муҳаббат ана шу тушунчаларнинг ибтидосидир.

Муҳаббат билишнинг маҳсули бўлиб, инсон билган, англаган нарсасига муҳаббат қўяди, ундан эстетик завқ олади. Гўзаллик каби муҳаббатнинг моҳиятини ҳам эстетик завқ ташкил этади. Шунинг учун муҳаббат гўзаллик баробарида улуғланади. Ахлоқ фалсафасида муҳаббат мезоний тушунчаси Ватанга, Оллоҳга, ёрга, устозларга, ўзига нисбатан яхшилик қилган одамларга, ўз камолотини таъминловчи нарсалар (буюмлар)га нисбатан қўлланилади. Бундай муҳаббат ўзининг шахвоний ҳирсини, ғайри-ахлоқий истакларини қондирувчи лаззатга асосланган “муҳаббат”дан фарқ қилади. Бу фарқ муҳаббатнинг объекти ва субъектига нисбатан ахлоқийлик билан йўғрилганлигида намоён бўлади. Муҳаббатга юксак ахлоқий мезонлар асосида ёндашилса унинг инсоний гўзаллик учун ғоятда долзарб бўлган тушунча эканлиги яққол намоён бўлади.

Инсон гўзаллигини муҳаббат билан бир қаторда эзгулик ҳам такомиллаштиради. Эзгулик - ижтимоий хусусият касб этувчи ахлоқий фазилат бўлиб, юксак ахлоқий тамойиллар даражасини белгилайдиган ҳамда моҳиятан асосан ижобийликка дахлдор бўлган тушунча. Бирок, у яхшилик тушунчасига нисбатан кенг қамровли ва ундан фарқли ўлароқ ҳеч қачон ёвузликка айланмайдиган ахлоқий ҳодисадир (*Бу алоҳида баҳс мавзуси – Ҳ.Б.*).

Шу ўринда эътиборни адабиётшунос Абдулла Улуговнинг «Дунёни эзгулик қутқаради» номли мақоласида илгари сурилган фикр-мулоҳазаларга қаратмоқчиман. Муаллиф ўз мақоласида

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик..Тошкент:Маънавият. 1998. 2-жилд. -40 б.

улуғ рус адиби Фёдор Достоевскийнинг «Телба» романидаги князь Мишкин тилидан айтилган «Гўзаллик дунёни кутқаради» деган фикрининг моҳиятини таҳлил қилади. Қисқаси, мақолада муаллиф дунёни фақат гўзаллик орқали кутқариб бўлмаслигини, дунёнинг тақдири гўзалликка эмас, балки инсоннинг қалбига боғлиқ эканлигини ўзининг мулоҳазалари орқали исботлашга ҳаркат қилган. Мақолада табиатнинг кўркем кўринишлари, одамларнинг чиройли юз-кўзлари, либосу уй-жойлари заминнинг қисмат тақдирига таъсир қила оладими? Улар фиску фасод, ҳасад, игво гирдобиди қолган дунёни бу чоҳдан кутқара оладими? Турли-туман гуллар, шўх-шўх сайрайдиган кушлар қабоҳатни қайтара оладими? Ёки «гулчеҳра» киёфалар шундай қудратга эгами?» - деган саволларни қўйиб муаллиф уларга қатъий «йўқ» деб жавоб қайтаради. Унингча, «Чаман-чаман гуллар ёки осмонўпар тоғлар ўзича тубанлик ботқоғига ботган дунё тақдирини ўзгартирмайди. Бу чоҳдан дунёни фақат покиза қалб кутқара олади. Негаки, у қалбдан чиққан риё туфайли қабоҳатга кўмилган».<sup>1</sup>

Биз ҳам мазкур фикрни қувватлаймиз. Бироқ, “дунёни кутқариш масаласи”да бирини иккинчисидан устун қўйиш эмас, балки дунёни кутқаришда гўзаллик ва эзгулик баб-баробар хизмат қилади, дейиш тўғри бўлади. Шундай бўлсада, гўзаллик эзгуликка нисбатан кенг қамровли тушунча эканлигини унутмаслик керак. Чунки:

А). Гўзаллик табиатда, жамиятда ва инсоний муносабатларда ҳам намоён бўлади. Эзгулик эса фақат инсоний муносабатлар орқали юзага келади.

Б). Гўзаллик моҳиятан инсоннинг ҳам зоҳирий (ташки), ҳам ботиний (ички) моҳиятига тегишли. Эзгулик эса инсоннинг фақат ботиний моҳиятида кўринади, намоён бўлади.

В). Гўзаллик бирор-бир ҳаракатсиз ёхуд аксинча, муайян хатти-ҳаракат, фаолият натижасида юзага келади. Ҳаракатсиз гўзаллик кўпроқ табиатдаги гўзалликка дахлдор бўлса, ҳаракат орқали намоён бўладиган гўзаллик эса инсонга хосдир. Тоғлар, чаманзорлар, боғу-роғлар тургун, бирор-бир ҳаракатсиз ҳам гўзаллик-

<sup>1</sup> Улугов А. Дунёни эзгулик кутқаради. //Жаҳон адабиёти. 2000. № 3. -74 б.

ни тараннум этиши мумкин. Бундай гўзалликлар одатда, кишининг кўзини қувонтиради, туйғуларига таскин беради.

Шу боис гўзалликни фақат кўзга кўринувчи нарсалар олами сифатида талқин қилиш тўғри эмас. Инсон гўзаллиги эзгуликка йўғрилган ҳатти-ҳаракатлар орқалигина намоён эттира олади. Зеро, эзгуликни амалга ошириш фақат инсон учун хос ва унинг зиммасидаги масъулиятдир. Бундай масъулият инсондан бошқа бирор-бир мавжудотга юкланган эмас, бу вазифани фақат ва фақат инсон бажара олади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, эзгулик бу-ахлоқнинг ижтимоийлик хусусиятига эга бўлган, фақат ижобий маъно касб этадиган ўз-ўзича, тургун тарзда вужудга келмайдиган, аксинча, инсоннинг ижобий ҳатти-ҳаракатлари, фаолиятлари натижасида рўёбга чиқадиган ҳодисадир. Ана шу ҳодисани рўёбга чиқарувчиси ҳам эзгулик соҳиби бўлган инсон ҳисобланади.

Тўғри, чиройли чехралар, хушманзара боғлар, кўркама масканлар табиат фалокатларига қаршилиқ кўрсатолмаслиги мумкин. Бироқ, улар инсонда қабоҳат, разиллик, тубанликнинг юзага келишига изн бермайди. Токи, инсон гўзалликка манфаатпарастлик, хирсни қондирувчи восита сифатида қарамасагина бундай салбий ҳодисалар ҳеч қачон юзага келмайди. Биз гўзалликни эзгулик билан айнанлашуви мана шундай ҳолатлар орқали юз беради, деб ҳисоблаймиз. Гўзалликни эзгуликдан ажратиб қўйиш, айниқса, инсоний муносабатларда гўзаллик масаласига эътиборсиз бўлиш унинг моҳиятини бир томонлама талқин қилиш ижобий натижа бермайди.

Эзгуликнинг гўзаллик билан уйғунлиги ҳақида маънавий кадриятларимизда қатор фикрлар учрайди. Жумладан, «Авесто»да инсоний гўзаллик уч муҳим асос – “эзгу фикр”, “эзгу сўз”, “эзгу амал” билан изоҳланади. Зардуштийлик таълимотининг ахлоқий-эстетик мазмунини англатувчи ушбу уч асос инсон хулқий гўзаллигининг моҳияти ва инсонни камолотга етишувининг муҳим омиллари ҳамдир. Бу борада “Авесто”да Ахура-Мазда дунёга ҳақиқат, гўзаллик ва эзгуликни ўрнатиш учун келган Илоҳ сифатида улуғланади. Буни «Аша алқови»дан ўрин олган қуйидаги мисраларда яққол кўриш мумкин:



*Кувонсин Ахура-Мазда-*

*Энг лойиқ ҳақнинг иродаси рўёбга чиқиб,*

*Ахриман даф бўлсин.*

*Эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу ишларни алқайман,*

*Ўзимни буткул эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амалларга бахшида  
этаман,*

*Қабиҳ ўй, ёмон сўз ва ёмон ишлардан тияман».<sup>1</sup>*

Айтиш керакки, мазкур фикрлар оддий фикр, оддий сўз, оддий амал эмас, балки тамоман хунукликдан, ёвузликдан холи бўлган эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амалдир. Бу ҳолат «Авесто»да жон ва тана тафсилоти билан боғлиқ бўлган XXII Яштда яққол кўринади. Яъни, инсонларнинг бу дунёда қилган эзгу амаллари, яхшиликлари, улугвор ишлари у дунёда гўзал рух тимсолида намоён бўлиши таъкидланади: «Ёруғ дунёда яхши амаллар қилган йигитнинг жони, руҳи гўзалдир. Йигитнинг руҳи қиз сиймосида «Мулойим эдим янада мулойимроқ қилдинг, чиройли эдим янада гўзал қилдинг, баландда эдим, эзгу фикрат, эзгу калом ва эзгу амаллар билан мени янада баландроқ кўтардинг» дейди...» Гуноҳкор жони ҳаёт чоғида кўрмаган хунук, бадбашара бир қизни учратади. «Эй қора юрак, захар тилли мунофиқ гуноҳкор,-дейди у,- мен қиз эмасман, сен ҳаётда қилган ёмон амалларингман. Яқин-узокдан келган мусофир одамларга бошпана берганда, меҳнат қилганда, хайр-садақа улашганда яхши одамларни камситиб, ҳақорат қилгансан, эшигингни ёпиб қўйгансан. Ҳаққоний ҳукм чиқарилганда, пора олинмаганда, тўғри гувоҳлик берилганда ва тўғри гапирганда сен кўриб туриб, адолатсизлик, ноҳақлик қилиб, ёлғон сўзлар айтгансан. Ол! Мен сен ўйлаган, айтган ва қилган ёмон фикрат, ёмон калом ва ёмон амалларингман. Номуссиз эдим, сен туфайли баттар оримни йўқотдим, жирканч эдим, янада нафратли бўлдим, шарманда эдим, баттар расво бўлдим».<sup>2</sup> Мазкур фикрларнинг инсон ҳулқини гўзаллаштиришдаги аҳамияти ҳозир ҳам камайган

<sup>1</sup> Авесто. Аша алкови // Соғлом авлод учун. 1996. №5-6. Б. 12-13.

<sup>2</sup> Қаранг: Маҳмудов Т. Авесто ҳақида.-Тошкент:«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. 2000.-35 б.

эмас. Бу ҳаётий ҳақиқатни файласуф Тилаб Маҳмудов қуйидаги фикрлари билан асослаган эди: “Заратуштра таълимотига қанчалик чуқур кириб борсак, унда инсон гўзаллиги қанчалик юксак ахлоқий-эстетик нуқтаи назардан талқин этилганлигини кўрамиз. Инсон фикри, сўзи ва иши билан гўзалдир, деган ғоя «Авесто»-нинг бошдан охиригача асосий фалсафий-эстетик ғоя бўлиб ўтади. Худди мана шу фазилатларнинг муштараклиги инсон қалби ва амалларининг гўзаллигини белгилайди».<sup>1</sup>

Фикр, сўз, амалнинг гўзал бўлиши барча умумжаҳоний динларнинг муқаддас китобларида улуғланади. Жумладан, “Инжил”даги “Матто баён этган муқаддас хушхабар”нинг 15-боби “Инсонни нима ҳаром қилади?” бўлимида муомала ва сўзнинг қудратига катта эътибор қаратилиб, унда оғиздан чиққан ҳар бир ножўя сўз ҳаромга тенглаштирилади: «Оғизга кирадиган ҳар бир нарса қоринга ўтиб, керак жойдан чиқиб кетишини ҳали ҳам тушунмадингизми? Бироқ, оғиздан чиқадиган нарсалар эса юракдан чиқади. Ана шулар инсонни ҳаром қилади. Ёмон фикрлар, қотиллик, фаҳшу зино ишлари, ўғрилик, сохта гувоҳлик ва ҳақоратлар бари юракдан чиқади. Ювилмаган кўллар билан овқат ейиш инсонни ҳаром қилмайди, ана шулар инсонни ҳаром қилади».<sup>2</sup>

Ислом динида ҳам чиройли амаллар, чиройли фикрлар ва чиройли сўзлар билан бир-бирига мурожаат қилувчилар Худонинг мағфиратли, меҳрибон бандалари сифатида эътироф этилади. Бу борада, эронлик олим Муҳаммад Тоқи Жаъфарий гўзалликни Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф ва қатор ислом анъаналарига асосланган ҳолда тадқиқ қилади, гўзалликнинг намоён бўлишини санъат, табиат ва меҳнат жараёнлари билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилади. Ўз қарашларини Қуръони Каримдаги гўзаллик билан боғлиқ оят ва суралар орқали исботлашга интилади. У Қуръон маънавий гўзалликка кўпроқ дахлдорлиги, гуноҳкор одам гўзалликдан маҳрум эканлигини уқтиради. Меҳнат қилиш, билим

<sup>1</sup> Маҳмудов Т. Авесто ҳақида.-Тошкент:«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. 2000.-41 б.

<sup>2</sup> Муқаддас китоб Инжил. Тавротдан. Мусо Пайгамбарнинг биринчи китоби. Ибтидо. Забур. -Стокгольм. (Швеция). Библияни таржима қилиш институти, 1992. -39 б.

олиш, юксак ахлоқийликка интилиш орқали инсоннинг ўзи ҳам гўзаллашиб боришини таъкидлайди.<sup>1</sup>

Дархақиқат, Куръони Каримда хулқий гўзалликка даъват этувчи кўплаб оятлар мавжуд. Жумладан, «Зумар» сурасининг 34, 35 оятларида гўзал амал қилувчиларга нисбатан: «Улар учун Парвардигорлари ҳузурида (яъни жаннатда) ўзлари хоҳлаган нарсалар бордир. Бу чиройли амал қилувчи кишиларнинг мукофотидир. ... Зеро, Оллоҳ уларнинг қилган ёмон амалларини ўчириб, қилиб ўтган энг чиройли амалларининг ажри билан мукофотлар»<sup>2</sup>, дейилса, «Моида» сурасининг 93-оятда эса «Оллоҳ чиройли амал қилувчиларни севади»<sup>3</sup>, дейилади. Динимизнинг Муқаддас китобида бу каби оятлар жуда кўп. Чунончи, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари оятлардаги бундай таъкидларни тавсир қилганлари ҳолда “Бақара” сурасидаги “137. Агар сиз иймон келтирганга ўхшаган иймон келтирсалар батаҳқиқ, ҳидоят топарлар. Ва агар юз ўгирсалар бас, албатта улар хилофдан бошқа нарсада бўлмаслар. Аллоҳ сенга улар (ёмонлиги)дан кифоя қилур. Ва У эшитувчи, билувчи Зотдир” деган оятни “Мўмин-мусулмон инсон ўз эътиқодида мустаҳкам турганидан Аллоҳ юборган ҳаққа ноил бўлганидан фархрланмоғи, Аллоҳ, мўмин бандаларига мувофиқ кўрган аломат ва белгилар ила ер юзида ажралиб юрмоғи лозим. Ахлоқнинг гўзаллигини, амалларнинг чиройлилигини кўрган кимса ҳайрат ичра ҳавас қилсин.”, деб тавсир қиладилар.<sup>4</sup> Бу эса Ислом динида айтилган сўз, ўйланган фикр, қилинган амал ахлоқийликка йўғрилгандагина инсоний гўзаллик эканлигидан далолат беради. Бундан ташқари, Ислом дини қадриятларида инсоний гўзалликни белгиловчи мезонлар кенгқамровлиги билан аҳамиятлидир. Масалан: Қалбнинг гўзаллиги Аллоҳ таолодан кўркиш билан; Ақлнинг гўзаллиги илм билан; Рухнинг гўзаллиги шуқр билан; Тилнинг гўзаллиги

<sup>1</sup> Муҳаммад Токи Жаъфарий. Санъат ва гўзаллик Ислом нуқтаи назарида (форс тилида). Техрон. 1987. –162 б.

<sup>2</sup> Куръони Карим.-Тошкент: Чўлпон. 1992.-430 б.

<sup>3</sup> Шу китоб. –103 б.

<sup>4</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тавсири Ҳилол. 6 жузлик. – Тошкент: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. 2008. 1-жуз. -116 б.

зикр билан; Юзнинг гўзаллиги ибодат билан; Дилнинг гўзаллиги ҳасадни тарк этиш билан; Ташқи кўринишнинг гўзаллиги истиқомат билан; Хизматнинг гўзаллиги одоб билан; Сўзнинг гўзаллиги ростлиги билан белгиланади. Буларни барчасининг гўзаллиги Аллоҳнинг тавфиқи билан эканлиги уқтирилади.

Насронийлик ва Ислом дини муқаддас манбалари инсон камолоти учун гўзаллик ва эзгулик бирдек зарур. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги инсоний гўзалликни таъминлайди.

Эзгулик билан гўзаллик бир-бирига ҳамоҳанг тушунчалар эканлигини гарб файласуфларининг қарашларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, инглиз нафосатшуноси Л.Н.Скрантон ўзининг «Қадимги санъатларнинг эстетик жиҳатлари» номли китобида гўзалликни мифологик тафаккур билан боғлиқ тарзда тадқиқ қилди. Унинг фикрига кўра, гўзаллик эзгуликдан ажралмайдиган воқелик, инсон камолотида ҳар иккаласи бир-бири билан боғлиқ тарзда ривожланадиган тушунчалардир.<sup>1</sup> XX аср британия фалсафий тафаккурининг намоёниси Джорж Эдуард Мур эса эзгуликнинг моҳияти “табиий” ва “нотабиий” унсурлардан ташкил топганлиги, эзгуликка ахлоқий жиҳатдан баҳо беришнинг рационал маъзи инсонда ҳузурланиш ва завқланиш туйғуларини пайдо қилиши билан белгиланишини таъкидлайди: “Эзгулик – бу истак, хошиш ва қониқишдир”.<sup>2</sup>

Хулқ гўзаллигининг моҳиятида инсон ҳатти-ҳаракатининг сабаби бўлган ниятнинг аҳамияти катта. Зеро, Буюк муҳаддис Имом Бухорий ҳазратларининг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асарида баён этилган “Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ният қилган нарсаси берилади” деган ҳадис билан бошланишида жуда катта ҳикмат бор. Ният бу - инсонни фаолиятга, ҳаракатга ундовчи, бироқ, ҳақиқатга айланмаган ва айланиш эҳтимоли бўлган ахлоқий-эстетик кечинма. Айтиш лозимки, ният инсоннинг қалбида пайдо бўлиб, аста-секин ҳаракат орқали реалликка айланади. Ниятнинг реалликка айланиши учун инсонда аввало, истак, хошиш, мақсад бўлиши шарт. Чунки, киши ўйлаган

<sup>1</sup> Scranton R. L. Aesthetic Aspects of Ancient Art.-Chicago and London., 1994. 14.

<sup>2</sup> Moore G.E. Principia ethica. Cambridge. 1992. 31-73.

ҳар бир ниятига эришиши учун ўз олдига мақсад қўяди. Шунингдек, ният индивидуаллик хусусиятига эга. Шу жиҳатдан қараганда, ният ижобий ва салбий маънога эга бўлади. Ижобийлик касб этувчи ниятнинг асосида гўзалликка муҳаббат, эзгуликка эътиқод ётади. Аксинча, салбий мазмундаги ният моҳиятан ёвузликка дахлдордир. Шу боис инсоннинг ориятли, номусли экани унинг қилган қилмишлари билангина эмас, балки, кўнглидаги нияти қандайлигига қараб ҳам белгиланади. Зотан, нияти бузуқ кимсаларнинг қилган ишлари яхшилик бўлиб кўринса-да, моҳиятан ёвузликка йўналтирилган. Ниятнинг яхшилиги – ахлоқийликдан, ниятнинг гўзаллиги – нафосатлиликдан далолат эканлиги мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги хикматли даъватида ўз аксини топган: “Бу – ҳаёт синовларида тобланган, сўзида қатъий турадиган, ишнинг кўзини биладиган, меҳнаткаш, мард ва матонатли халқимиздир. Биз бугун кўп миллатли халқимизга, барчамизнинг умидимиз ва суянчимиз бўлган ёшларимизга ишониб, маррани катта олмоқдамиз. Азиз фарзандларимиз, набираларимиз бахтини, камолини ўйлаб, эл-юртимизнинг, халқимизнинг ёруғ келажагини кўзлаб, олдимизга улкан вазифалар қўймоқдамиз. Нияти улуғ халқнинг – иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Биз демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга – янги, юксак марралар сари борамиз.”<sup>1</sup>

Юқоридаги фикрларга асосланиб, айтишимиз мумкинки, сўз, фикр, ният, амал инсоннинг ахлоқий-эстетик фаолиятида ҳамда хулқий гўзалликка эришиш йўлидаги мақсад ва интилишларига асос бўладиган, инсонни тўғри фаолиятга ундайдиган маънавий омиллардир. Мазкур омиллар хусусийлик табиатига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида ҳолатларда хулқ гўзаллигининг муайн томонларини акс эттиради. Бироқ, инсоннинг ахлоқий-эстетик муносабатларида булар фақат бир-бири билан чамбарчас боғлангандагина чинакам гўзалликка айланади. Мазкур жараёни бошқаришни эса иймон “ўз зиммасига” олади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Шавкат. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –Б.



Иймонга фалсафий-ахлоқий тушунча сифатида муносабат билдириб, улуғ устоз академик Эркин Юсупов, - “Иймон шахснинг ўз эътиқодига таянган ҳолда бошқаларнинг нияти, қилмиш-қидирмишига, ўзининг ишларига, хатоларига муносабат билдиришидир”, деб айтган эди.<sup>1</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари эса ... (уларнинг иймон ҳақидаги фикрлари келтирилади) иймон илмий далиллар асосида шарҳлаб, илмни иймонга даъват этишини таъкидлайдилар.<sup>2</sup>

Дарҳақиқат, иймон ҳаётда тўғри йўл топишнинг мезони ҳисобланади. Иймон эътиқод асосида мустаҳкамланиб, инсоннинг жамиятдаги мавқеини, мақсад ва интилишларини белгилаб берувчи асосий маънавий омилга айланади. Шу боис, иймоннинг ҳоҳ диний ҳоҳ дунёвий талқини бўлсин улар моҳиятан инсонда ижобий фазилатларни шакллантиришга қаратилган бўлади. Зотан, сўз, фикр, ният ва қилинган чиройли амалларни ҳар икки талқиндаги иймон инкор этмайди. Аксинча, иймон кишиларнинг бир-бири билан чиройли сўзлар орқали муомала қилишга, чиройли фикрлар билан мақсадга интилишга, чиройли ният асосида яшашга ва уларни гўзал амал орқали мужассам қилишга даъват этади. Агар инсон чиройли сўзласа-ю иймони бўлмаса, иллат шуки бу - ёлғончиликка олиб келади; чиройли фикрларга эга бўлса-ю, иймонсиз бўлса, иллат шундаки, бу - иккиюзламачиликка олиб келади; чиройли ниятлар қилса-ю иймон бўлмаса, иллат шундаки, бу - боқимандаликка, дангасаликка олиб келади ва ҳоказо. Шундай экан, инсоннинг гўзал иймонга эришувида ҳамда иймон гўзаллигини мужассам қилишида хулқ асосий восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Маълумки, ҳар қандай жамият, давлат пойдеворининг мустаҳкамлиги маънавий ва моддий асосларга боғлиқ. Бироқ, давлатнинг кучи, қудрати ва ҳатто, иқтисодий салоҳиятини маънавий баркамол бўлган кишилар белгилайди. Шунинг учун соғлом жа-

<sup>1</sup> Юсупов Эркин. Инсон камолотининг маънавий асослари.-Тошкент: Университет. 1998.-51 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Иймон. –Тошкент: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2006. Б. 20-28.

мият деганда, аввало, фуқароларнинг ақл-идрокли, дунёқараши кенг, ахлоқий жиҳатдан етуклиги назарда тутилади. Зеро, ижтимоий ҳаёт билан онгли тарзда ҳамнафас бўлган кишилар кундалик эҳтиёжларини қондириш мақсадида - моддий неъматларга, кеча, бугун ва эртанинг маънавий қадриятлари тўғрисида ўйлаганда эса - маънавий неъматларга эътибор қаратадилар.

Ҳозирда «баркамоллик» ибораси кундалик ҳаётимизда тез-тез тилга олинмоқда; «баркамол жамият», «баркамол инсон», «баркамол оила», «баркамол фарзанд» шулар жумласидандир. Инсонга нисбатан қўлланиладиган “баркамоллик” тасаввуримизда ҳам маънан ҳам жисмонан камолотга етган, ўзида етук ахлоқий фазилатларни мужассам қилган, замонавий билимлар соҳиби бўлган шахснинг сифати тарзида гавдаланади. Бироқ, инсон баркамоллиги нисбий бўлиб, замон билан ҳамнафас ўзгариб, янгиланиб боради. Муайн шароит учун долзарб бўлган фазилатлар ҳам жамият ва инсон ўртасидаги ўзаро муносабат натижаси сифатида намоён бўлади (2020 йилда дунё каронавирус CoVID-19 пандемиясидан азият чекаётган пайтда меҳрибонлик, гамхўрлик, саҳоватлилик каби фазилатлар бирламчи мазмун касб этди - Ҳ.Б.)

Ўрта аср ахлоқий тафаккури баркамол инсонни диний эътиқоди мустаҳкам шахс сифатида тасвирлайди. Масалан, тасаввуф таълимотига кўра, “Комил инсон” - дунёнинг фоний эканлигини англаган, нафс, ҳирс ва молу дунёга ружу қўймаган, илоҳий фазилатларни суювчи ва унга тўлиқ амал қилган ҳолда Оллоҳга кўнгил берган кишидир. Бу мақомга эришганлар эса «Валиуллоҳ», «Қибла», «Ғавс», «Кутб», «Автод», «Абдол» дея улуғланган. Бу борада, Азизиддин Насафий комил инсонга таъриф бериб ёзади; «Билгилки, комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин; билгилки, комил инсон шундай инсондир-ким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин; яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Иктибос: Комилов Н. Тасаввуф. (Биринчи китоб).-Тошкент:Ёзувчи. 1996. -147 б.

Шунингдек, тасаввуф таълимотида муҳаббат, ишқ руҳий камолот қудрати сифатида талқин қилинади. Ишқ - инсонни энг Олий Қудрат сари ҳаракат қилиши ва Унга ўхшашга интилишидир. Бундай муносабат эса айни пайтда руҳнинг муҳаббат воситаси билан камол топиши ҳамда балоғатга етиб, ижобий фазилатларни эгаллаши мумкин, деган ғояга асосланади. Шунинг учун ҳам муҳаббат тушунчаси тасаввуф таълимотида марказий ўринни эгаллаши бежиз эмас. Зотан, муҳаббат пировардида муршидни гўзалликка ундайди, чиройли амаллар қилишга даъват этади, Оллоҳ яратган гўзалликларни асрашга ва гўзаллик яратишга илҳомлантиради. Бу борада Жалолиддин Румийнинг инсониятни эзгу аъмоллар қилишга ундовчи «Маънавий маснавий» номли фалсафий асарида комил инсонга қўйиладиган талаблар, бажарилажак вазифалар, инсон буюклигининг сири нимада эканлигига доир қарашлари чиройли ташбеҳлар орқали баён қилинган. Жумладан, Мавлоно най воситаси орқали комил инсон шахсига эътиборни қаратади.<sup>1</sup> Зеро, най руҳиятга оро бериши, инсонни изтироб, ғашликдан ҳалос этиши ва ўзи ҳам бу борада беғараз эканлиги билан комил инсонга ўхшашдир.

Таъкидлаш ўринлики, инсон баркамоллиги барча даврларда долзарб масала бўлиб келган. Бу борада файласуфлар томонидан турлича фикрлар билдирилган. Хусусан, Оврўпа фалсафасида баркамол инсон ибораси «Ало одам» ибораси тарзида қўлланилиб, у инсон руҳий оламида пайдо бўлувчи турли кечинмаларга қиёсланади. Хусусан, рус маънавиётчи файласуфи Владимир Соловьёв (1853-1900) “Ало одам” (“Сверх человек”) моҳиятини ўлим ҳодисаси орқали изоҳлашга ҳаракат қилади. Файласуф “Ало одам” ўлим олдида ожиз қолмайдиган, ўлимга тик боқадиган, уни бардош билан енга олишга қодир бўлган шахс. Бундай жасорат уни ҳайвонот оламидан фарқлаб турадиган сабабдир. Негаки, ҳайвон ўлим билан онгли тарзда кураша олмайди, ўлимга қарши боришга ҳайвоннинг қудрати етмайди. Чунки, ҳайвон ҳаёти давомида ўлими ҳақида эмас, балки ўз эҳтиёжини қондириш ҳақида

<sup>1</sup> Қаранг: Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий.-Тошкент: “Шарк” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. 1999. -35 б.

кўпроқ ўйлайди. Шу боис ўлим унинг учун азоб эмас. Бироқ, инсон моҳиятан тирик банда. У бу дунёда абадий қолмаслигини билади. Билгани учун ҳам ўлимни энгишга, унга чап беришга ҳаракат қилади. Шундай экан Ало одам ўлим қаршисида ҳам ўзини йўқотмаслиги, уни мағлуб эта оладиган киши бўлиши лозим<sup>1</sup>, - деган ғояни илгари суради.

Мутафаккирнинг мазкур фикри инсонда ҳаётга нисбатан эҳтиром ва қизиқиш ҳиссини уйғотади. Зеро, Ало одам ёхуд баркамол инсон деганда моҳиятан тирик, реал инсон тушунилади; инсон тирик холидагина ўзининг ало эканлигини, гўзаллигини кўпроқ намоён қилади. Гўзалликни яратиш учун эса инсон аввало, хотиржамлик бўлиши, ҳадик ва ҳавотирдан холи яшаш имкони мавжудлиги зарур. Ўлим инсонни ана шундай имкониятдан “маҳрум қиладиган” энг катта ёвузлик. Бироқ, бошқа инсонлардан фарқли ўлароқ, гўзал фазилатли одам ўлим ҳавфини буюк фалокат деб эмас, балки табиий ҳолат сифатида қабул қилади. Чунки, ўлим ундан ҳеч нарсани тортиб ололмайди; ало одамнинг ачинишга арзийдиган моддий бойлигидан кўра маънавий бойлиги бисёр. Аммо, у ўлим қаршисида туриб бир нарсадан ҳавотирланади, у ҳам бўлса гўзалликни яратиш имкониятидан маҳрум бўлаётнидир. Ўлимнинг ижтимоий-маънавий зарари ана шунда. Бундай ҳавотирни гўзал хурсандчилик билан қарши олишда маърифатпарвар аллома Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ушбу ҳикмати ғоятда ҳайридир: “Биз ўз қисматимизни биламиз, аммо бечора халқимизга ўз ҳаётимизда нима қилишимиз мумкин бўлса, шуни қилганимизни ҳис этиш билан фаҳрланганимиздан ўлимни хотиржам кутмоқдамиз. ... Агар бизнинг ҳаётимиз хуррият ва халқнинг бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз. ... Мумкин қадар кўпроқ мактаблар очиш, шунингдек маориф ва халқ саодатини таъминлаш соҳасида тинмай ишлаш бизга энг яхши ҳайкал бўлади».<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: Соловьев В. Сочинение. В 2 х т. -Москва: Мысль. 1990. Т.2. -225 с.

<sup>2</sup> Иқтибос: Қосимов Б. Маслакдошлар. -Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. 1994. Б.39.

XX аср Ғарб фалсафаси «Ало одам» тушунчасини ўзига хос тарзда талқин қилди. Жумладан, Зигмунд Фройд (1856-1936) онг туби (онг ости) кечинмаларини таҳлил қилиб, инсоннинг «мен»ига оид янги қарашларни илгари сурди. У инсон онгининг тубида яширинган сирли дардини топишга ва инсон руҳиятидаги жуда кўп майда-чуйда фаразлар, гумонлар, кечинмаларнинг «синик» парчаларини бирлаштириб, ҳосил бўлган тасвирда инсоннинг яширин руҳий оламини кўришга интилди. У «мен»нинг бошқарувчилик аҳамиятини муайян шароитларда инсоннинг ўз истаклари устидан ҳукмрон бўлишга интилиши, вазиятга қараб хулоса чиқариши ва баҳо бериш хусусиятига эга эканлиги билан изоҳлайди. Файласуф «Мен»ни ҳудди асов от минган чавандозга ўхшатади, яъни «Мен» ўз ҳирсларини жиловлай олиши ва ўзига бўйсундириши керак. Шундагина «Мен» ўз фаолияти орқали ўзга бир «У»нинг ихтиёрини ҳам ўзлаштиради. Бу масалада Фройд шундай дейди: «Агар «Мен» фақат «У»нинг идрок тизимида муҳим таъсирга эга ҳамда «У»нинг бирор бўлаги ёхуд қалб олами тубида туриб зоҳирий оламнинг раҳнамоси бўлганда эди, унда барчаси оддий тарзда кечарди. Бирок, бу ерда ўзга бир тушунча пайдо бўлади. Ана шу тушунча «Ало Мен» деб аталади».<sup>1</sup>

Фройднинг «Ало Мен»и инсонни мунтазам ўз ишига онгли муносабатда бўлиш талабини қўйиши билан аҳамиятлидир. Зотан, инсонда бошқалар фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш баробарида ўз-ўзини ҳам танқид қилиш имкони мавжуд. Инсонни ўз-ўзига нисбатан бу тариха ёндашуви доимо уни «зўрлар зўри» бўлишга ундайди. Бу, ўз навбатида, инсонни ўз ҳаётини гўзаллаштиришга масъул эканлигини ҳамда хунукликдан ҳавотирланиш хиссини пайдо қилади. Ҳавотирланиш ҳисси эса инсон камолотида хулқий гўзалликнинг қарор топишида муҳим аҳамият касб этади.

Шуни айтиш лозимки, биз назарда тутаётган ҳавотир, аввало кўркув, бирор бир қилинган ноҳўя ишдан ҳадиксираш эмас, балки ўз-ўзини сўроқлаш, танқид қилиш ва баҳолаш натижасида юзага келадиган ҳолатдир. Шунингдек, ҳавотир инсонни инсон

<sup>1</sup> Фрейд З. Психология бессознательного. -Москва: Просвещения, 1990. -439 б.

учун масъул эканлигини эслатиб туради. Ана шуларни тўғри англаш орқали шахс ўзини такомиллаштириб боради.

Инсон дунёсини моддий дунёдан фарқланадиган кадрятлар йиғиндисидан ташкил топган дунё сифатида талқин қилган ҳаёт-бахш таълимот-экзистенциячилик айнан ана шундай ҳавотирнинг инсон учун зарурлигини қатъий ҳимоя қилади. Бу борада мазкур таълимотнинг етакчи намоёнчаси Жан Пол Сартр (1905-1980) инсондаги «ҳавотир», «умидсизлиқ», «ўз ҳолига ташлаб қўйилганлик» тушунчалари замирида инсонни буюк мақсадларга даъват этиш мавжудлигини ўзининг «Экзистенциализм тўғрисида» асари орқали батафсил баён қилиб беради.

Инсонни ҳавотир деб билган Сартр, нимагадир қарор қилган инсон ўз хусусий мавжудлигини танламаслигини, балки у айни пайтда ўзи билан бирга бутун инсониятни ҳам танлайдиган қонун чиқарувчи зот эканлигини, тўлиқ ва теран жавобгарлик ҳиссидан қочиб кутула олмаслигини ҳавотир тушунчаси орқали тушунтиришга ҳаракат қилади.

Ҳавотирланиш инсонга хос хусусиятлардан. Аммо, инсон ҳавотирни аксарият ҳоллатларда ёлғон билан ҳаспўшлашга уринади. Ким бўлишидан ва қандай вазифани бажаришидан қатъий назар, ҳар бир инсон ўз ҳавотири ҳақида қайғурса эди, у кимлар учун масъул эканлигини, қандай одамлар унга умид кўзи билан тикилиб турганлигини ҳис этган, ўзидаги мавжуд хунукликлардан тезроқ ҳалос бўлишга ҳаракат қилган бўлар эди. Бу борада Сартрнинг қуйидаги фикри асослидар: «Ҳар бир инсон учун ҳамма нарса шундай содир бўладики, гўёки бутун инсониятнинг нигоҳи унга қаратилгандек, гўё ҳамма ўзининг ҳаракатини унинг қилмишларига мослаётгандек. Зотан ҳар бир инсон ўз-ўзига: «Ҳақиқатан ҳам қилмишларимдан бутун инсоният намуна оладиган тарзда ҳаракат қилишга менинг ҳаққим борми?», дейиши керак. Агар у шу гапни айтмаса, демак, у ўз ҳавотирини ўзидан яширган бўлади. Гап бу ерда квийетчиликка\*<sup>1</sup> ҳаракатсизликка

<sup>1</sup> \* Изоҳ. XVIII асрдан шакллана бошлаган диний-ахлоқий таълимот. Эзгуликка ҳам ёвузликка ҳам Худонинг иродасидан, такдири азалдан деган қарашни тарғиб этган ва фаолликдан чекинишга, ижтимоий алоқаларни ниҳоятда камайтириш воситасида ахлоқий покликни сақлаб қолишга қақирган.

олиб борадиган туйғу ҳақида кетаётгани йўқ. Бу қай даражада-дир масъулиятни ўз бўйнига олган ҳар бир кишига маълум бўлган ҳавотирдир».<sup>1</sup> Сартрнинг мазкур фикри бугунги куннинг энг долзарб масаласи ҳисобланган: «Мен учун жамият нима қилди, деб эмас, балки мен жамият учун нима қилдим?» деган маънавий талабни ҳаётнинг мазмунига айлантиришдек буюк мақсад билан ҳамоҳангдир.

Инсон ҳавотири борасида олмон файласуфи Эрих Фромм (1900-1985) ҳам илғор фикрларни ўртага ташлади. Сартрдан фарқли ўлароқ, Фромм ҳавотир масаласида эътиборни техногенци-визацияга қаратди ва одамни роботга айланиб қолишидан ҳавотирланди. Фроммнинг назарида, ҳозирги замон кишиси ўзи барпо этган ижтимоий ва иқтисодий кучлар қаршисида ожиз, у ўз қўли билан барпо этган нарсаларга сажда қилади.

Дарҳақиқат, жаҳон урушлари ва минтақавий можароларнинг гувоҳи бўлган XX асрда ядровий синовлар, коинотни ўзлаштириш, компьютер технологиялари ва шу каби илмий-техникавий тараққиёт рўй берди. Бирок, XX асрда ажодларимизнинг минг йиллик тажрибалари натижасида сайқал топган маънавий-ахлоқий кадриятлар мисли кўрилмаган даражада эътиборсизликка маҳкум этилганини, муҳаббат, эзгулик, гўзаллик деб аталган буюк туйғулар маълум маънода эрмакка айланиб қолганини, уларга тўлақонли жиддий муносабат бўлмаётганини эътибордан соқит қилмаслик зарур. Бундай ҳолатни дунё маърифатчи-зиёлилари “маънавий инқирознинг ибтидоси” дея баҳоламоқда. Чунки, маънавий инқирозлар туфайли инсон бир-биридан бегоналашди.

Эрих Фромм маънавий инқирозга олиб келувчи омилларни таҳлил қилиб, ўз олдига «Инсон келажакдан нимани кутиши мумкин? Урушга ва роботга қарама-қарши қўйса бўладиган қандай муқобил нарса бор?» деган саволни ўртага ташлайди. Бунга жавобан: «У (инсон - Ҳ.Б) янгидан ўз-ўзини англаб олмоғи, янгидан севишга ўрганмоғи, ўз фаолиятини мазмунга тўлдириб, аниқлаштирмоғи талаб қилинади. У моддиюнликка қарамлик чегараларини тарк этиб, шундай бир даражага кўтарилмоғи лозимки, бунда муҳаббат, ҳақиқат ва адолат каби маънавий кадриятлар унинг учун чиндан-да олий маъно касб этади. Аммо, бизнинг

ҳаётимизни хоҳ моддий бўлсин, хоҳ маънавий-фақат битта томонинигина ўзгартиришга интилиш муқаррар тарзда муваффақиятсизликка учрайди. Дарҳақиқат, фақат бир соҳадагина тараққиёт юз берса, бу бошқа соҳалардаги тараққиётни ҳароб этади. ... социализм эса фақат иқтисодий ривожланиш тўғрисидагина ўйлагани учун сталинизмни майдонга келтирди»<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики, техногенцивилизациянинг маркази ҳисобланган, фақат кўзга кўриниб турган, ақл ва идрокка асосланган борлиқнигина тан олган Ғарбнинг икки мутафаккири ҳам инсон ҳулқий гўзаллигини такомиллаштиришда кўҳна Шарқнинг аллақачон тажрибасидан ўтган ахлоқий муҳитни яратиш масаласига эътиборни қаратмоқда. Шу боис улар инсоннинг тубанлашувидан қутилиш йўлини ахлоқий муҳит - *этикосферани* яратишдан иборат, деб билдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон пайдо бўлгандан буён унга доимо икки эҳтиёж ҳамроҳлик қилиб келган: бири-моддий, иккинчиси-маънавий. Агар моддий эҳтиёж инсон пайдо бўлгандан кейинги даврларда бирламчи аҳамият касб этган бўлса, шундай даврлар ҳам бўлдики, моддиюнликка қарамликдан кўра кўпроқ маънавий қадриятлар олий мақомда эътироф этилди. Бугунги кунга келиб ҳаётни фақат бир томонинигина ўзгартиришга интилиш, эътиборни фақат бир соҳага қаратиш билан кўзланган мақсадга эришиш қийинлиги аён бўлмоқда. Инсон камолотида ҳулқий гўзалликнинг эстетик ва ахлоқий моҳиятини ҳам шунга қиёслаш мумкин. Зотан, инсоннинг фақат маънавий гўзаллигига эътибор бериш, унинг жисмоний гўзаллигига путур етказди. Айни пайтда, маънавий гўзаллик ҳисобига жисмоний гўзалликни улуғлаш инсониятни муқаррар тарзда муваффақиятсизликка олиб келади. Инчунун, биз ҳозирда инсоннинг маънавий ва жисмоний гўзаллигини уйғунлаштириш масалалари долзарб бўлган даврда яшаётганлигимизни унутмаслигимиз керак. Ана шуни теран хис қилганимиздагина кўзлаган мақсадларимизга етишишимиз мумкин бўлади. Зеро, маърифатпарвар аллома Абдурауф Фитратнинг

<sup>1</sup> Фромм Эрих. Инсоннинг ҳозирги ҳолати. // Жаҳон адабиёти. 2000. № 1.- 109 б.



қуйидаги ҳикмати инсонда ташқи ва ички гўзаллик уйғун бўлиши зарурлик талаби учун асосдир: “Гўзаллик (жамол) ҳақидаги сўзларимиз зоҳирий (ташқи) жамолдир. Агарда у ботиний (ички) жамол билан, яъни яхши ҳулқ билан боғлиқ бўлмаса бир тийинга қиммат. Кимки ўз ихтиёри тизгинини ҳайвоний шаҳват қўлига бермаган экан, доимо ички жамолини ташқи гўзаллиги билан, яъни хусни ахлоқини қора кўзлар ва камон қошлар билан зийнатлайди”.<sup>1</sup>

Турли давлатлар, турли сиёсий кучларнинг бир бирига зид бўлган манфаатлари ўзаро тўқнаш келаётган бугунги мураккаб жараёнда инсонни гўзаллаштириш билан боғлиқ муаммолар ахлоқ ва нафосат фалсафаси фанларининг олдидаги муҳим муаммолардан бирига айланган. Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик саркити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда.

XXI асрга келиб, дунёнинг сиёсий, иқтисодий, маърифий ва маънавий манзараси тубдан ўзгарди: башарият глобал исиш, эпидемик ва пандемик касалликлар, янги уруш ўчоқлари, маънавий таҳдидлар қаршисида қолмоқда. Кишилиқ жамияти инсонда олижаноб фазилатларни ривожлантирди, шу билан бирга ғайриинсонийликнинг турли кўринишларини ҳам юзага келтирди. Афсуски, инсоният бутун тарихи давомида бу каби ҳодисларга ҳамроҳ бўлди ва бўлмоқда. Инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган ҳозирги даврда инсоний гўзалликка доир эстетик идеалларни яратиш ҳаётий заруриятга айланди. Эндиликда инсон гўзаллигини белгиловчи мезонлар ўзгармоқда. Бу жараён ўз-ўзидан эстетик идеалга нисбатан муносабат ва ёндошувларни ўзгаришига олиб келади. Чунки, эстетик идеал - инсонни ҳар томонлама гўзаллашувига хизмат қилувчи, унинг мақсадларини

<sup>1</sup> Фитрат Абдурауф. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари.-Тошкент: Маънавият. 1998.-24 б.

нафосат мезонлари билан барқарорлаштирувчи ҳамда шахс ва муайян ижтимоий гуруҳларнинг олий мақсадлар сари интилишидир.

Бугун эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш маърифатчи зиёлилар олдидаги муҳим вазифалардан бирига айланди. Шунга кўра, “инсон баркамоллиги” деган тушунча ҳам янги мазмун касб этмоқда. Эндиликда “Комил инсон” гоёси маънавий тушунча сифатида нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавий ва маърифий соҳасида тенгсиз ютуққа илҳомлантирганлиги эътироф этилмоқда.<sup>1</sup>

Бугунги кунда инсон баркамоллиги деганда аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, теварак атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб ҳис этадиган, замонавий билимларни мукамал эгаллаган, маънавий жиҳатдан юксак, жисмонан бақувват эркин шахс тушунилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Мамлакатимизда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш - умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифага айланган. Чунки, дунёда глобаллашув жараёни кетаётган ҳозирги даврда ёшларнинг турли хил мафкуравий кучларнинг таъсирига берилиши ва бунинг оқибатида ёвуз кучларнинг гайриинсоний мақсадларни амалга оширишга қаратилган ҳаракатида билиб-билмай иштирок этиш ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Эндиликда мазкур бўшлиқни тўлдириш, халқни турли хил тажовузлардан ҳимоя қилишга ижтимоий-маънавий зарурат сифатида қаралиб, ёшларни ана шундай таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун халқимизнинг илғор анъаналари, маънавий тафаккури ва бой эстетик дунёқарашига асосланиш ҳамда умуминсоний ва замо-

<sup>1</sup> Иқтибос: Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Тошкент: Янги аср авлоди. 2001.

навий ютуқларга таяниш зарурлиги уқтирилмоқда. Буга эришиш эса инсонда ахлоқий ва эстетик тарбия уйғунлигини таъминлашни тақазо этади.

2. Инсон гўзаллигининг маънавий ва жисмоний томонларини уйғунлаштиришга эришиш орқали ахлоқий, педагогик, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий тарбияг шакллари эстетик тарбия билан ҳаммаҳанг тарзда олиб бориш учун имкониятлар кенгайди. Эстетик тарбия тарбиянинг бошқа шаклларига нисбатан инсон туғилганидан бошлаб умрининг охиригача иштирок этадиган жараён. Шундай экан, инсон доимо эстетик тарбияга муҳтож ва доимо унга эҳтиёж сезади. Бундан ташқари, эстетик тарбия ўзининг кенг қамровлиги билан инсон ҳаётига санъат, адабиёт, матбуот, реклама, меҳнат воситалари орқали таъсир кўрсатади. Агар таъсир тўғри йўналтирилса инсонни гўзалликни оқилона идрок этиши, гўзалликка тўғри муносабати ҳамда гўзалликни яратиши ҳам мақсадли амалгаошади.

3. Инсон гўзаллигининг эстетик жиҳатлари унинг воқеликни эстетик ўзлаштиришида, бой эстетик дунёқарашида ва эстетик тафаккур тарихига ҳолисона муносабатида намоён бўлади. Эстетик жиҳатдан камол топган инсоннинг бошқа одамлардан фарқи ҳам унинг бадиий тасаввурларида, воқеликка муносабатида, турмуш тарзини гўзаллаштиришга бўлган интилиши билан белгиланади.

4. Глобаллашув даври инсонларнинг ахлоқ ва ахлоқий муносабатларга бўлган ёндашувини тубдан ўзгартириб юборди. Эндиликда инсон онгини бошқариш ва унинг устидан ҳукмронлик қилиш билан тараққиётга эришиб бўлмайди. Аксинча, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, бирдамлик алоқаларини мустақкамлаш орқали тинчлик, фаровонлик, саодатга эришиш мумин, одамларда жамият ривожини учун масъуллик ҳиссини уйғотиш орқали инсоний гўзалликни яратиш мумкин. Бу жараён такомилли ҳаёт ва мамот масаласи ҳисобланган тарбия билан бевосита боғлиқ.

5. Инсон маънавий қадриятларни идрок этувчиси ва яратувчи субъект. Унинг камолоти учун гўзаллик асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Бу мезон ўзида илғор анъаналарга ҳурмат, бунёд-

корликка ишонч, мақсад-интилишларга хайрихоҳлик каби юксак қадриятларни мужассам этади. Қадриятларсиз инсон ва жамият мавжуд бўлмайди, қадриятлар гўзаллик туфайли қадридир. Қадриятларнинг гўзаллиги инсон баркамоллигига, жамият равнақи-га, тузумнинг инсонпарварлигига хизмат қилади. Аксинча, моҳиятан гўзалликка хизмат қилмайдиган қадриятлар устувор бўлган жамият, инсон, тузум аста-секин инқирозга юз тутаяди.

## ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ ГЎЗАЛЛИК ВА ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

### Гўзаллик ва маънавий кадриятлар.

Маърифатпарварлик даври эстетикасининг гўзаллик ва санъат ҳақидаги назарияларини рус демократ зиёлиси Н.Г. Чернишевский янги ғоялар билан бойитган эди. Бу борада унинг “Санъатнинг воқеликка эстетик муносабати” деб номланган асари ғоятда муҳим манба ҳисобланади. «Гўзаллик бу ҳаётдир – деган эди файласуф, - Бизнинг орзу-умидларимизга мос келган ҳаёт гўзалдир, ўзида ҳаётни намоён қилувчи ва у ҳақда эслатиб турувчи предмет гўзалдир».<sup>1</sup> Ушбу фикрни адабиётшунос олим Нажмиддин Комилов қуйидагича таҳлил қилиб, «Энг гўзал нарса ҳаётдир» деган таъриф юзасидан санъатга ёндашган Чернишевский инсондаги курашчанликни, фаолиятни улуғлади: табиат оғушидаги, меҳнат жараёнида етилган гўзалликни энг тўлақонли, энг мукамал гўзаллик деб билди»<sup>2</sup>-дея уқтиради.

Н.Чернишевский фикрига кўра, жамики гўзалликлар ҳаётда инсон фаолияти орқали намоён бўлади; ҳаёт манзаралари реал ифода этилган санъат асаригина гўзалликни акс эттиради. Шахс фаолияти эса озод тафаккур, эркин меҳнат асосида шаклланади: меҳнатдан юз ўгириш пировардида ҳам ахлоқий, ҳам жисмоний заифликни - хунукликни келтириб чиқаради. Ҳаётни гўзаллик сифатида талқин этилишининг чернишевскийча талқини ана шундан иборатлиги ҳақида эслатиб турувчи предмет» гўзал дейишнинг сабаби ана шунда.

Француз файласуфи Алберт Камюнинг ҳаёт фалсафаси ҳақидаги қарашлари ҳаёт, турмуш, олам тўғрисидаги одатий дунёқараш чегараларни бузиб ташлайли, қолипга солинган, маиший хусусиятдаги қарашларни ўзгартиришга хизмат қилиши билан қизиқарлидир.

<sup>1</sup> Чернишевский Н.Г. Прекрасное есть жизнь. -Москва: Молодая гвардия, 1973. - 21 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Комилов Нажмиддин. Тафаккур карвонлари. -Тошкент: Маънавият, 1999. -232 б.

Маълумки, Альбер Камю инсонни борлиққа, жамиятга, Худога қарши кўювчи муаммоларга тўла ҳаётни англашни ўз мақсадига айлантирган сергавго ижодкор ҳисобланади. “Ҳақиқатан, битта жиддий фалсафий масала бор, - деб ёзади Камю, - бу - ўзини ўзи ўлдириш масаласи. Ҳаёт азият чекиб яшашга арзийдими ёки арзимайдими, буни ҳал этиш фалсафанинг асосий саволига жавоб беришдир; қолган барча масалалар иккинчи даражали. ... Агар кишини ўраб турган борлиқ, унинг ҳаётига мазмун бераётган ҳаёт бамаъни бўлса, онгнинг улардан маъно, моҳият излаши ҳам ғайримантикий ҳол, бемаънилиқдир. Бемаънилиқ инсонда ҳам эмас, дунёда ҳам эмас, у одам билан ҳаёт ўртасидаги алоқада, тўқнашувда, уларнинг бир-бирига номувофиқлигидадир.”<sup>1</sup>

Камюнинг ҳаёт фалсафасига доир фикрларини файласуф Виктор Алимасов қатор асослар билан танқидий таҳлил қилар экан ҳаёт мутлақ бемаъни эмаслигини исботлашга уринади. Чунончи, Камю нима учун одам ўзини ўзи ўлдиради, маҳв этади, деган саволга жавоб изламайди, бу ижтимоий-психологик тадқиқот мавзусидир; у ўлим мавзуини инсоннинг яшаш истаги ва ҳуқуқига зид, аммо ҳаётнинг атрибути сифатида ўрганади. Кишини нима ўзини ўзи маҳв этишга ундаса, етакласа, у яшашга бўлган эҳтиросдан ҳам дарак беради. Чунки ўзини ўзи маҳв этган банда фақат бу дунёдан, яшашдан воз кечиб қолмайди, у реал ҳаётдаги зўравонлик, ноҳақлик, бедилликдан воз кечатуриб, нариги ҳаётда шу иллатлар бўлмаслигига ишонади. Демак, инсон билан борлиқ уйғунликда, тўғрироғи, тўқнашувда бемаънилиқ туйғусини келтириб чиқаради; ушбу тўқнашувсиз эса ҳаёт йўқ. Инсон билан борлиқ, у билан ҳаёт ўртасида мутлақ уйғунлик, ўзаро тўла мувофиқлик юзага келган заҳоти бемаънилиқ бартараф этилади.<sup>2</sup>

Нафосат эстетик муносабат объекти сифатида эстетик хусусиятларни, эстетик фаолиятни ва эстетик англашни қамраб олади. Унинг яшаш шарти - субъектив хилма-хиллик билан белгиланадиган мураккаб мақсадни эмас, балки серқирра мақсадга муво-

<sup>1</sup> Альбер Камю. Бунтуящий человек. —Москва: Политиздат, 1990. -24 с.

<sup>2</sup> Алимасов Виктор. Албер Камю: Ҳаёт мутлақ беъмани эмас. Тафаккур журнали, 2013 йил, №4. —Б. 32.35.

фикликни биринчи ўринга қўядиган ҳиссий-интеллектуал борлик, инсон ҳаётининг эстетик мазмунини таъминлайдиган маънавий-ижтимоий ҳодиса. Шу боис нафосат инсон ва унинг воқеликка бўладиган муносабатларининг барча кўринишларида бевосита ёки билвосита иштирок этади. Гўзаллик ҳам воқеликни нафосат қонунлари асосида ўзлаштиришга бўлган барча жараёнларда иштирок этади.

Гўзаллик эстетика катетегориялари орасида ҳам сифат, ҳам хусусиятга эга бўлган тушунча сифатида бошқа категорияларга нисбатан кенгқамровли маъно касб этади. Шунинг учун гўзаллик ўзининг сифатлари ва хусусиятлари ёрдамида инсон дилини қувонтиради, хуш кайфият бағишлайди, орзу-мақсадларини рўёбга чиқаришга кўмаклашади, дунёвий тараққиётни таъминлайди ва ҳоказо. Айниқса, “туғёнийлик”, “мафтункорлик”, “мўъжизавийлик”, “манфаатдорлик” каби тушунчалар гўзалликнинг *сифатлари* ҳисобланади. “Қулайлик”, “фойдалилик”, “ёқимлилик”, “чиройлилик” каби тушунчалар эса унинг *хусусиятларидир*. Булардан ташқари, гўзаллик «чиройли», «кўркем», «нафис», «жозибатор», «мафтункор», «латофатли» каби тушунчаларга нисбатан кенгқамровли тушунча. Айниқса, “гўзаллик” билан “чиройлилик” ўртасида ўзига хос фарқлар ҳам борлигини таъкидлаш зарур.

Нафосатшунос В.В.Бичков “гўзаллик” билан “чиройлилик”-ни синоним тушунчалар сифатида талқин этади, эстетиканинг бирламчи категориялари туркумига киритади ва фикрларини Қадимги дунё эстетик тафаккурига тегишли қарашлар асосида изоҳлайди. Яъни, “гўзаллик” ва “чиройлилик” космология, метафизика, илоҳиёт ва инсон амалий фаолиятининг асосини ташкил этувчи тушунчалардир. Жумладан, “чиройлилик” – баҳоловчи тушунча, “гўзаллик” – мутлоқ Универсум моҳиятини англатувчи пареонтологик характерга эга. Эрамизгача II мингинчи йилларга оид манбаларда мисрликлар гўзаллик (нефер) Худо, Фиръавн, Одам, Борликнинг юксак намунаси сифатида талқин этган. Чиройлилик ташқи кўриниш (аёлларда) ва жисмоний баркамоллик сифатида юксак қадрланган. Шунинг учун “нефер” ибораси фиръавнларнинг расмий мақомига қўшиб ишлатилган. Масалан, малика Нефертити ёки унга қўшимча “Нефер-нефру-Атон (гўзал-

ликла зийнатланган Атон).<sup>1</sup>

Биз ҳам ушбу фикрга қўшилаемиз, зеро “гўзаллик” ва “чиройлилик” айнан бир хил тушунчалар эмас. Бизнингча, *чиройлилик* - нарсаларнинг ташқи кўринишини, ҳолатини, бажарилган иш ёки қилинган ҳаракатдаги ўзаро ҳамоҳангликни ифодаловчи тушунча бўлиб, у инсонларда ёқимли таассурот қолдиради. Бирок, чиройли бўлган барча нарсалар ҳам гўзал бўла олмайди. Масалан, «бангидевона» ўсимлиги узокдан чиройли кўринади: гули катта ва оппоқ, танаси гармонияга эга. Аммо, гулининг ҳиди ёқимсиз ва танасидан бадбўй ҳид чиқади. Ёки чиройли дамларнинг барчаси ҳам эзгу эмас. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, чиройлилик нарсаси-ҳодисанинг ёки шакли ёки мазмунидаги хусусиятни акс эттириши билан кишида ёқимли таассурот қолдиради, холос. Шу боис нарсаси-ҳодисаларнинг фақат шакли (ташқи) ёки мазмуни (ички) га қараб унга гўзаллик иборасини ишлатиш ўринли эмас. Зеро, гўзаллик нарсаси-ҳодисаларнинг фақат бир томони (жиҳати)ни акс эттирмайди, аксинча гўзаллик унинг мазмун билан шаклнинг уйғунлиги, мослиги, ҳамоҳанглиги, мақсадга мувофиқлигига асосланади. Аксинча, номутаносиблик, номувофиқлик, бетартиблик, беқарорлик объект ва субъект гўзаллигига зарар етказилади. Инсоннинг табиатга нисбатан шавқатсиз муносабати оқибатида юзага келган хунукликлар ана шундай номутаносибликларнинг натижаси, десак муболага қилмаган бўламиз. Бир сўз билан айтганда, гўзалликнинг сифатлари ва хусусиятлари ўртасидаги алоқадорлик нарсаси-ҳодисалар такомиллигини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, чиройлиликнинг сифати ва хусусияти инсон ва олам тараққиётига мутаносиб ёки мақсадга мувофиқ эмас экан, ҳар қанча мафтункор бўлмасин – гўзаллик даражасига чиқа олмайди.

Гўзалликнинг сифатлари ва хусусиятлари ўртасидаги боғлиқлик ҳамда гўзалликнинг чиройлилик билан ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги ушбу мулоҳазаларимиздан кўзланган асосий мақсад - гўзаллик моҳиятан маънавий ҳодиса эканлиги билан боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда навбатдаги мулоҳазаларимиз маънавият гўзаллигига доир масалалар баёни ҳақида бўлади.

<sup>1</sup> Қаранг: Бычков В.В. Эстетика. –Москва: Гардарики; 2004. -77 с.



Маълумки, юсак маънавиятгина жамият тараққиётининг муҳим асоси ҳисобланади. Айни пайтда, маънавият миллатнинг қиёфасини ҳам акс эттиради. Халқимизнинг қадимдан шаклланиб келган анъаналари, маросимлари, урф-одатлари маънавий қадриятлар тизимида ўзига хос аҳамиятга эга. Эндиликда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака-ю маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларда янгича ёндашув шаклланаётганлигини кузатиш мумкин. Айниқса, мустақиллик туфайли пайдо бўлган янги анъаналар - байрамлар, маросимлар, тантанали кечалар ўзининг замонавийлиги, инсонлар қалбини завққа тўлдириши билан гўзалликни намоён қилмоқда. Жумладан, «Мустақиллик», «Конституция куни», «Наврўз» каби миллий байрамларимизнинг умумхалқ байрами мақомида таъсис этилиши, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши каби қадимий шаҳарларимизнинг юбилейларига бағишланган тантаналар, санъат ва адабиётга доир танлов, фестивал, маданият кунларини ўтказиш, айниқса ҳар бир янги йилни оила, жамият, инсон манфаатларига мос тарзда белгиланиши сингари қадриятга айланиб бораётган воқеликлар шулар жумласидандир. Бу каби қадриятлар асосини миллий ғурур ва ўзликни англаш туйғуси, бағрикенглик, меҳрибонлик, саховатпешалик, адамийлик улуғвор фазилатлар ташкил этиши маънавиятимиз гўзаллигини белгилайди.

Айтиш зарурки, миллий қадриятларни ривожлантириш орқали маънавиятни гўзаллаштиришга эришиш мумкин. Бунини фестиваллар мамлакатига айланиб бораётган янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган мисолида кузатиш мумин. Кейинги уч йил мобайнида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида мунтазам равишда ранг-баранг фестиваллар, шаҳарлар кунлари, сайллар, миллий ўйинлар, танловлар ва кўргазмалар ўтказиш анъанага айланди. Бундан ташқари, 2018 йилда Шаҳрисабзда Халқаро Мақом фестивали, 2018 йилда Кўқонда - Халқаро хунармандчилик фестивали, 2019 йилда Термезда - Халқаро бахшичилик санъати фестивалини жаҳон эътироф этмоқда. Шунингдек, “Халқаро цирк санъати фестивали (2019)”, “Нурли наволар” халқаро фольклор фестивали (2018), Буюк ипак йўли халқаро фольклор мусиқа фестивали (2018), айниқса, “Европа киноси” фестивали, “Хива мил-

лий бойликлари” фестивали, «Ипак ва зираворлар» фестивали, «Шаҳрисабз - хунармандлар шаҳри» фестивали, «Бухоро шаҳри куни» фестивали ҳамда “Халқ чолгулари ижрочилари”, Мукарама Турғунбоева номидаги “Миллий ракс ижрочилари”, Юнус Ражабий номидаги “Ёш мақом ижрочилари” сингари республика кўрик танловларини мунтазам ўтказиш аъёнага айланди.

Моддий ва маънавий неъматлар ижтимоий тараққиёт омилларини белгилайди. Бироқ, бу жараён инсон диди ва идеалини эстетик жиҳатдан камол топтиришни, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини гўзаллик талабларига мувофиқлаштиришни, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг эстетик моҳиятини ёш авлод тафаккурига сингдиришни, миллий урф-одат ва аъёналарга эстетик маданият кўрки сифатида жиддий эътибор қаратиш каби муҳим ишларни амалга оширишни талаб қилади.

Маънавий тараққиётнинг эстетик мезонлари кишиларнинг ўзаро ахлоқий, эстетик, маданий, маърифий алоқалари натижасида юзага келади. Бироқ, бир қараганда “маънавий гўзаллик”, “маънавият гўзаллиги”, “гўзал маънавият” иборалари бир қадар умумийроқ тушунча бўлиб туюлади. Лекин мазкур иборалар шахснинг эстетик фаолиятига қўлланганда уларнинг моҳияти янада конкретлашади, жамият ҳаётида эса эстетик муносабатларнинг юксак ижтимоийлашган кўриниши сифатида намоён бўлади. Маънавий жараёнларнинг эстетик мазмунини гўзалликнинг ижтимоий хусусияти билан боглиқ ҳолда талқин этиш мумкин. Яъни, гўзалликнинг ижтимоийлик хусусияти жамиятни инқилобий (революцион) ларзаларсиз ўзгартиришда ҳамда жамият тараққиётини тадрижий (эволюцион) ривожлантиришда намоён бўлади. Шу маънода, гўзаллик маънавий тараққиётнинг энг муҳим мезони ҳисобланади.

Гўзалликда маънавийлик ва моддийлик уйғунлашади. Бу аввало, эстетика ва нафосат фалсафасининг тадқиқот объекти ҳисобланган санъатда яққол кўзга ташланади. Бу борада айрим мулоҳазаларни баён этиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, ҳар бир халқда бошқа халқларда учрамайдиган, бошқалар учун ўртак бўладиган хусусиятлар мавжуд бўлади. Гўзалликни идрок этиши, ундан завқланиши, бадиий тафаккур

қобилиятининг қандайлигига қараб ҳам халққа, миллатга баҳо берилади. Шундай ҳолатлар бўладики, бир миллат вакилининг гўзалликдан завқ олиш савияси иккинчи миллат эстетик идеалига мос келмайди. Бу ҳолат гоҳида ижобий таъассурот қолдирса, гоҳида эстетик идрок кўламини торайтиришга, миллий ўзига хосликни нотўғри талқин қилишга олиб келади. Бу санъатга бўлган муносабатда кўпроқ кўзга ташланади. Бироқ, ҳар икки ҳолатда ҳам қиёслаш, бирининг илғор қадриятларини иккинчиси томонидан онгли тарзда ўзлаштириш, ўзидаги камчиликларни бартараф этиш жамият ҳаётида гўзалликнинг равнақ топишига кўмаклашади.

Иккинчидан, гўзаллик маънавий қадриятлар тизимида муҳим аҳамият касб этадиган ва жамият ҳаёти учун зарур бўлган воқелик саналади. Шу маънода, маънавий қадриятлар тизимида гўзалликнинг ўрнини-халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, руҳиятига асосланиб келажакка ишонч ва маърифат туйғуларини онгимизга сингдириш билан белгилашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Зеро, қадриятларсиз инсон, жамият, тузум бўлмаганидек, улар гўзалликсиз ҳам яшай олмайди. қадриятларнинг гўзаллиги инсон баркамоллигига, жамият равнақига, тузумнинг инсонпарварлигига хизмат қилади. Аксинча, моҳиятан гўзалликка хизмат қилмайдиган қадриятлар устувор бўлган жамият, инсон, тузум аста-секин инқирозга юз тутади.

Учинчидан, рухан покланиш ва қалбан улгайиш маънавиятнинг маъно-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлардан бўлиб, унинг пировард натижаси инсон фаолияти ва жамият муносабатларида маънавий жасорат кўринишида намоён бўлади. Маънавий жасорат инсоннинг ўз манфаатидан кўра умум манфаатига хизмат қилиш, Ватан ва миллат қайғуси билан яшашдек улуғ мақсадларда намоён бўлади. Бундай мақсад баркамол инсон тушунчасида мужассамлашган.

Инсон азалдан гўзалликка интилиб яшайди: у гўзалликни идрок этади ва яратади. Гўзалликни идрок этиш икки хил маънога кўра намоён бўлади. А). Кенгроқ мазмунда - жамики завқ ва лаззат бахш этадиган, ёқимли ҳис уйғотадиган, ҳушнудлик кайфиятларини пайдо қиладиган нарса-ҳодисаларни ўз ичига қамраб

олади. Б). Тор маънода - нарсаларнинг фақатгина шаклий, ташқи кўринишида акс этади. Гўзаллик ҳақидаги дастлабки тасаввурлар аксарият ҳолатларда тор маънодаги гўзаллик тасаввурлари натижасида юзага келади. Бироқ, чинакам гўзаллик мазмун билан шаклнинг уйғун бўлишини талаб этади.

Гўзаллик эстетиканинг бошқа категориялари орасида жамият тараққиётига кенгроқ кириб борганлиги билан ҳам бир қадар юксак мавқега эга, у барча соҳаларда бевосита ёки билвосита иштирок этади. Унинг иштирокини асосан қуйидаги йўналишларда кўриш мумкин:

- санъат турлари ва бадий тафаккурни ривожлантириш жараёнларида;
- дизайн, техникавий тараққиёт ва ахборот коммуникация соҳаларини такомиллаштиришда;
- моддий ва маънавий қадриятлар уйғунлигини таъминлашда;
- соғлом турмуш тарзи ва маданиятини тарғиб қилиш ва мустаҳкамлаш ишларида;
- моддий неъматлар яратиш, ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга солиш, тадбиркорлик ва ишбилармонликни муҳитини шакллантиришда ва ҳоказо.

Маълумки, ҳар қандай гўзаллик инсон назари тушганда ва баҳоланганда қадриятга айланади. Инсонни ҳар томонлама камол топтиришга қаратилган қадриятларнинг моҳияти кенгқамровли мазмунга эга бўлиб, унинг битта компоненти воқеликни эстетик ўзлаштириш орқали рўй беради. Бу ўзлаштиришда албатта, гўзаллик ўзига хос мезонлар билан иштирок этади.

Мулоҳазаларимиз аввалида, гўзалликка манфаатли ва манфаатсиз ёндошув тўғрисида айрим фикрларни баён этган эдик. Гўзалликка манфаатли ёки манфаатсиз ёндошувнинг энг муҳим жиҳати, халқнинг ҳаёт тарзи, миллий анъана ва қадриятларни, аҳолининг руҳи ва кайфиятини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда ёндошиш ва иш кўришни талаб этади. Чунки ҳар қандай ислохотнинг пировард натижаси аввало унинг заруратини аҳолининг кенг қатламлари қай даражада тушуниши ва қўллаб-қувватлаши, бу ўзгаришларнинг инсон ҳаётига, унинг фаровонлигини

оширишга кўрсатадиган амалий таъсири билан ўлчанади. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан холда, одамларга ислохотларнинг маъно-моҳиятини аниқ-равшан тушунтириб бериш, шу аснода жамият аъзоларида ишонч уйғотиш, уларни бунёдкорлик сари сафарбар этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовни кўйидаги фикрлари айтилган ҳақиқатдир: “Аслида ҳар қандай ислохотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-рухий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур хис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга ошираётган ислохотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятидан ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас.”<sup>1</sup>

Инсон олий қадрият. У нафақат яратади, бунёд этади, балки яратилган ва яратиладиганларнинг ҳам истеъмолчиси ҳисобланади. Бу жараён маънавий ҳам моддий ҳаёт уйғунлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақда файласуф Мукаррам Нурматова инсон зотининг олий эстетик ва ахлоқий қадрият мақомига эга бўлишини мустақиллик шароитида вужудга келган янги қадриятлардан бири сифатида эътироф этади. У инсоннинг бундай даражага кўтарилишини - 1. Инсоннинг табиий яшаш ҳукуки расман тан олинганлиги; 2. Ҳар бир шахс мулкдор бўлиши, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ва ларнинг натижасидан завқланиши ва баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлганлиги; 3. Янги бунёдкор ғоялар кўламининг кенгайганлиги ва инсон унинг ташаббускорига айланганлиги билан изоҳлайди.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Каримов Ислом. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -106 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. –Тошкент: Университет нашриёти. 2009. Б. 104-105.

Дарҳқақиқат қадриятлар уйғунлигини таъминлаш орқали нафақат инсонни гўзаллаштириш мумкин, балки жамиятни ҳам гўзаллигига таъсир кўрсатиш мумкин. Бироқ, бу жараённинг давомийлигини таъминлаш шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳамоханглигини тақазо этади. Шунга кўра, инсон ва жамият муносабатларида гўзалликни намоён бўлишини таъминлашда қуйидаги тамойиллар устувор аҳамиятга эга:

- эстетик дунёқараш, эстетик тасаввурни бойитишнинг заруриятга айланиши;
- моддий неъматларга беғараз муносабат асосида асосида эстетик эҳтиёжнинг қондирилиши;
- юксак эстетик дид ва бадий тафаккурни камол топтириш орқали замонавий идеални шакллантирилиши;
- миллий ва умуминсоний эстетик қадриятларни инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжига айланттилиши;
- инсон гўзаллиги ва унинг маънавий камолоти билан боғлиқ қадриятлар ривож учун шароитнинг яратилиши;
- турмуш эстетикасини моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги тамойиллари асосида ривожлантирилиши.

М.Нурматованинг эстетик қадриятларга доир илмий назарияси гўзалликнинг маънавий асосларига доир умумий қарашларимизга ойдинлик киритади. Бу ўз навбатида, бизни “Санъат - маънавиятнинг гўзаллигини белгилайдиган восита” деган хулосага келишимизга сабаб бўлди.

Инсон томонидан маънавий олам гўзаллигини ўзлаштириш, идрок қилиш ва инъикос эттириш санъат воситасида амалга оширилади. Санъат эстетика ва нафосат фалсафасининг муҳим тадқиқот доираси ҳисобланади: санъатсиз бу фанларнинг умумназарий масалаларини ўрганиш, таҳлил этиш ва тасаввур қилиш мумкин эмас.

Санъат – гўзалликни намоён этувчи ўзига хос маънавий ҳодисадир. Маълумки, воқеликдаги нарса-ҳодисалар гўзаллик ёки хунуклик мезонлари билан баҳоланса, санъатда уларнинг барчаси гўзаллик ва гўзал тасвир асосида акс этади. Аммо бу санъат фақат гўзал тасвирларни акс эттиради, дегани эмас. Аксинча санъат хунукликни бадий образлар воситасида гўзалликка ай-

лантиради. Шунинг учун ҳам гарчанд асарда жаҳолат, ёвузлик, вайроналик, қотиллик каби иллатлар акс эттирилган бўлса-да, биз ижодкорнинг маҳоратидан ҳайратланамиз, тасвирни “ўхшаган” ёки “ўхшамаган” лигига эстетик баҳо берамиз. Дейлик рассомнинг энг муҳим вазифаси шакллар ва чизиқлар ўйини орқали ўзининг воқеликка бўлган муносабатини ифода этади. Нарсаларнинг кўринишидан бошлаб, уларнинг ранги, шакли, ҳолати рассомнинг эътиборидан биров бўлсада четда қолмайди. Рассом воқеликни кузатар экан, уни тўғридан-тўғри кўчириб тасвирлашни мақсад қилмайди. Аксинча, у воқеликдаги гўзалликни шакллар ўйини, ранглар жилоси, мақсадлар мувофиқлиги орқали акс эттиришга ҳаракат қилади.

Бундан ташқари, санъат борлиқни тўғридан-тўғри кўчирмайди, аксинча борлиқни бадий қиёфалар ёрдамида ифодалаш орқали инсонга янги кўриниш, тасаввурлар тақдим этади. Шу боис, санъат инсонни фақат воқеликдаги гўзалликлар билан чекланмасликка, балки мавжуд гўзалликларни онгли тарзда мушоҳада қилишга ва баҳолашга ундайди. Бу борада мамлакатимизда янгидан ривож топиб бораётган рассомлик санъатини мисол қилиб келтириш мумкин.

Рассомлик санъатида маънавий мавзуси устувор аҳамиятга эга. Бу борада Рўзи Чориев, Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Алишер Мирзаев, Дилёр Имомов, Акмал Нур, Ортиқали Қозоқов, Беҳзод Маҳмудов каби мусаввирларнинг реалистик йўналишдаги асарлари муҳим эстетик асос ҳисобланади. Уларнинг этюд, натюрмортларида гўзаллик нафақат рассомнинг шахсий идеали, балки ўзида халқ ҳаётининг муҳим бўлагини мужассам этганлиги, инсонларнинг тафаккури ва қалбига таъсир кўрсатиши билан белгиланади.

Гўзалликни яратиш рассомнинг зиммасига юксак ижтимоий-маънавий ва ахлоқий-эстетик масъулият юклайди. Масалан, ўтган асрда ўзбек рассоми, монументал деворий расмларнинг моҳир устаси Баҳодир Жалоловнинг “Баҳор” концерт зали деворига ишланган “Рақснинг туғилиши” деб номланувчи асарида Шарқ ва Ғарб бадий мактаби анъаналари ҳамда идеал билан тасаввур уйғунлигини намоён этган полотноси нафақат ўзбек рақсининг

жозибаси намоён қилган, балки ижтимоий-тарихий ўтмишни ҳам гўзал акс эттирган. Ёки Алишер Мирзаев томонидан шакллар ва чизиқлар “ўйини” орқали инсоннинг табиатга муносабати тасвирланган асарлари нафис санъат ва юксак маънавиятнинг азалий моҳияти тиклашга қўмак беради. Акмал Нур асарларида эса Шарқ санъати анъаналари, Шарқ фалсафаси ва Шарқ бадий-эстетик тафаккури устувор аҳамият касб этади. Унинг асарларида акс этган туйғулар миллат тарихи ва тақдири, турмуш тарзи ва руҳияти билан боғлиқ фалсафий мушоҳадалар билан йўғрилган. ...

Санъат жамият маънавий ҳаётини тозалайди, ривожлантиради, гўзаллаштиради. Бу гўзаллик ҳаётий муаммоларни акс эттириши, халқ, миллат кўнглига яқин бўлиши, тараққиётни таъминлашга хизмат қилиши орқали кадриятга айланади. Бу ҳақда файласуф Тилаб Маҳмудов куйидагиларни айтган эди: “Қачонки санъат асарлари муҳим ҳаётий муаммоларни акс эттирса ёки халқ кайфияти ва ғояларини ифодаласа, улар миллионлаб меҳнаткашларнинг эзгу ҳамроҳига айланади. Бундай асарлар ҳеч қачон халқдан, амалиётдан ажралган эмас. Рассомнинг миллат ҳаёти билан алоқасигина янги ва асл санъат асарларининг пайдо бўлишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.”<sup>1</sup>

Халқ ўзининг эзгулик, гўзаллик, улуғворлик ва ҳамжихатликка интилишини санъат ва маданият орқали намоён этиб келган. Хусусан, ўзбек этномаданияти миллий хусусиятларидаги эстетик жиҳат ҳам гўзаллик, олийжаноблик ва мардликни идеал тарзида улуғлангани билан белгиланади. Бу борада этномаданиятнинг фалафий-эстетик моҳиятини илмий асосларда тадқиқ этган олима Озода Нишонова “Ўзбек этномаданияти миллий хусусиятларидаги энг асосий эстетик кадрият уларнинг (яъни, ўзбек этномаданияти ва ундаги миллий хусусиятлар) гўзал ахлоқ билан, одоб нормалари билан уйғун келганидир. Айнан гўзал, олийжаноб, инсонпарварлик билан йўғрилган одоб-ахлоқ ўзбек халқи ижоди ва санъатида бетакрор эстетик кадрият даражаси сифатида ифода этилади. Ўзбек халқ ижоди ва санъатида яратилган барча образлар,

<sup>1</sup> Маҳмудов Т. Эстетика и духовные ценности. -Ташкент: Главная редакция издательско-полиграфического концерна «Шарк», 1993. -174 с.



уларнинг ҳаёти, хатти-ҳаракатлари гўзал одоб-ахлоқ нормалари билан билан ўлчанади.”, -деган фикрни таъкидлайди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли санъатни янада ривожлантириш, айниқса, миллий санъатни халқаро миқёсда танитиш, унинг ўлмас қадриятларини жаҳонга тарғиб этиш ҳамда давлатлараро бадиий-эстетик маданият соҳасида ишларни жадаллаштириш айниқса, рангтасвир ва амалий безак санъати орқали халқимизнинг ўлмас маънавий мероси ва миллий қадриятларини ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Мисол учун 2006 йил 26 апрелда Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Марказий кўргазмалар залида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти давлатларининг “Баҳор камалаги” рангтасвир ва амалий безак санъати асарлари кўргазмаси глобаллашув даврида миллий ўзига хосликни сақлаш, келгуси авлодларга тарихий-маданий меросни етказиш, жаҳон маданий маконига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб киришда муҳим омил бўлганлигини эътироф этиш мумкин. Мазкур кўргазмада Ўзбекистон амалий-безак санъатинамуналари билан, Россия Федерацияси “Россиянинг қуроқ мозиакаси” экспозициясида замонавий қуроқ тикиш усталарининг асарлари билан иштирок этди. Ушбу қуроқ ишлар “Таврот”, “Инжил” сюжетлари, халқ байрамлари, замонавий сахна сюжетлари, безак композициялари каби мавзуларни акс эттирган. Қирғизистон Республикаси эса Г.Айтиев номидаги қирғиз Миллий тасвирий санъат музейи фондидаги гулдор наMAT, чарм, баҳмаллар ҳамда кигиз буюм-ашёлари билан, Хитой Халқ Республикаси – Фуцзян ўлкаси халқ рангтасвири билан, Тожикистон Республикаси сўзаналари билан иштирок этган эди. Бу кўргазма маънавият ва маънавий гўзалликнинг умуминсонийлик моҳиятини ифодалаб берди.

Тарихдан аёнки, Ўзбекистон “Буюк Ипак йўли” чорраҳасида жойлашган давлат бўлиб, у халқаро бирлашма ва ташкилотлар учун ҳам муҳим стратегик макон ҳисобланади. Ўтмишда хитой ва ўзбек халқи ўртасида нафақат савдо-сотик соҳасида, балки маданий-маърифий соҳада ҳам яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатил-

<sup>1</sup> Нишонова О. Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Фан» нашриёти, 2013. –Б.16-18.

ган. Масалан, Хитой чиннисига ўхшаш буюм яратиш мақсадида Ўрта Осиё кулоллари сопол кошиннинг оқ-қаймоқранг кўринишини яратишган. Бу янгича сопол тури эса чиннига жуда ўхшаш бўлиб, унга ўйма нақшлар ҳам жуда осон туширилган.<sup>1</sup> Хитой давлати билан бу каби ўзаро маданий ҳамкорлик алоқалари ҳозир ҳам “Бир макон – бир йўл” ташаббус доирасидаги фаолиятда давом этмоқда.

Республикамызда «Усто» халқ амалий санъати бирлашмаси фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур бирлашма қадимий маънавий қадриятларимиз асосида мол терисига миниаюра ишлаш услуги, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, наққошлик, кандакорлик, заргарлик, сополчилик сингари халқимизнинг қадимий санъат турларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш ишларига масъул ҳисобланади. Бироқ, бу ердаги санъат турларида бадиий анъана фақат техник ва бадиий усуллар мажмуидан иборат бўлиб қолмай, кўпроқ инсоннинг ҳаёт тарзи, турмуш фалсафасининг инъикоси сифатида намоён бўлади. Бу борада Фарғона водийси, Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Тошкент бадиий ҳунармандчилиги гўзалликни халқ анъаналари билан мужассамлаштирганлиги билан аҳамиятга моликдир. Айниқса, анъанавий халқ санъатининг табиий шакллари Тошкент каштачилиги, сандиқчилик, бешикчилик ҳамда ёғочдан ишланган асбоб-анжомлардаги орнаментал безакларда кўриш мумкин.

Таъкидлаш зарурки, маънавият гўзаллиги одамлар, халқлар, миллатлар ва давлатларнинг ўзаро ахлоқий, эстетик, маданий, маърифий алоқалари натижасида мустақамланади. Ўзбек халқининг бой маданий мероси, унинг жаҳон тарихидаги ўрнини белгилаш, тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги истеъдодли ижодкорларни халқимизнинг бой маданий меросини, Ватан олдидаги масъулиятини, миллий ўзлигини англаш ғояларини тараннум этувчи ёрқин асарлар яратишга йўналтириш маънавий гўзалликни мустақамлашга хизмат қилади. Шу маънода, чинакам санъат халқнинг юксак маънавий қадрияти ҳисобланади. Бундай санъат

<sup>1</sup> Қаранг: Пугаченкова Г.А., Ремсель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. –Москва: Искусство. 1982. С. 116-119.

жамият маънавий ҳаётини гўзаллаштиришга куйидаги хусусиятларга кўра таъсир кўрсатади:

- соғлом руҳ ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурларни бойитади;
- реал ҳаёт ҳақиқатини тасвирлайди;
- инсоний тафаккур ва дунёқараш манбаини яратади;
- онгли дунёқарашга асосланган ижод эркинлиги ҳамда замон билан ҳамнафас руҳини сингдиради;
- янгиланаётган ҳаёт жараёнларига яқинлашади ва унинг илгор анъаналари ёритади ва мазмунан бойитади;
- янги услуб ва бадиий усуллардан фойдаланган ҳолда гўзалликни намоеън қилади.

Адабиётшунослар ҳақиқат гўзаллик билан омухталашган ҳолда бадиий асарнинг икки қанотини ташкил этади, шу тариқа ҳақиқат гўзаллик хизматига камарбаста бўлгани боис фалсафий мазмуни билан яхлит ялакат,- дейишади: “Алалхусус, бадиий ғоя маънавий-ахлоқий кадриятларни ёклагани, инсон руҳиятини бойитишга қаратилгани боисидан ҳам гўзаллик маснадига эга. Демак, у ҳақиқатни тасдиқлашга хизмат қилаётир.”<sup>1</sup>

Ҳар бир миллат ва халқнинг ўзига хос эътиборли жиҳатлари бўлади. Гўзалликни идрок этиши, завқланиши ва бадиий-эстетик мушоҳадасига қараб миллатга баҳо берилади. Ҳар қандай маънавий, сиёсий, ижтимоий ҳодиса даврлар ўтиши билан такрорланади. Бироқ, буниси аввалгиси билан бир хил бўлмайди, балки муайян янгиликлар, янгича муносабатлар орқали ривожланади. Инсон маънавий тафаккури ўзликни англашга қаратилган муайян жараёнлар орқали белгиланиб, у зарурийлик нуктаи-назаридан олам тажрибаларини ўзлаштиришга қаратилган бўлади. Бу тажрибалар сирасига инсон томонидан кадриятлардаги гўзалликни ўзлаштириш, идрок этиш ҳам киради. Зотан, инсон ҳаётини, яшаш тарзини, фаолиятини белгилаш вазифасини ўз зиммасига олган интеграция жараёнларида бу масаланинг ижобий ҳал этилиши ғоятда зарур. Бу каби масалаларга жавобни замонавий эстетиканинг муҳим йўналиши ҳисобланган герменевтикадан излаш лозим.

<sup>1</sup> Қаранг: Раҳимжонов Нуъмон. Бадиий сўз эстетикаси. –Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-мағбаа ижодий уйи, 2017. -37 б.

Маълумки, герменевтика XX асрнинг муҳим фалсафий-эстетик йўналиши ҳисобланади. У ўзгалар томонидан даврлар мобайнида юзага келган, муайян халқнинг идеалида шаклланган ҳамда ҳанузгача ўша халқнинг анъаналарида яшаб келаётган қарашларни тарихий ўзлигини инсоннинг шахсий изланишлари орқали тушунтириб берувчи фалсафий йўналиш. Мазкур йўналишнинг етук намоёндаси Ганс Георг Гадамер ибораси билан айтганда, “Герменевтика - амалиёт дегани. Кимки амалиёт ва унинг миқёсли кўлами ва фалсафий ибтидосидан умумлашмалар олмас экан, тафаккур ютуқларининг жамики янги услубларини ўрганган бўлмасин, улар ёрдамида билимларини амалиётга қўллаш илмини ўргана олмайди. Ёхуд герменевтиканинг фундаментал ҳақиқати мана бундай: Ҳақиқат бирор-бир шахс томонидан англлатилмайди ва ҳабардор қилинмайди. Имкон даражасида фикрлаш, ўз сўзини айта олиш, уларни талаффуз қила билишни ўрганиш - мана шулар герменевтиканинг юраги саналади.”<sup>1</sup> Шу маънода, герменевтика сўзлар, фикрлар, иборалар, тушунчалар моҳиятан қандай маънони англлатиши, уларнинг мазмуни қандай йўналишга қаратилганлигини билиш ҳамда одамларнинг ранг-баранг дунёқарашидан умумийликни топишни ўзининг асосий вазифалари қилиб белгилайди. Шу жиҳатдан қараганда, гўзалликнинг жамият ҳаётига таъсирини ўрганиш билан бирга, гўзалликни жамият ҳаётида намоён бўлиш хусусиятларини ҳамда таъсири реал воқеликка айланган жараёнларни эстетик таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Санъат воқеликни ўзининг қонуниятларига мос тарзда акс эттиради. Унинг ғоявий йўналишлари инсонларда теварак-атроф ва нарсалар оламига нисбатан эстетик муносабатни шакллантиради. Буни айниқса, ифодали санъат турлари, хусусан меъморлик (архитектура) санъати орқали кузатиш мумкин. Чинакам меъморий обида гўзаллиги механика қонунларини янги мазмун билан бойитиш, меъморликнинг қадимий анъаналарини замонавий кўринишлар орқали намоён қилиш натижасида юзага келади. Бундан ташқари, меъморий обида қатор эстетик хусусиятларга

<sup>1</sup> Гадамер Г. Актуальность прекрасного. -Москва: Искусство. 1991. -8 б.

эга бўлиб, унда шакл гўзаллиги ўзига хос ўрин тутади. Шунингдек, меъморий обиданинг гўзаллиги ҳамоҳанглик, мутаносиблик, уйғунлик каби гўзаллик элементларининг ўзаро муносабати натижасида юзага келади. Шунга кўра, меъморликдаги гўзаллик куйидаги жиҳатлар билан белгиланади:

Бинонинг кўриниши инсонга эстетик завқ бағишловчи шакл сифатида моҳиятан гўзалликка яқин.

1. Бинонинг гўзаллиги лойиҳадаги шакл ва мазмуннинг ҳамоҳанглиги билан боғлиқ.

2. Меъморий обиданинг гўзаллиги инсон баркамоллигининг маҳсули сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз ҳудудидаги қадимий меъморий обидалар (мадраса, масжид, мақбара, хонақоҳ, минора, арк, бозор ва ҳ.к.)ни инсон бадий тафаккури ва эстетик дунёқарашининг ўзаро уйғунлиги асосида реал оламда бунёд этилган гўзаллик дейиш мумкин. “Ислом динига хос меъморий обидаларда гўзаллик, - дея таъкидлайди санъатшунос Муҳаммад Токи Жаъфарий, - меъморчиликнинг манфаатдорлик ҳамда лойиҳавий хусусиятлари билан узвий боғлиқ”<sup>1</sup>. Бундан англанадики, азалдан мусулмон меъморчилигида қурилаётган бино, иншоотга нисбатан «фойданланса бўлаверади» қабалидаги юзаки муносабатни эмас, балки «Бу обида инсонга зарур бўлган эҳтиёжни тўлақонли тарзда қондиришга ҳизмат қилмоғи лозим», деган эстетик тамойил бирламчи аҳамият касб этганлигини англаш мумкин. Балки Хива, Бухоро, Самарқанд, Тошкент каби кўҳна шаҳарларимизда қад ростлаб турган меъморий обидалар ўз тароватини ҳануз йўқотмаганлиги ҳам юқоридаги эстетик тамойилга оқилона муносабат натижаси бўлса ажаб эмасю

Араб маданиятшуноси Саид Хусайн Наср ўзининг мусулмон дунёси санъати, маданияти ва меъморчилигига доир тадқиқотларида гўзалликнинг назарий ва амалий томонларига эътиборни қаратиб, Ислом маданиятида гўзалликни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш ғарбдагидек юқори босқичда эмаслигини уқтиради.

<sup>1</sup> Муҳаммад Токи Жаъфарий. Санъат ва гўзаллик Ислом талқинида (форс тилида). -Техрон. 1987.-115 б.

Унинг фикрига кўра, ўзгаллик илоҳий ижод маҳсули, уни инсон тафаккури тушунишга ожизлик қилади. Бироқ, ўзгалликнинг намоён бўлиши инсоннинг маънавий олами билан боғлиқ ходиса. Ўзгалликнинг кўриниб турувчи шакли эса меъморлик, миниатюра санъати ва араб графикасида ўз аксини топади.<sup>1</sup>

Айтиш лозимки, санъат умумжаҳоний динлар билан азалдан доимий алоқада бўлиб келган. Буни мусулмон меъморчилигида ушбу ҳамкорликнинг муҳим мезони бўлган диний-бадий рамз, диний-бадий қонун орқали яққол кўзга ташланади. Мисол учун, масжидлар ёки мақбаралар устидаги гумбазнинг баргикарам, оч-яшил рангда бўлиши - Оллоҳнинг боқий ҳамда ҳаётбахшлигига ишора. Гумбаз эса исломий адабиётларда «жамол» деб белгиланади ва у илоҳий ўзгалликнинг, Аллоҳ жамолининг рамзи саналади. Буни Жомеъ масжидларга яқиндан бориб тикилганда пайдо бўладиган руҳий-эстетик ҳолат билан, яъни гумбаздаги илоҳий ўзгалликдан, минорадаги илоҳий улуғворликдан, пештоқлардаги илоҳий ёзувлардан ҳайратланиш, эътиқодий лаззат ва эстетик завқланиш ҳиссини туйиш орқали кузатиш мумкин.

“Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, дея таъкидлайди, санъатшунос олим Б.Абдурахимов, - айнан масжидларда мазкур худуд меъморчилигига хос бўлган бадий безакларнинг ҳамма турларини учратиш мумкин. Масжидларнинг безакларида зарҳалли кундал, ислимий (ўсимликсимон) манзарали тасвирлар, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, тоштарошлик сиркор-ўймакор сопол, кандакорлик, зарҳал ва бошқа безак турлари учрайди.”<sup>2</sup> Бундай хусусиятлар Тошкент шаҳрининг энг кўзга кўринган, хушманзара жойларидан бирида 8747 м<sup>2</sup> майдонда мусулмон меъморчилиги санъати асосида бунёд этилган улуғвор обида «Темурийлар тарихи Давлат музейи»да яққол намоён бўлган.

Музейни ташқаридан кузатган киши ён-атрофдаги биноларнинг, кўчаларнинг, майдонларнинг музей билан ўзаро мутаносиблигини ҳис этади. Ушбу ҳолат асосида дастлаб музейнинг

<sup>1</sup> Қаранг: Nasr S.H. The Significance of the Void in the art and Architecture of Islam.-Islamic Quarterly. 1992.-16 p.

<sup>2</sup> Абдурахимов Баходир. Ўзбекистонда асори-атиқаларни сақлаш ва таъмирлаш. //Гулистон. 1999. № 6. -36 б.

пештокига, сўнгра унинг гумбазига нигоҳ қаратилса, руҳингиз беҳос фалакка кўтарилгандай бўлади. Гумбазнинг юқорига қараб йўналган шаклга эга бўлиши – ердаги гўзалликларнинг ибтидоси Аллоҳ эканлигини англаш мумкин. Шунинг учун ҳам «Темурийлар тарихи» Давлат музейига Самарқанддаги «Гўри Амир» тарихий ёдгорлик мажмуаси асос қилиб олинган эди. Бу музей хос гўзалликнинг бир жиҳати. Иккинчи жиҳати, музейнинг шакл ва мазмуни мутаносиблигида кўринади. Жумладан, музейнинг олд томонига ишланган сопол намоён (панно)даги арабча хуснихат билан битилган сўз Соҳибқироннинг ўн иккита ҳаётий тамойилларини акс эттирса, музейнинг марказий қисмидаги миллий безаклар фонида жойлашган Амир Темурнинг машҳур герби уни дунёнинг уч бўлагига ҳукмронлик қилганлигини англатади. 200 кв. метрга яқин кўламини эгаллаган, асосий кираверишдаги деворнинг марказидаги мавзули монументал безак эса уч қисмдан иборат бўлиб, чап қисми «*Тугилиш*», марказий қисми «*Юксалиш*», ўнг қисми «*Мерос*» деб номланган. Буларнинг ҳар бири ўзига хос мазмунга эга: у томошабинга Темур ва темурийлар ҳақидаги муайян тарихий маълумотларни эслатади. Масалан, монументал безакнинг «Юксалиш» дея аталувчи қисмидаги тасвирга диққат билан қаралса, унинг бир томонида Куръон, иккинчи томонида шамшир тутган фаришталар тасвирланганлигини кўриш мумкин. Безакнинг марказида эса Соҳибқирон ўз даврида бунёд этган макбараю масжидлар билан бирга, унинг тамғаси бўлган улкан шер устида олтин ҳал куёш ва учта халқа акс эттирилган. Буларнинг бари Амир Темурнинг шон-шавкати, куч-қудратидан далолат беради.

Умуман олганда, меъморлик ёхуд иморатсозликка миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги сифатида муносабат билдирилмоқда. Чунончи, “Ўзбек иморатсозлигининг ўзига хос ва нодир фазилатларидан бири шуки, унда эъзозланаётган туйғу ўзининг такрорланмас энг юксак чўққисини топади.”<sup>1</sup> Мамлакатимизда бунёд этилаётган янгидан-янги меъморий обидалардаги миллий

<sup>1</sup> Иқтибос: Иброҳимов Н. Биз ким ўзбеклар. –Тошкент: «Шарқ» нашриёти-матбаа концерни бош таҳририяти. 1999. -27 б.

услуг, кошинлардаги хандасавий чизикларнинг нафислиги ҳамда ички девор сиртларидаги нақшларнинг ўзига хос жилоси иморат-созлик соҳасида гўзалликнинг таъсири сезилармоқда.

Ҳозирги пайтда кундалик мулоқотимизда “обод қишлоқ”, “обод маҳалла”, “обод худуд”, “обод хонадон”, “атроф-муҳитни гўзаллаштириш”, “ободончилик ишлари” деган сўзларнинг тез-тез тилга олинishiда эстетик маъно бор. Чунки, гўзаллик инсонни, унинг тафаккури ва дунёқарашини ўзгартирмоқда, бу эса инсон ва жамият ўртасидаги эстетик муносабатлар тизимини янги босқичга кўтарилаётганлигини англатади. Ижтимоий тараққиётнинг икки муҳим жиҳати - моддийлик ва маънавийликни ўзида намоён эттирадиган меъморчилик ўз навбатида, мамлакатимизда шаҳарсозлик соҳасининг раванқ топишига ижобий таъсир кўрсатади.

Собиқ Иттифок даврида жорий этилган бир ҳиллик ва ягона стандартлаштириш миллий ва замонавий меъморчилик ҳамда шаҳарсозлик анъаналари эстетик мазмунига путур етказди. Бу даврда меъморий мажмуаларнинг умумий кўриниши, уларнинг экстерьер (ташки) ва интерьер (ички) беағидаги бир хиллик шаҳарнинг бадий-эстетик қиёфасига салбий таъсир этганлигини сезиш мумкин. Бинолар аввало, тартибсиз, ноқулай худудда бунёд этилганлиги, аксариятининг қурилишида табиий муҳит ва миллий хусусиятлар ҳисобга олинмаганлиги шаҳар кўркини бузилишига олиб келди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда шаҳарсозлик соҳасига жиддий эътибор қаратилмоқда, бу борада қатор қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Бироқ, меъморликнинг эстетик хусусиятига кўра, шаҳарсозликда гўзалликнинг намоён бўлиши иккита муҳим жиҳат билан белгиланади. Биринчи жиҳат - шаҳарни муҳандислик талаблари асосида эстетик лойиҳалаштириш. Иккинчи жиҳат - бинолар жойлашувини нафосат мезонлари билан уйғунлаштириш. Бу ўз навбатида, шаҳардаги биноларнинг меъморий, бадий-дизайнерлик, иқлимий жиҳатларини қамраб олади. Азалдан кўркам ва обод шаҳарлари билан дунёга донг таратган юртимизда шаҳарсозлик ана шундай тамойиллар асосида ривожланиб келган. Бу борада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»



асарида қимматли маълумотлар мурожаат қилиш ўринлидир.

Шаҳар, қасаба, қалъалар тўғрисида фикр юритар экан, мутафаккир уларнинг ўзига хос, бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатларига эътиборни қаратади. Бу борада Ўшни «баҳори бисёр яхши», Андижонни «ошлиғи вофир, меваси фаровон», Марғилонни «яхши қасаба», «пур неъмат», Исфарани «оқар сувли, сафолиқ боғчалари бор», Косон (Косонсой)ни «яхши хаволиқ ер» каби шаҳру қасабага кўрк бағишловчи қатор сифатлар билан таърифлайди. Самарқандни эса «Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камрокдур... Самарқанд шаҳри ажаб ораста шаҳредур, бу шаҳрда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлғай. Ҳар ҳарфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмастур, тавр расмедур. Хўб нонволиқлари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши коғаз Самарқанддин чиқар, Жувози коғазлар суйи тамом Конигилдан келадур»,<sup>1</sup>-дея таърифлайди. Шунингдек, «Бобурнома»нинг бир неча жойида Мирзо Улуғбек томонидан Самарқанд қалъаси ичида бунёд этилган мадраса, масжид, ҳаммом ва ҳонақоларнинг меъморий ҳамда бадиий-эстетик хусусиятларини баён этади. Жумладан, «Муқаттаъ» масжидининг нозиклик билан тарашланган ёғочлари ва масжид деворларига нафислик билан ислимий ҳамда ҳитойи нақшларнинг ишланганлиги Бобур томонидан чиройли тарзда тавсифланади. Бундан ташқари, Боғи Майдоннинг ўртасида қад ростлаган «Чилстун» деб номланувчи иморат ҳақида сўз юритиб, шундай дейди: «Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек буржлар кўпорибтурларким, юкқориға чиқар йўллар бу тўрт бурждиндур. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардур. Баъзини морпеч хиёра қилибтурлар. Юкқориғи ошёнининг тўрт тарафи айвондур, сутунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдур. Иморат курсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар. Бу имораттин пуштаи Кўхак сари доманада яна бир боғча солибтур, айвон иморат қилибтур, айвоннинг ичида бир улуғ тош тахт кўюбтур, тули тахминан ўн тўрт, ўн беш қари бўлғой, арзи етти-секкиз қари, умқи бир қари. Мундоқ улуғ тошни хейли йи-

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Тошкент: Юлдузча, 1989.-46 б.



рок йўлдин келтурубтурлар...».<sup>1</sup>

Мазкур фикрлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, шаҳар гўзаллиги куйидаги эстетик омилларнинг мавжудлигига асосланади:

- а) шаҳарда қадимий меъморий обидаларнинг сақланганлиги;
- б) бинолар аҳолининг ижтимоий тармуш тарзи учун қулайлиги;
- в) кенг ва равон йўллар;
- г) сувининг тозаллиги, ҳавосининг мусаффолиги, табиий манзараларга бойлиги;
- д) географик жойлашувининг аниқ тарихий маъносига эгаллиги ва ҳ.к.

Биз юқорида герменевтика иборасини бежиз тилга олмадик. Сабаби, меъморлик герменевтикаси бино, иншоот, обидани эстетик таснифлаш, кўринишини бадий-эстетик талқин этиш, бадий-эстетик рамз мазмунини изоҳлаш орқали намоён бўлади. Чунки, меъморий обиданинг мазмунини тушуниш ва англаш бир-бири билан узвий боғлиқ жараёнлардир. Шундай экан, ривожланаётган шаҳарсозлик ва меъморий герменевтиканинг эстетик йўналишини куйидагича татартиблаш мумкин:

1. Санъат, маданият ва ижодиёт масканлари.
2. Илм, фан, таълим муассасалари.
3. Соғлиқни сақлаш ва спорт мажмуалари.
4. Диний ва диний-маърифий муассасалар.
5. Қадимий меъморий обидаларнинг янги кўринишлари.
6. Замонавий турар-жой бинолари.
7. Дам олиш ва маданий ҳордиқ чиқариш ҳиёбонлари.
8. Давлат бошқаруви ва маъмурий бинолар.
9. Корхоналар ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари.
10. Йўл, транспорт қурилиши иншоотлари.
11. Муқаддас қадамжолар ва қадрият масканлари.

Маълумки, меъморий обида ва иншоотлар инсон бадий-эстетик тафаккури ва куч-қудратининг улугвор маҳсулидир. Пойтахтимизда қайтадан бунёд этилган “Ҳазрати Имом” мажмуаси (ком-

<sup>1</sup> Ўша асар: -45 б.

плекси) фикримизнинг ёрқин мисолидар. Мажмуада Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Тиллашайх масжиди, Қафқол Шоший мақбараси, Усмон Мусхафи музейи (Мўйи Муборак мадрасаси) ҳамда “Истиклол” маҳалла гузари каби меъморий обидалар мавжуд.

Юртимизда бирор-бир тарихий обида йўқки, унга ояти карималар ва ҳадиси шарифлар битилмаган бўлса. Бу битиклар ҳар бир зиёратчи, сайёҳни гўзал ахлоқий фазилатларга чорлайдиган ноёб санъат намунаси бўлиб хизмат қилади. Чунончи, пештоқлардаги оятлар меъморий обиданинг диний-бадий рамзи бўлиб, улар Аллоҳнинг сифатларидан далолатдир. Айвони сандал дарахтидан ясалган йигирмата саккиз қиррали нақшинкор устундан иборат ва майдони 77x22 метри ташкил этган ҳамда 53 метрлик икки минорага эга бўлган “Ҳазрати Имом” Жомеъ масжиди ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, масжид пештоқларга битилган Қуръон Карим оятлари мўмин-мусулмонлар учун ибратли эслатма бўлиши баробарида меъморий обидага кўрк бағишлайди. Айниқса масжиднинг ўнг эшиги пештоқига Қуръони Каримнинг “Зумар” сураси, 10-оятдаги “Эй иймон келтирган бандаларим, Роббингизга такво қилинг. Бу дунёда гўзал амал қилганларга гўзаллик бордир. Аллоҳнинг ери кенгдир. Албатта сабр қилгувчиларга ажрлари ҳисобсиз, тўлиқ берилур”, деб ёзиб қўйилганлиги меъморий обида шакл ва мазмун уйғунлигининг гўзал намунаси эканлигидан далолатдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, гўзаллик воқеликка қарама-қарши бўлган ҳодиса эмас, балки инсоний қадриятдир. Зеро, ҳар қандай гўзаллик инсон томонидан идрок этилиши билан қадриятга айланади. Ана шунинг ўзи гўзалликни ҳам онтологик ҳам гносеологик хусусиятга эга маънавий тушунча эканлигини исботлайди. Шундай экан, шаҳарсозлик ва меъморликдаги гўзаллик тарих, ҳаёт, нафосат каби учта муҳим манбани, тарихийлик, ижтимоийлик, нафосатлилик сингари учта муҳим хусусиятни муҳассама этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар қандай давлат ва жамиятнинг ижтимоий-маънавий муносабатларига гўзалликни сингдиришдан мақсад - маънавий эҳтиёжни қондиришдан иборатдир.

## Гўзаллик индустрияси

Антик давр файласуфи Арасту ҳар қандай фазилат ўзини намоён этган пайтдагина яхши амаллар ҳисобланади, дейди. Чунончи, инсонлар кўнгилдаги фазилатлар шарофати туфайли гўзал яшайдилар, гўзал ва фаровон яшаш эса бахт-саодатдир. Унинг фикрига кўра, бахтли одам (моддий ва маънавий жиҳатдан) яхши яшаётган одамдир. Яхши, гўзал яшаш эса, фазилатларга амал қилиб яшашдир. Инсон учун бахтли яшашдан мақсад ва олий неъмат мана шудир. ... олий неъматга эришишдан мақсад фазл ва камолот ҳосил қилишдир, буни ҳосил қилшидан мақсад эса бахтли яшашдир. Мукаммал мақсад мукаммал фазилатларда баркамолликка эришидир. Гўзал фазилатларга амал қилиб яшаганимизда биз бахт-саодатни ва олий неъматни қўлга киритамиз.

Одатда, “индустрия” ибораси – саноат ва халқ хўжалигининг жамият ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиёти даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган етакчи тармоғига нисбатан қўлланилади. Бу саноатнинг ўзи учун ҳамда халқ хўжалигининг бошқа соҳалари учун меҳнат куроллари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан банд корхоналар (фабрикалар, заводлар, электростанциялар, шахталар, конлар ва бошқалар) мажмуини назарда тутди.

Ҳозирги пайтда, жадал ривожланаётган, кенг оммалашаётган, жамоатчилик эътиборига тушган, турмуш тарзига чуқур сингиб бораётган соҳаларга “индустрия” иборасини қўшиб айтиш урфга айланиб бормоқда. Жумладан, “киноиндустрияси”, “тиббиёт индустрияси”, “модалар (fashion) индустрия”, “байрам индустрияси”, “саломатлик индустрияси”, “хизмат кўрсатиш соҳалари индустрияси”, “кўнгилочар соҳалар индустрияси” ва бошқалар. Булар орасида “гўзаллик индустрияси” тиббиёт, биология ва саломатлик соҳаси билан узвийликда энг кўп тарқалган ва одамлар орасида кенг оммалашган соҳа ҳисобланади.

“Гўзаллик индустрияси”нинг ҳам юздан ортиқ турлари мавжуд. Улардан ХХI асрнинг дастлабки чорагида Air Art, Anti-age, Biolustre, Абдоминопластика, Аква-аэробика, Аквасайклинг, Акупрессура, Ароматерапия, Бальнеотерапия, Биоэпиляция, Блефа-

ропластика, Ботокс, Броссаж каби турлари ҳозирги пайтда кенг оммалашганлигини кузатиш мумкин. Бу турлар асосан инсонни ташқи гўзаллигини мукамаллаштириш, чиройлилик, жозибадорлик ва латофатлилика янгича ёндошув сифатида қабул қилинмоқда.

Ҳозирги пайтда гўзаллик индустриясининг илмий-назарий, илмий-методологик ва илмий-амалий асосларига доир тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бу ҳолат айниқса, тиббиёт, мода, реклама, соғломлаштириш, телекоммуникация, моддий товарлар ишлаб чиқариш соҳасида яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам, гўзаллик индустрияси ҳақида гап кетганда, кўпроқ замонавий иқтисодиётнинг муҳим тамоғи ҳисобланган косметика маҳсулотлари ва ускуналарини ишлаб чиқарувчи марказлар, соҳалар ва фаолиятлар назарда тутилади. Бироқ, россиялик социолог А.К.Орлова “гўзаллик индустрияси”нинг мазмун-моҳияти фақат косметика маҳсулотлари билан чекланмаслиги кераклигини уқтиради. Унинг фикрича, косметик воситалар гўзаллик индустриясининг ўзига хос хусусияти ҳолос, асосий моҳият эса бу воситалардан гўзалликни яратиш ва идрок этиш йўлида мақсадли фойдаланиш ва уни субъектга профессионал тарзда қўллашдан иборатдир.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, гўзаллик индустрияси нафақат юқори технологиялар асосида яратилган инсон ҳаёти, саломатлиги ва ташқи кўринишини гўзаллаштиришга хизмат қилувчи воситаларни тайёрлаш балки, бу маҳсулотлардан самарали фойдаланиш ва ўринли қўллаш билан эстетик тараққиётни таъминлайди. Бунинг учун яратувчи эстетик билим ва юксак эстетик дидга эга бўлиши зарур. Чунки, инсон танаси ва ташқи кўринишини гўзаллаштирувчи воситалар унинг саломатлигига, ҳаётига, турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак.

Глобаллашув даврида, айниқса, маданиятлар интеграцияси ва модернизация жараёнларининг одамлар турмуш тарзига жадал кириб бориши гўзаллик индустриясининг тез суратларда ривожланишига сабаб бўлади. Бугунги кунда тўртинчи sanoat инқи-

<sup>1</sup> Орлова А.Н. Индустрия красоты (социокультурные аспекты): Дисс. ... канд. социол. наук: Москва, 2005. 186 с.

лоби - “Индустрия 4.0” деб номланаётган тараққиёт омили – ахборот технологияларини саноатга чуқур интеграциялаштириш (“киберфизик тизимлар” ёки CPS) орқали амалга оширилмоқда. “Индустрия 4.0”нинг асосий хусусияти – ишлаб чиқариш жараёнининг барча таркибий қисмларининг (корхона ускуналари ва унинг ахборот тизимлари – омбор ва логистика ҳисоби, бухгалтерия, бошқарув ва бошқ.) ишида инсоннинг аралашувини борган сари камайтирган ҳолда, муайян мақсадни амалга ошириш учун бошқа тизим ва одамлар билан ўзаро фаолият юритишдан иборатдир. Ишлаб чиқариш соҳасини батамом ўзгартирилишини инқилоб деб аталишининг сабаби – ўзгаришлар юзаки эмас, балки радикал равишда амалгашиб, индустрия бошидан охиригача қайта қурилади. Бизнес моделлар ўзгаради, янги компаниялар пайдо бўлади, янги “инқилобчилар” сафига киришга улгурмаган, кўп йиллик тарихга эга жаҳонга машҳур брендлар касодга учраб, йўқ бўлиб кетади.

Маълумки, тарихда учта та саноат инқилоби юз берган (1. Бугунги кундаги двигателининг ихтиро қилиниши, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш (XVIII аср охири); 2. Электрлаштириш, конвейер, меҳнат тақсимооти, оммавий ишлаб чиқариш (XIX-аср охири – XX аср боши); 3. Электроника, ахборот технологиялари индустрияси, автоматлаштирилган ишлаб чиқариш (XX аср охири), эндиликда тўртинчи саноат инқилоби (“Индустрия 4.0”) деб номланаётган тараққиёт омили – ахборот технологияларини саноатга чуқур интеграциялаштириш (“киберфизик тизимлар” ёки CPS) орқали амалга оширилмоқда. Тасаввур қилинг, 4 қаватли мухташам уй 19 дақиқада йиғилса, 8 қаватли автотураргоҳга ҳайдовчисиз автомобил 4 дақиқада жойлашлалса ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва иссиқхоналардаги юмушларни бажариш учун куч, вақт ва маблағ кам сарфланса, узоқ жойдан туриб телефон орқали уйингиздаги иситиш тизимини исталган температурага мослаштирсангиз ва ҳоказо. Тасаввур этилиши мумкин бўлган бу ҳолат, тўртинчи саноат инқилобидан кейин кутилаётган ҳаёт тарзи бўлиб, унда кун давомида фойдаланадиган барча жиҳоз ва ускуналар буюртма асосида ясалиб, улар одамларнинг юмушларини бажаради. Бунинг саноатдаги мисолини кўриш учун

шундай усқунани тасаввур қилинги, у иш жараёни учун керак бўлган дастурларни тармоқдан ўзи олади, ўзининг эскиришини таҳлил қилади, эҳтиёт қисмларни омбордан тезкор буюртма қилади ва ўз ишини яхшилаш учун мустақил ўрганиши ҳам мумкин. Қишлоқ хўжалигида эса, тупрокдаги узатқичлар (датчиклар) ерни суғоришни об-ҳаво маълумотига кўра автоматик равишда назорат қилади. Бундай мисоллар кўплаб топилади.

“Индустрия 4.0” атамаси 2011 йилда Европада пайдо бўлиб, Гонновер шаҳридаги саноат кўرғазмаларидан бирида Германия ҳукумати томонидан ахборот технологияларини ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этилиши эълон қилинганди. Бунинг учун расмий шахслар ва мутахассислар иштирокида тузилган махсус гуруҳ томонидан Германиядаги саноат корхоналарини “ақлли” корхоналарга айлантириш стратегияси ишлаб чиқилди. Бундан ўрнатқ олиб, бошқа давлатлар ҳам янги технологияларни татбиқ этишга киришдилар ва ҳозирда “Индустрия 4.0” гоёси бутун дунёни забт этишни бошлади.

“Индустрия 4.0” атамаси воқеликнинг негизини англаувчи “Ашёларнинг интернетини” (Internet of things) ёки “Барча нарса-нинг интернетини” (Internet of everythings) номли янада умумий атама бўлиб, унга кўра, мавжуд интернет тармоғига оддий нарса-ларнинг ҳам уланишини тушунамиз. Бу ҳамма нарсага тааллуқли бўлади – маиший техника, жиҳозлар, автомобиллар, бинолар ва албатта, саноат ва қишлоқ хўжалигини қамраб олади. Бир сўз билан айтганда, “Индустрия 4.0” бу – “Ашёларнинг интернетини” омилларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишдир.

“Индустрия 4.0”нинг асосий хусусияти – ишлаб чиқариш жараёнининг барча таркибий қисмларининг (корхона усқуналари ва унинг ахборот тизимлари – омбор ва логистика ҳисоби, бухгалтерия, бошқарув ва бошқ.) ишида инсоннинг аралашувини борган сари камайтирган ҳолда, муайян мақсадни амалга ошириш учун бошқа тизим ва одамлар билан ўзаро фаолият юритишдан иборатдир.

Узоқ тарихга эга бўлган барча компаниялар ҳам бу кескин ўзгаришларда жон саклай олмайди. 2000 йилдаги Fortune 500 рейтингига кирган компанияларнинг 52 фоизи ҳозирда мавжуд эмас.

Янги технологияларни мувафаққиятли ўзлаштира олганлар икки бора ютадилар: истеъмолчилар томонидан машхур брендларга нисбатан қизиқиш катта бўлади ва агар улар мижозларга индивидуал ёндошувда ишлашни бошлашса, мижозлари уларга кейинчалик ҳам содиқ қолишга тайёр бўладилар. Масалан, Harley-Davidson компанияси иқтисодий инқироз сабабли ўз маҳсулотларига талабни кескин камайишини бошидан ўтказганига қарамасдан, “Индустрия 4.0” тамойилларига ўтгандан кейин унинг акцияларининг қиймати олти йил ичида етти баробар ошди. Энди эса, мижозлар машхур Harley мотоциклини ўзига ёкқан рангдаги, ўзи танлаган хусусиятга эга моделига буюртма бериши ва уни олти соатдан кейин бевосита заводдан олиши мумкин. Одамлар аста-секин “ақлли” уйларда яшашга, смартфонда бармоқнинг бир нечта ҳаракати ёрдамида ҳар қандай муаммони ечишга ўрганишмоқда. Шубҳасиз, бундай тамойилларни улар ўз иш жойларига ҳам татбиқ этишни истайдилар.

Ҳозир шундай вақтки, “Индустрия 4.0” бозори янги тугилаётган ва энди ривожланаётган даврни ўз бошидан кечирмоқда. Шу боис, янги давр саноатининг тамойилларини амалда қўллашни бошлаган кўплаб компаниялар устунликка эга бўладилар. Бироқ, келажак компаниясига айланиш учун, бошқалардан илдамроқ ҳаракат қилишни ҳозирдан бошлаш лозим.

Ҳозирда буюртмачининг ҳам, истеъмолчининг ҳам эҳтиёжи, истаклари ва хатти-ҳаракати ўзгармоқда, улар индивидуал ёндошувни ва ноёб товарларни хоҳламоқдалар, оммабоп молларга эса эҳтиёж камаймоқда. Бир хил нарсаларни ишлаб чиқаришга ўрганган корхоналар ўз ишини қайта ташкил қилишга мажбур бўлмоқда. Буни одамларнинг воқеликка эстетик муносабати ва гўзаллика ёндошувининг ўзгариши билан ҳам изоҳлаш мумкин. Чунончи, “Индустрия 4.0” тамойилларини ҳаётга ва ишлаб чиқариш жараёнларига татбиқ этилиши, анъанавий саноат моделларида бўлмаган бир қанча афзалликларга эга бўлишга ёрдам беради. Масалан, компаниялар мижозларнинг истакларига қараб, буюртмаларга индивидуал ёндошишлари мумкин. Бу жараён эса эстетик билим ва эстетик дидни тақазо этадиган воқелик ҳисобланади.



Россиялик тадқиқотчи Е.А.Гужа замонавий турмуш эстетикасининг глобал муаммоларини маданиятлар трансформацияси ва воқеликнинг жадал эстетиклашуви ҳодисаси билан боғлайди. У эстетиклашув жараёнини фалсафий-эстетик воқелик сифатида маданиятнинг турли соҳаларида эстетик тажриба ва эстетик мавжудликнинг кенгайиб бориши натижаси сифатида олиб қарайди.<sup>1</sup> Шунингдек, эстетиклашув жараёнини финляндиялик нафосатшунос В.Вельш эстетик билимнинг юксалиши ва унинг санъат фалсафаси доирасидан чиқиб кетиши сифатида баҳолайди.<sup>2</sup>

Шуни айтиш лозимки, ҳозирда, ишлаб чиқаришни роботлаштириш бўйича Хитой етакчи ўринга чиқиб олди. Хитой раҳбари Си Цзинпин 2014 йилда Хитой фанлар академиясида сўзлаган нутқида, бўлғуси роботлар инқилоби аввал Хитойни кейин эса бутун дунёни тубдан ўзгартириши ҳақида гапириб, “Хитой ҳукумати томонидан хитой компанияларининг зиммасига “Улкан маълумотлар” (Big Data), “булут”ли ҳисоблаш (cloud computing), “Ашёларнинг интернет” (Internet of Things) технологияларини татбиқ этишни тезлаштириш ва “ақлли фабрикалар”ни (intelligent manufacturing) ташкил этишга эътиборни жамлаш вазифаси топширилади”, деган эди. Охириги йилларда Хитой компаниялари бутун дунёда юқори технологиялар тадқиқотларига инвестициялар миқдорини кескин кўпайтириб, бунинг натижасида 2013 йилдан бошлаб Хитойнинг саноат роботлари бозори дунёдаги энг йирик бозорга айланди. 2020 йилга бориб Хитойда ҳар 10 000 саноат ишчи ўринларига ўртача 150 та робот тўғри келиши кутилмоқда. Бу эса, 2015 йилга қараганда 3 баробар кўп деганидир.

Шундай қилиб, 10-15 йилдан кейин дунё умуман бошқача бўлиши мумкин. Содир бўлаётган ўзгаришларни сезмаслик, уларни писанд қилмаслик – тараққиётдан четда қолиб кетиш билан баробардир. Бундай етакчиликка эришиш учун эса, бу ўзгаришларни

<sup>1</sup> Гужа Екатерина Алексеевна. Эстетика повседневности в современной культуре: мода и стиль жизни: Дисс. ... канд. филос. наук. Москва, МГУ. 2017.- 146 с.

<sup>2</sup> Welsch W. Aesthetics beyond Aesthetics // Proceedings of the XHth International Congress of Aesthetics, Lahti 1995, Vol. III: Practical Aesthetics in Practice and Theory, ed. Martti Honkanen, Helsinki 1997. – P. 18-37.

Ўзимиз шаклантиришимиз лозим!

Дарҳақиқат, бугунги кунда умуман эстетика, хусусан нафосат фалсафасининг тадқиқот доираси кенгайиб бормоқда. У ахборот технологиялари, коммуникация, мобил алоқаларидан тортиб токи инсон фаолияти билан боғлиқ барча соҳаларга кириб бормоқда. Одамлар яхши яшашга, фаровон ҳаёт кечиришга интилиши билан бирга, бетакрор гўзалликлардан таъсирлана оладиган нозик қалбга ҳам эга бўлиш истаги ҳам кучайиб бормоқда. Буни гўзалликни индустриалашуви билан изоҳлаш мумкин.

Гўзаллик индустрияси гўзалликнинг қиймат касб этувчи механизмга айланиш жараёнини тезлаштиради. Бугунги кунда иқтисодий-молиявий инқироздан қатъий назар “Гўзаллик индустрияси (“Beauty – industry”) бизнесининг энг даромадли тармоғига айланмоқда. Айниқса, гўзаллик салонлари, косметик хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, пластик операцияларни амалга оширувчи клиникаларининг бизнесдаги даромадлари узоқ муддатли ва истиқболли бўлганлиги боис инвесторларнинг қизиқишини орттирмоқда. Бу борада гўзаллик салонлари, саргарошхоналар, эстетика марказлари каби хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги тармоқларининг “бозори чаққон”. Ушбу соҳага бўлган эҳтиёж йилига 7,8% ошиб бормоқда.

Бир қараганда, гўзаллик индустрияси тор ва унчалик ҳам назарга тушмайдиган соҳага ўхшайди. Аслида эса барча кун давомида бевосита ёки билвосита ушбу соҳанинг хизматига эҳтиёж сезади. Kursiv Research ўтказган кичик-сўровномага кўра, Қозғистон Республикаси аёллари косметик ва гигиеник воситаларни сотиб олишдан ташқари ҳар ойда ташқи кўринишига ўртача 15.000 танга маблағ сарфлар экан. Шунингдек, ForumDaily нашри ойлик маоши ва даромади катта бўлган, айниқса аёллар учун жуда зарур ва интиладиган 5 та касб-мутахассисликни эълон қилди. Унга кўра: 1. Парманент макияж устаси (Permanent makeup artist) 1 йиллик маоши \$55 000 — \$80 000. 2. Маҳсулотга ишлов берувчи (product developer) – 1 йиллик маоши \$46 413 — \$127 164; 3. Гўзаллик салони директори (hair and beauty salon owner) – 1 йиллик маоши \$75 000дан бошланади. 4. Бьюти-копирайтер ёки бьюти-муҳаррир (beauty copywriter/beauty editor) – 1 йиллик ма-

оши \$30 265 — \$72 536; 5. Стилист-мутахассис (personal fashion stylist) 1 йиллик маоши \$20 418 — \$177 986 гача.<sup>1</sup>

UN Comtrade Database таҳлилларига бўйича 2015 йилда эфир мойи, парфюмерия, косметик ва гигиена маҳсулотларини кўшганда гўзаллик индустрияси бўйича Франция, АҚШ ва Германия энг йирик экспортёр давлатлар сифатида эътироф этилган. Ушбу турдаги маҳсулотлар экспорти бўйича совокупном экспортдаги улуши Ирландия (7,06%), Того (6,78%) ва Аруба (6,21%)ни ташкил этган. Гўзаллик индустрияси бўйича энг кўп экспорт хажмига эга давлатлар ҳақида қуйидаги маълумотлар тақдим этилган:<sup>2</sup>

Давлатлар	Гўзаллик индустрияси маҳсулотларининг экспорт хажми (US\$)	Жами экспорт (US)	Гўзаллик индустриясининг жами экспортдаги улуши
Франция	\$15 117 598 598	\$493 941 214 224	3,06%
АҚШ	\$11 808 302 041	\$1 501 845 863 839	0,79%
Германия	\$9 708 131 650	\$1 328 549 134 465	0,73%
Ирландия	\$8 798 037 535	\$124 671 389 186	7,06%
Булок Британия	\$5 504 744 568	\$466 295 682 754	1,18%
Хитой	\$4 703 486 650	\$2 281 855 922 483	0,21%
Сингапур	\$4 554 697 829	\$346 638 023 572	1,31%
Италия	\$4 382 316 401	\$456 988 720 336	0,96%
Испания	\$3 816 117 624	\$278 122 010 154	1,37%
Нидерландия	\$3 111 446 785	\$473 334 284 173	0,66%
Бельгия	\$2 932 505 937	\$397 739 156 690	0,74%
Жанубий Корея	\$2 929 480 236	\$526 897 235 978	0,56%
Швецария	\$2 867 535 683	\$291 959 193 895	0,98%
Польша	\$2 654 375 362	\$194 461 157 270	1,36%

Сўнгги йилларда гўзаллик индустриясиги кизиқиш тобора ортмоқда, кенг оммалашмоқда. Шуни айтиш керакки, гўзаллик индустриясининг кўлами макияж ёки гўзаллик салони билан чегараланмайди, балки жаҳон брендидаги истемол товарлари, хизмат

<sup>1</sup> Маълумотлар <https://Ehow.com> манбасидан олинди.

<sup>2</sup> Маълумотлар [https://vsetreningi.ru/schools/industriya\\_krasoty](https://vsetreningi.ru/schools/industriya_krasoty) манбасидан олинди.

кўрсатиш соҳалари, франшизлар ва бошқа инсон қизиқиш ва интилишлари билан боғлиқ маҳсулот турлари сифатида қаралмоқда. Эндиликда, ҳар бир маҳсулот ёки сервис инсонни атроф-оламга бўлган муносабатини ўзгартиришга хизмат қилмоқда, уларнинг нарса (предмет)лар дунёсига бўлган қизиқишини уйғотмоқда. Шу билан бирга гўзаллик мезонлари ҳам жадаллик билан ўзгаряпти, соҳада инновациялар учун имкониятлар кенгайиб бораёпти. Кун сайин ўзини навқирон ва чиройли қиёфада кўришни истовчилар ва шунга интилаётганлар аудиторияси кўпайиб бормоқда. Ҳозирги замонавий жамиятда ташқи кўринишга эътибор натижадорлик гарови эканлиги ҳамда чиройли кўриниш орқали иш самарадорлигини ошириш мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. ...

Шу жиҳатдан қараганда, гўзаллик маънавий жараёнларда илғор кадриятларни яратиш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ воқеликда акс этса, моддий неъматлар яратиш жараёнида қиймат касб этувчи механиз сифатида намоён бўлади. Шу боис гўзаллик олами бой ва серқирра. Бироқ, гўзаллик ҳақидаги ҳар қандай фикр, ғоя, қараш амалиётга тадбиқ этилгандагина кадриятга айланади. Гўзаллик назариясини амалиётга қўллаш эса инсоннинг эстетик онги, эстетик фаолияти орқали амалга оширилади. «Эстетик онг ва эстетик фаолият тушунчаси моҳиятан яхлит, ўзаро боғлиқ бўлиб, эстетик фаолият эстетик онг асосида вужудга келади, шаклланади, - дея таъкидлайди нафосатшунос олим Э.Умаров. - Мазкур фикрни бошқача ифодалаганимизда, эстетик фаолият эстетик онгнинг амалга оширилиши ва моддийлаштирилишидир. Эстетик фаолият асосини инсоннинг муайян талаб ва эҳтиёжлари ташкил этади. Инсон фаолиятининг хусусияти ана шу талаб ва эҳтиёж табиати билан белгиланади».<sup>1</sup>

Ҳозирда гўзаллик жамият ҳаётининг барча жабҳаларида намоён бўлмоқда. «Чиройли шаҳарлар», «ораста либослар», «кўркам сайлгоҳлар», «чиройли автомашиналар», «бежирим маҳсулотлар», «мафтункор оромгоҳлар», «сўлим гўшалар» каби сўзларнинг турмуш тарзимизда тез-тез тилга олиниши жамият ҳаётига гўзалликни жадал кириб бораётганлигидан далолатдир.

<sup>1</sup> Умаров Э. Эстетика. -Тошкент: Ўзбекистон. 1995.-96 б.

Ҳар қандай жараён назариянинг амалиёт билан узвийлигини тақазо этади. Гўзалликни назарий таҳлил қилишдан қўзланган мақсад ҳам унинг амалиётга татбиқ қилиниши ва унинг амалиёт билан қандай боғланганлигини ўрганишдан иборатдир. Зеро, инсон нафақат мавжуд гўзалликни идрок қилади, айти пайтда уни яратади ҳам.

Мамлакат тараққиёти моддий неъмат яратувчиларини ҳар томонлама қўллаб қувватлашга боғлиқ, маҳсулотга талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ёндошиш орқали иқтисодиётни барқарорлаштириш мумкин. Зеро, жаҳонда молиявий инкироз даврида эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим устувор вазифалардан бири Президентимиз таъкидлаганларидек, бу - "... ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир"<sup>1</sup>

Инсонларда табиат, жамият муносабатлари билан фаолият олиб боришдан аввал уларда дастлаб воқеликни англаш жараёни шакллана бошлайди Инсон воқеликни кузатади, ўрганеди, мушоҳада қилади ва сўнгра у билан фаолият олиб боради. Эстетик фаолият эса юқорида таъкидлаганимиздек, талаб ва эҳтиёжга асосланади. Талаб ва эҳтиёжни қондиришга қаратилган фаолият ўз навбатида, инсонда манфаатдорлик ҳиссини пайдо қилади.

Манфаатдорлик ҳисси гўзалликни моддий неъматлар яратиш жараёнига таъсирида яққол кўзга ташланади.

Маълумки, моддий неъматларни яратишнинг асосини меҳнатга онгли муносабат ташкил этади. Шу жиҳатдан қараганда, меҳнатни моддий-эстетик маданиятнинг асосий моҳиятини ташкил қилувчи омил, деб атасак муболаға қилмаган бўламиз. Бирок, инсон ўзининг фаолияти орқали меҳнатга турлича муносабатда бўлади. У гоҳида бажараётган ишининг натижасига ишонмайди,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Тошкент: Ўзбекистон. 2009. -41 б.

унга лоқайд, бепарво, манфаат келтирмайдиган фаолият сифатида қарайди. Натижада у меҳнатдан бегоналашади. Меҳнатдан бегоналашган инсоннинг эса ҳаётга нисбатан муҳаббати сўнади. Бунинг акси ўларок, инсон ўз меҳнатига гайрат, шижоат, иштиёқ, қизиқиш билан ёндашади. Аммо, барча меҳнат турларининг эстетик моҳияти ҳамда гўзаллик яратиш имконияти у ёки бу жамиятда, жамоада қилаётган меҳнатининг самарасини англай олиши, ўз меҳнатининг аҳамиятини чуқур ҳис этиши ва ундан қониқиши билан белгиланади.

Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг иқтисодий асоси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти бўлиб, мамлакатимизда иқтисодиётнинг таркибий ўзгартиришга қаратилган ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бугунги кунда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифа – бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат. Бугунги кунда тардбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш учун иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароит ва кафолатлар яратилди. Мулкдорлар синфини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқини мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. Эндиликда ташаббускорлик ва тадбиркорликни рағбатлантириш, одамларда мулкка эгалик ҳиссини тарбиялаш орқали жамиятнинг ижтимоий негизлари мустаҳкамланиши англаб етилди.

Бозор иқтисодиёти кишиларни меҳнатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиради, меҳнатга онгли тарзда ёндашувни шакллантиради, инсонни боқимандалик кайфиятларидан халос қилади. Ўз меҳнатининг самарасини англаган, меҳнати жамият манфаати йўлида фойда келтираётганлигини ҳис этган инсон ўз ишига кўтаринки руҳда ёндашади, ундан лаззат ва завқ олади. Ҳолбуки, меҳнатдан олинадиган завқ ҳам умуминсоний маънавий қадриятлардан келиб чиққан холда улуғвор мақсадларга йўналтирилганлиги билан белгиланади. Шунга кўра, меҳнатнинг гўзаллиги ўзида фойдалилик, иштиёқ, қувонч туйғуларини ҳосил қилади.

Бозор иқтисодиёти айни пайтда, жамиятнинг умумий тараққиётига улкан ҳисса қўшиши баробарида жисмоний меҳнатнинг эстетик хусусиятини тўлалигича намоён қилиш имкониятларини

очиб берувчи асос бўлиб ҳам хизмат қилади. Зеро, у ташаббус ва тадбиркорликни, одамнинг ўз кучи ва салоҳиятига суянишини рағбатлантиради ва самарали ҳўжалик юритишга ўргатади. Бу эса ўз навбатида, гўзалликни қиймат касб этувчи механизмга айланиш жараёнини тезлаштиради.

Бундан ташқари, меҳнатнинг маҳсули гўзаллик сифатида идрок этилиши учун меҳнаткаш томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар аввало, истеъмолчининг дидига мос келиши, унинг эҳтиёжини қондириши лозим. Бунинг учун эса маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркор ҳам муайян эстетик билимга, эстетик дидга эга бўлиши, истеъмолчининг нафақат моддий балки маънавий-эстетик эҳтиёжи билан ҳисоблашмоғи талаб этилади. Холбуки, бусиз меҳнаткаш ўз меҳнатининг маҳсулига гўзалликни сингдира олмайди. Зотан, нафосатшунос А.В.Цай айтганидек, “Маҳорат, тажриба, уддабуронлик, мақсадли йўналтирилган ихтиёрийлик: мана шулар ижодий меҳнат гўзаллигининг муҳим манбаидир”<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам меҳнаткаш ишлаб чиқариш жараёнида яратётган маҳсулотининг ҳажми, ташқи кўриниши, фойда келтириш даражаси қандай бўлишидан қатъий назар, маҳсулотга ижодий тарзда ёндашади. Бу ижодийлик эса бевосита моддий олам билан эстетик муносабат натижасида юзага келади.

Шу ўринда “моддият” тушунчасига тўхталиб ўтмоқ жоиз.

Буюк қомусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг: “Моддият-аниқлик либосини кийиб, бирон нимарса шаклида кўринади... Шундай қилиб, моддият ўзида аниқ нарсаларни вужудга келтириб туради. Вужудга келтириш борлиқ ўзгариш ва таракқиёт-дадир”<sup>2</sup>, - деган фикри ҳақиқатга яқиндир. Чунки, моддий оламини инсон қандай бўлса шундайлигича, унга ҳеч бир қўшимчалар қўшмасдан тасаввур қилади. Бу бевосита моддий олам гўзаллигининг фойдалилик билан ўзаро муносабати масалаларига ҳам дахлдор. Негаки, инсон нарсалар оламини нафосат тамойиллари асосида идрок қилишда энг аввало, буюмнинг ташқи кўриниши-

<sup>1</sup> Цай А.В. Материальная культура в свете современной эстетики. -Тошкент: Фан, 1994. -123 б.

<sup>2</sup> Иктибос: Усмонов Т. Дунёвий илмлар замири. “Қалб кўзи” газетаси. 1999. № 2. 17-феврал.

га, сифатига, истеъмол учун ярқилиги ва бошқа хусусиятларига эътибор қаратади.

Нарсалар оламининг эстетик муаммоларини ёритишга ҳаракат қилган С.С.Арзуманян, нарсалар олами моҳиятан-объектив реалликка яқин, у теварак-атрофни ўраб турган жонли табиат билан доимий алоқада, нарсалар инсон томонидан яратилганлиги боис «иккинчи табиат» мақомига эга, деган қарашни илгари суради ва инсонни камолотга етаклашда моддий олам устуворлигини эътироф этади.<sup>1</sup>

Бироқ, С. Арзуманяннинг мазкур фикри бизнинг назаримизда, бироз мунозарали. Негаки, моддалар олами инсон камолотидаги бирламчи восита эмас ва биз уни тўғридан-тўғри қабул қила олмаймиз. Чунки, фойдалилик инсоннинг нарсалар олами билан бўладиган муносабатида энг аввало, мутаносибликка, мақсадга мувофиқликка, уйғунликка асосланмоғи шарт. Шундагина мазкур жараён инсон томонидан нарсалар оламини расмона тарзда эстетик идрок этиш имкониятларини вужудга келтиради. Бу айниқса, техника эстетикасида кўпроқ намоён бўлади.

Маълумки, маҳсулотнинг гўзаллиги янги технологик жараёнларни вужудга келтириш орқали барқарорлашади. Аксинча, маҳсулотни ишлаб чиқариш эскирган технологиялар, эскича талаблар асосида олиб борилса, бундай маҳсулот ҳар қанча кўп куч сарфланмасин кишиларни ўзига жалб қила олмайди. Ишлаб чиқаришга янги технологияларни олиб кириш ўз навбатида, моддий буюмларда гўзалликни намоён қилиш имкониятларини кенгайтиради. Бироқ, мазкур жараён ўз-ўзича тайёр ҳолларда эмас, балки техникавий тафаккур салоҳияти орқали рўёбга чиқади. Шунинг учун кенгрок олиб қарайдиган бўлсак, техника гўзаллиги ҳам фан гўзаллиги сингари билвосита ва бевосита мазкур жараённи амалга оширувчи асосий куч саналган мутахассисга боглиқ бўлади.

Инсон ҳаёти, фаолияти нафақат табиий эҳтиёжларга, балки ўзи томонидан яратилган нарсалар оламига ҳам боглиқ. Инсон ўзини қуршаб турган оламнинг қандай бўлишини кўп ҳолларда ўзи бел-

<sup>1</sup> Қаранг: Арзуманян С.С. Эстетическая организация предметной среды. - Ереван. Изд. АН Арм.ССР. 1988. С. 20-21.



гилайди. Ана шу жараённинг асосида эса замонавий амалиётнинг муҳим кўриниши ҳисобланган нарсалар оламини бадиий лойиҳалаш масаласи ётади. Фан-техниканинг тараққий этиб бориши натижасида бадиий лойиҳалаш ҳам такомиллашиб боради. Дастлабки яратилган техника воситаларини кишилар гўзаллик оламига мутлақо бегона бўлган ҳодиса сифатида идрок этишган эди. Кейинчалик лойиҳачилар томонидан техникага нисбатан бадиий ёндашув натижасида у ўзининг аввалги дағал, кўпол, нокулай кўринишини йўқотди. Эндиликда техника ўзининг бежиримлиги, қулайлиги, жозибаси билан инсонга яқинлаша бошлади. Мазкур ҳолатнинг ривожланиб бориши билан бирга техника лойиҳасига нисбатан икки хил муносабат ҳам шаклланиб борди. Биринчидан, лойиҳанинг асосида техниканинг механик фаолияти, унинг ишлаш жараёни кўзда тутилган бўлса, иккинчидан, унинг ташқи кўринишига эътибор қаратилди. Кейинчалик мазкур икки муносабатнинг уйғун фаолияти натижасида машинанинг инсонийлашган янги учинчи олами, замонавий ибора билан айтганда - дизайн юзага келди.

Техника эстетикаси ва турмуш эстетикасига доир адабиётларда дизайн ибораси тез-тез учраб туради. У инглизча “desing” сўзидан олинган бўлиб, «лойиҳа, чизма» деган маъноларни англатади. Техника эстетикасининг юзага келиши М.К.Рашидованинг фикрига кўра, “эркин санъат” ва ишлаб чиқаришни индустриялаштириш ўртасидаги зиддиятнинг кенгайишига мойилликнинг ортиб бориши билан белгиланади.<sup>1</sup>

Айтиш мумкинки, дизайн моҳиятан чизма ва лойиҳадан фарқ қилади. Мазкур фарқни англаш эса бизни қуршаб турган нарсалар оламининг шакл-шамойилини, рангини, жойлашган маконини ва бошқа шу каби жиҳатларни мушоҳада қилиш орқали белгиланади. Бу ўз навбатида дизайндаги икки муҳим томонни юзага келтиради. Биринчидан, дизайн ўзининг мафтункорлиги, диққатни жалб эта олиши, юксак дид билан яратилганлиги, фойдаланиш

<sup>1</sup> Қаранг: Рашидова М.К. Единство художественного и технического в эстетике быта. Автореф. дис ... канд.филос. наук. –Ташкент: НУУз. 2006. С. 13-14.

учун кулайлиги, бежиримлиги сингари хусусиятлар билан белгиланади. Иккинчидан, у ўз вазифасини тўла-тўқис бажара олиши, хизмат кўрсатиш даражасининг юқорилиги билан изоҳланади. Демокчимизки, дизайн нафақат техника саноатининг маҳсулотига нисбатан кўлланилади, балки ўзида бундан-да кенг қамровли хусусиятларни акс эттиради.

Дизайн гўзаллик категорияси билан ҳамкорликда ривожланиб боради. Ҳолбуки, буюмни бадий лойиҳалаштиришда унинг шакли билан мазмуни ҳамоҳанг, мос бўлиши керак. Қисқаси дизайн-даги эстетик талаб шахснинг моддий эҳтиёжи билан бирга маънавий эҳтиёжини ҳам қондира олсагина гўзалликни намоён эттиради. Шунинг учун ҳам “Буюмни эстетик сифатлари нималарни тақазо қилишини аниқ билиб олиш учун гўзаллик тўғрисидаги умумий тушунчани таркибий қисмларга ажратиш зарур. Гўзаллик тўғрисида буюмнинг ташқи шаклига қараб фикр юритилганлиги сабабли аввало ташқи шаклнинг қандай белгилари мавжуд эканлигини билиб олиш лозим. Фақат шундан кейингина муайян нарса қандай сифатларга эга бўлиши лозимлиги, у чиройли деб аталишга ҳақли бўлиш учун қандай қонунлар асосида яратилиши кераклиги ҳақида гап юритса бўлади. Ана шунда бизнинг берган баҳомиз далил-исботли бўлади.”<sup>1</sup>

Инсон – гўзаллик бунёдкори. Ишлаб чиқариш маданияти эса шахснинг эстетик дидини шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ишлаб чиқариш жараёнини эстетиклаштириш учун бўлган ҳаракат кенгмиқёслидир. Чунки ҳар қандай соҳадаги бунёдкорлик гўзаллик асосида амалга оширилишини тақазо этади. Бинобарин, ишлаб чиқариш жараёнида акс этувчи гўзаллик кишига кучли эмоционал таъсир кўрсатувчи ҳодиса эканлиги билан меҳнат фаолиятининг самарадорлигини ошишига олиб келади.

Меҳнат жараёнини гўзаллаштиришнинг иккита муҳим жиҳати бор. Биринчиси – меҳнатга онгли муносабатда бўлиш ва меҳнат орқали манфаатдорлик туйғусини шакллантириш. Иккинчиси –

<sup>1</sup> Иқтисоб: Холмянский Л.М. Шчипанов А.С. Дизайн. -Тошкент: Ўқитувчи, 1991. -5 б.

бўшатиб беради. Воқелиқда эса мазкур ўтиш жараёнини ишлаб чиқариш шароитларининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ўзгариб, такомиллашиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Машиналар техникаси даврида манфаатдор муносабат билан эстетик муносабат орасидаги қарама-қаршилиқнинг кескинлашуви нафақат техниканинг ўзига ёки меҳнат тақсимотига, айти пайтда, ишлаб чиқариш соҳалари мақсадларининг ўзгаришига ҳам боғлиқ. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг манфаатдорлиги ва нафосатдорлиги ўртасидаги алоқадорликка доир тадқиқотлардан шу нарса англанадики, мазкур алоқадорлик барча предметлар учун бир хилда эмас. Ҳозир дунёда шундай фундаментал ўзгаришлар рўй бермоқдаки, дунё тарихида бу даражадаги буюк имкониятлар ҳам, бунчалик катта потенциал ҳавфлар ҳам бўлмаган. Айрим тармоқлар етакчиларининг фикрлаш доирасининг торлиги ва “инқилобий” эмаслиги, ривожланиш стратегияларини тўхта-тиб қўйиши мумкин. Сунъий интеллект, роботлаштириш, аддитив технологияларнинг оммалашуви (яъни 3D босмада ҳатто металл деталлар ва эҳтиёт қисмларини тайёрлаш), нанотехнологиялар, биотехнологиялар ва бошқа кўплаб нарсалар кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Шундай предметлар борки, унинг эстетик ўзига хослиги функционал-лойиҳалаштириш асослари билан белгиланади; унинг гўзаллиги мазмун ва шакл, маънавийлик ва моддийлик, манфаатдорлик ва фойдалилик мезонлари билан ҳамоханг тарзда ривожланиб боради.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича туб ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барқарор, ижобий ўсишини таъминламоқда. 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш концепцияси тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Қарорда мамлакатимизнинг халқаро ижобий имижини миллий манфаатларни самарали илгари суришнинг асосий омили ва давлат

фаровонлигини юксалтириш ҳамда барқарор ривожланиш, миллий иқтисодиётнинг жаҳон миқёсида рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ бўлган стратегик масалаларини хал этишдаги энг муҳим шартларидан бири эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ижобий эътироф этилишини янада яхшилаш ва Ўзбекистоннинг салмоқли имиж салоҳиятидан устувор иқтисодий, ижтимоий, инвестициявий, илмий, маърифий, маданий ва бошқа вазифаларни амалга оширишда самаралироқ даражада фойдаланиш борасида давлат муассасалари фаолиятини жадаллаштиришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг жозибали миллий брендини шакллантириш ва мустаҳкамлаш орқали минтақавий ва глобал бозорларда маҳаллий товарлар ва хизматлар экспортини илгари суриш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва унинг жаҳон ҳамжамиятида ижобий қабул қилинишини кенгайтириш орқали миллий суверенитет, барқарорлик ва хавфсизликни кучайтириш ҳамда Ўзбекистонни Осиёнинг етакчи ишбилармонлик, маданий ва туризм марказлари сафига киритиш мақсадида кенгқўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Словакиянинг Chirana компанияси ва россиялик ҳамкорлар билан биргаликда ўпканинг сунъий вентиляцияси аппаратлари (ИВЛ) ишлаб чиқариш бўйича технологиялар трансфери амалга оширилмоқда. Ҳозирда шу ишларни амалга ошириш мақсадида “CHIRANA ASIA” Словакия-Россия-Ўзбекистон қўшма корхонаси ташкил этилган бўлиб, компания “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” (“Made in Uzbekistan”) ёрлиғи остида мамлакатда ягона юқори технологик тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқаради. Бундай ишлаб чиқариш Ўрта Осиёда биринчи марта амалга оширилади, бу эса тиббиёт саноатида импорт ўрнини босиш жараёнини жадаллаштиради. 2019 йил 23-25 октябр кунлари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва «Ўзэкспомарказ» МКК АЖ томонидан республика вазирликлари, идоралари ва ташкилотлари билан биргаликда ташкил этилган «Made in Uzbekistan» Халқаро миллий маҳсулотлар кўргазмаси «Ўзэкспомарказ» МКК

- ишлаб чиқарилган маҳсулотлар инсон манфаатларига ҳамда дидига мос бўлиши шарт;

- буюмларнинг эҳтиёжни қондириш имкони эскилик тамойилларидан холи бўлмоғи лозим;

- лойиҳалаштирувчи нафақат техникавий билимга, айти пайтда воқеликни эстетик идрок эта олиш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак.

Инсон онгли мавжудот. У тафаккурида етилган ғоялар, назарияларни амалий ҳаётда қўлай олиши билан ҳайвонот ва наботот дунёсидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам инсонга буюк ғоялар яратиш ва уларни жамият манфаатларига бўйсиндириш каби улуғвор вазифалар юкланган. Қолаверса, жамият аъзоларининг фаровонлигига, маънавий тафаккурининг юксалишига амалий ёрдам кўрсатмайдиган мавҳум ғоялар унчалик аҳамиятга эга эмас. Кишилар аксарият ҳолларда амалиёт деганда моддий неъматлар ишлаб чиқаришни, бизни ўраб турган нарсалар оламини ўзлаштиришни ва улар ёрдамида гўзалликни яратишни тушунадилар. Бирок, бу маънавий қадриятлар тизимида жамият тараққиётига гўзаллик орқали таъсир кўрсатишнинг бир томони холос. Зеро, инсон ва жамият ҳаётига ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан таъсир кўрсатувчи соҳалар борки, улар мукамаллиги билан гўзаллик ва улуғворликни акс эттиради.

Жамият тараққий этиб боргани сари гўзалликнинг миқёси ҳам кенгайиб бораверади. Бирок, инсоннинг яшаш шароити билан унинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини, орзу-умидларини, истакларини доимо тўла-тўқис қондириб боришнинг имкони йўқ. Шунга қарамай, инсон уларни яратиш учун интилиб яшайди. Зеро, инсон нарсаларнинг моддий ва маънавий оламини яратиб бориши натижасида ижтимоий тараққиёт ҳам шаклланиб боради. Умуман олганда, гўзаллик жамият тараққиётига а) моддий ва маънавий эҳтиёжни қондириш; б) қиймат касб этиш; в) қадриятга айланиш орқали таъсир кўрсатади.

Фикрларимизга асосланиб шуни таъкидлаш жоизки, маънавий қадриятлар тизимида гўзаллик ижтимоий тараққиётнинг маънавий асоси, ҳаракатлантирувчи кучи, мақсади ва вазифаси деган хулосага келиш мумкин. Бинобарин, миллий мафкурамизнинг

Ватан равнақи, Комил инсон, Халқ фаровонлиги, Юрт тинчлиги каби асосий гојлари моҳиятан гўзалликнинг ижтимоий тараққиётидаги асосий мезони сифатида майдонга чиқади. Чунки, гўзаллик бор жойда тараққиёт бор, инсоний муносабатлар баркамоллик асосида шаклланган муҳитдагина гўзаллик мавжуд.

## ХОТИМА

Файласуфлар гўзалликнинг тарихий, ижтимоий, миллий, маданий ва диний моҳияти ҳақида баҳс-мунозаралар қилган. Бирок, гўзалликнинг асл моҳияти, мазмуни, асоси тўғрисида “сўнгги сўз” айтилган эмас. Кимлар учундир буюк рассомнинг буюк асари, даҳо ёзувчининг улуғ ижоди, нодир мусиқачининг бетакрор мусиқаси ва ҳоказо юксак ижод намуналари ҳозир ҳам гўзаллик сифатида идрок этилади. Сабаби гўзаллик инсоннинг воқеликка муносабатлари орасида бир қадар сирли онтологик ва гносеологик моҳиятга эга эканлигидадир. Шунинг учун ҳам гўзалликни яратиш, ривожлантириш ва ҳимоя қилиш, унинг фалсафий моҳиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш барча даврлар учун илмий тадқиқот мавзуи бўлиб келган.

Глобаллашув суръатларининг ортиши, халқаро рақобатнинг кучайиши, ахборот технологиялари жадал ривожланиши ҳамда фанлар интеграциялашиб бораётган ҳозирги шароитда жамият янгича фалсафий тафаккурга зарурият сезмоқда. Эндиликда, фалсафа инсон, жамият ва давлатга ҳар доимгидан ҳам кўра кўпроқ керак эканлиги аён бўлиб бормоқда. Чунки, инсон маънавий камол топиб, жамият, фан ва техника ривожланиб боргани сари фалсафий тафаккурга бўлган эҳтиёж ҳам кенгайди, чуқурлашади. Бу эса фалсафий фанларга янгича, ижодий ёндашиш заруриятини келтириб чиқаради. Шу маънода, гўзаллик фалсафаси — бу аввало, гўзалликни барча ҳодисаларда кўра олиш, англай билиш, яратишга бўлган ҳаракат ва интилиш билан боғлиқ масалаларни қамраб олади. Зеро, гўзал ҳаётга, гўзал моҳиятга, гўзал муносабатга, гўзал жамиятга, гўзал орзуга интилиш ва унга эғалик қилиш инсон ва унинг ҳаётининг фалсафасида бош мақсад бўлиб келган.

Гўзаллик ўзида нафақат борлиқнинг умумий манзарасини, балки инсон-табиат-жамият ўзаро муносабатлари натижасида юзага келган воқеликнинг эстетик мазмунини ҳам акс эттиради. Инсоният тарихида гўзалликнинг у ёки бу шакли ҳақида баҳс-мунозара қилинмаган бирорта ҳам даврни учратиш қийин. Гўзаллик мустақил, эркин, озод ва ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган ҳозир.

Шу боис инсон маънавий тафаккур тараққиёти доим гўзалликка эhtiёж сезади, уни англаш, ўрганиш ва асрашга интилади.

Фалсафий билимлар тизимида Шарқ эстетик эстетик тафаккур тарихи, айниқса гўзаллик ҳақидаги қарашлар, талқинлар кам тадқиқ этилган ва ўрганилган соҳалар сирасига киради, мавжудларида ҳам гўзалликнинг маънавий асослари тор доирада, мазмуни эса “маиший ҳаёт тартибларидан иборат” муаммо сифатида таҳлил қилинди. Бу борада, Шарқ нафосатшунослигида гўзаллик муаммосига доир фикрларнинг бир томонлама, енгил-елпи эканлигига, Шарқ эстетик тафаккури тарихида муҳим ўрин тутган таълимотлар, қарашлар атайлаб тушириб қолдирилганлиги шулар жумласидандир. Хусусан, илмий, маънавий, маданий манба бўлган «Авесто»нинг қадимги Юнон эстетик тафаккури тараққиётига таъсири, Куръон ва ҳадислардаги эстетик моҳият ҳамда Ўрта асрлар мусулмон Шарқи мутафаккирларининг гўзаллик борасидаги қарашлари кейинги даврлар Оврўпа нафосатшунослигида янги назарияларнинг юзага келишида муҳим аҳамият касб этганлиги, асримиз бошларида халққа маърифат уруғини тарқатишга ҳаракат қилган жаҳид мутафаккирларимизнинг санъат, адабиёт борасидаги янги назариялари совет нафосатшунослигининг бирор-бир адабиётида учрамайди.

Маълумки, эстетика ҳам умумийлик хусусиятига эга эканлиги билан фалсафий мақомдаги фандир. Лекин эстетиканинг таркибий қисми ҳисобланган санъат, бадиий адабиёт, турмуш нафосати, техника эстетикаси (дизайн)нинг моҳиятида албатта гўзаллик иштирок этишини унутмаслигимиз керак. Тадқиқотимизда соф эстетик тушунча бўлган ва айни пайтда фалсафанинг ҳам тадқиқот объекти ҳисобланган гўзаллик масаласига эътиборни қаратдик. Бу билан эстетик тафаккур тараққиётида гўзалликнинг ўрнини ҳолисона баҳолашга, бу борадаги ранг-баранг фикрларни бир-бири билан қиёслашга, уларни умумий хусусиятларини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Бироқ, юқорида таъкидлаганимиз, гўзаллик муаммосини тадқиқ этиш, ўрганиш эндигина бошлангани йўқ, аксинча, унинг тарихи узок. Шундай бўлса-да, умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиш, уларни илмий тафаккуримиз ривожига учун тадқиқ қилиш асосий масалалардан бири бўлиб турган



бир пайтда қадрият даражасида аҳамиятли ҳисобланган гўзалликни бугунги кун нуқтаи назаридан янгича талқин қилиш мақсадга мувофиқдир.

Жамиятимизда маънавий янгиланиш жараёнлари кетаётган бир даврда эстетик билимни мустаҳкамлаш ҳамда гўзаллик ҳақидаги дунёқарашни янгилашга бўлган эҳтиёж янада ортмоқда. Чунончи, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш ўз навбатида эстетик тафаккурни янгилаш ва бойитишни тақозо этади. Айниқса, XXI аср “оммавий маданияти” замонавий кифада гўё ривожланган маданий дунёга интеграциялашиш, либераллашиш, демократлашиш ниқоблари остида намоён бўлаётган ҳозирги даврда одамларнинг турмуш тарзи ва ҳаёт фаолиятини эстетик маданиятдан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Ёшлар бу ниқоблар остидаги салбий ҳолатлар ва улар шакллантириши мумкин бўлган иллатлар билан умуминсоний қадриятлар орасидаги кескин тафовутни англашлари учун аввало, эстетик дунёқараш ва гўзаллик ҳақидаги тасаввурлар мукамал бўлиши зарур. Зеро, “оммавий маданият” ҳодисасининг миллий нафосатга кўрсатаётган салбий таъсири, ҳатто жамиятнинг ғоявий тизимини издан чиқариши билан ҳатрли эканлигини англаш одамдан эстетик билимга ҳамда гўзалликка оқилона муносабатда бўлишни тақозо этади.

Миллий тикланишдан миллий юксалиш жараёни шахснинг туйғуси, диди ва идеалини эстетик жиҳатдан камол топтиришни, миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларини гўзаллик талабларига мувофиқлаштиришни, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг эстетик моҳиятини ёш авлод тафаккурига сингдиришни, айниқса, миллий урф-одат ва анъаналаримизга эстетик маданиятимизнинг кўрки сифатида жиддий эътибор қаратиш зарурлигини талаб этади.

Тадқиқотимизда гўзалликнинг аънавий ва замонавий талқини, унинг умумий ва индивидуал компонентлари, функциялари, мезонлари, талаблари борасида айрим мулоҳазаларимизни баён этиш йўлидаги изланишларимиз натижасида қуйидаги хулосага келинди:

1. Гўзаллик - фалсафий-эстетик ҳодиса сифатида эзгулик ва ҳақиқат билан биргаликда олий қадриятлар тизимини ташкил этади.
2. Гўзаллик - эстетиканинг энг қамровли ва универсал тушунчаси сифатида бошқа эстетик тушунчаларга нисбатан етакчилик хусусиятига эга.
3. Гўзаллик - энг олий қадрият ҳисобланган инсоннинг идеал ҳақидаги тушунчасини шакллантиради ва ривожлантиради.
4. Гўзаллик - умуминсонийлик табиатига эга бўлиб, ҳар қандай синфийлик, партиявийлик, якка мафкуравийлик сингари аксил маънавий доиралардан юқори туради, айни пайтда миллийликни инкор этмайди ва айнан ана шу хусусияти туфайли умумбашарий қадрият даражасига кўтарилади.
5. Гўзаллик - идеал ва реал воқелик орасидаги кўприк вазифасини ўташи баробарида бадий ижод равнақи ва санъат турлари тараққиётини таъминлайди. Гўзаллик муаммосини ўрганиш ўз навбатида санъатнинг моҳияти ва долзарб масалаларини англаб етишга ҳамда тадқиқ этишга кўмаклашади, замонавий эстетиканинг назарий теранлашувига ёрдам беради.
6. Гўзаллик – инсонни комил қилиб тарбиялашнинг асосий омили сифатида инсон эстетик дидини шакллантиришда улкан аҳамиятга эга. У инсон қалбини майинлаштиради, ёвузликдан йироқ тутади ва фаолиятга ундайди, табиатни гўзаллаштириш ва инсонни табиийлаштириш учун хизмат қилади.
7. Гўзаллик - ўз моҳиятини воқелик билан қарама-қарши муносабат орқали эмас, балки у билан узвий алоқадорликда намоён этади, санъатнинг мазмунини, моҳиятини мушоҳада этишга ёрдам беради.
8. Гўзаллик - инсонни ҳар томонлама ривожланишига кўмак бериши билан бирга яратувчанлик ва бунёдкорлик сингари эстетик омилларнинг жамият ҳаётида янада фаоллашувига шароит яратади.
9. Гўзаллик - воқеликка бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиш хусусиятига эга, унинг аҳамияти нафақат санъат ва адабиётда, балки табиат чиройини асраб қолишда, атроф-муҳитни гўзаллаштиришда, моддий ва маънавий неъматларни яратиш ва

улардан фойдаланиш жараёнини мувофиқлаштиришда ҳам яққол намоён бўлади.

10. Гўзаллик – фалсафий-эстетик тушунчалар орасида энг кўп таърифланган тушунча. Бунинг асосий сабаби гўзаллик ҳар қандай инкор, тажовуздан ҳоли эканлигида. Гўзалликнинг моҳиятидаги эркинлик устувор, шу эркинлик туфайли унга барча мурожаат қилади, муносабат билдиради. Бироқ, гап унинг асл моҳиятини англаш ва ёндашишдадир. Гўзаллик - маънавий ва моддий хусусиятга эга бўлган, ижтимоий ҳаётда фавқулудда аҳамият касб этувчи тушунча бўлиб, нарса-ҳодисаларнинг инсон тафаккурида лаззатнинг уйғунлик, меъёр, ҳамоҳанглик, мутаносиблик, мақсадга мувофиқлик асосида намоён бўлишидир.

Янги Ўзбекистон ҳар соҳада жадал тараққиёт даврини бошидан кечирмоқда. Бу жараёнда миллий ўзига хосликни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, гўзаллик ва улугворликка интилиб яшашдек ҳаётий тамойилларимизни сақлаб, юксалтириб бориш ҳаётий заруриятга айланади. Шу боис ҳам гўзаллик муаммоси масалалари ҳақида мулоҳаз юритдик. Бироқ, гўзалликни ўрганиш бу билан ниҳояланмайди, у оқил инсон учун доимо янги тадқиқот объекти бўлиб қолаверади. Жумладан, инсон билан жамият орасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришда, моддий неъматларни қиймат касб этувчи механизмга айланишида, янги давр кишининг турмуш эстетикасини ўзгартиришда, жамиятда эстетик муҳит барқарорлигини таъминлашда гўзаллик бирламчи асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирда дунёнинг тараққий этган мамлакатларида эстетик марказлар ташкил этилган. Бу марказлар эстетика, хусусан гўзалликнинг амалий аҳамиятига доир ишларни амалга ошириш, муайян тадбирлар ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Internet ҳамда турли ижтимоий тармоқлардаги эстетика соҳасига доир миллионлаб сайтларнинг деярли 98%и гўзалликнинг молиявий-иктисодий имкониятларини юксалтиришга қаратилган маълумотлардан иборат. Ана шундай марказларни республикамиз ҳудудида ҳам ташкил этиш заруриятга айланиши лозим. Бироқ, бу марказлар фақатгина модалар, косметология, шейпинг, моникюр, педикюр, макияж эстетикаси билангина «ўралашиб» қолмаслиги, аксинча, бундай

марказлар гўзалликнинг маънавий аҳамиятини ҳам юксалтиришга хизмат қилиши лозим. Зеро, гўзаллик нарса-ҳодисаларнинг намоён бўлишигина эмас, балки инсоннинг ўша нарса-ҳодисаларга бўлган қараши ҳамдир.

Бир сўз билан айтганда, гўзалликни ўрганиш - инсонни ўрганиш демакдир.

**ҲУСАНОВ БАҲОДИР**

# **ГЎЗАЛЛИК ФАЛСАФАСИ**

*Монография*

Мухаррир: Х. Тахиров  
Техник мухаррир: Т. Рахматуллаев  
Мусахҳиҳ: Н. Исматова  
Саҳифаловчи: А. Мухаммад

Нашр. лиц № 2244. 25.08.2020 й.  
Босишга рухсат этилди 03.06.2022.  
Бичими 60x84 1/2. Офсет қоғози. “Times New Roman”  
гарнитураси. Ҳисоб-нашр табағи. 7,5.  
Адади 100 дона. Буюртма № 60.

«ZEBO PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент ш., Яшнобод тумани, 22-ҳарбий шаҳарча.



# Гўзаллик фалсафаси

Монография

ISBN 978-9943-8120-9-3



9 789943 812093